

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
ЯНГИ БОСҚИЧИДА ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
РИВОЖЛАНИШИ**

**2021**

**Иноятов С.И.** тарих фанлари доктори,  
профессор

**Жўраева Н.О.** катта ўқитувчи



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
ЯНГИ БОСҚИЧИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Фуқаролик жамияти**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчилар:** **С.И.Иноятов** тарих фанлари доктори, профессор.  
**Н.О.Жўраева** катта ўқитувчи

**Такризчи:** **Э.Х.Зоиров** тарих фанлари номзоди, доцент.

**Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “30” декбардаги 9-сонли баённома)**

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>14</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>18</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>96</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>147</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>153</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

**“Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши” модули** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни асосий йўналишларини қамраб олади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши” модулининг мақсади:** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини

ривожлантиришдан иборат.

**“Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши” модулининг вазифалари:**

- “Фуқаролик жамияти” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- “Фуқаролик жамияти” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш;

- Ўтмиш, бугун ва келажак воқеаларини баҳолашда сиёсий-тарихий тажрибалардан фойдаланиш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талаблар**

**“Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:**

- фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоя ва назарияларнинг шаклланишини,
- Ўрта Осиёда фуқаролик жамиятини шакллантириш тўғрисидаги ғоялар, қарашлар, концепцияларни;
- Фуқаролик жамиятини ривожлантириш тўғрисидаги замонавий қарашлар;
- ривожланган Шарқ мамлакатларининг илғор тажрибаси. Сингапур мўжизаси: назария ва амалиёт. Жанубий Корея моделининг ҳаётийлиги. Япон моделининг ўзига хослигини **билиши** керак;
- фуқаролик жамиятининг илмий-назарий методологияси, Ўрта Осиё мутафаккирларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашлари, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш амалиёти бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш **кўникмаларига эга бўлиши зарур**

- фуқаролик жамиятининг илмий-назарий методологияси, Ўрта Осиё мутафаккирларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашлари, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш амалиёти пакетлар фанларининг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;
- Фуқаролик жамияти фанларини турли соҳаларга татбиқ қилиш;
- Фуқаролик жамияти фанларни дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий усулларини қўллаш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Фан мазмуни ўқув режадаги “Ҳаракатлар стратегияси - Ўзбекистон Миллий тараққиёти янги босқичининг асоси”, “Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагог кадрларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар **Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишининг** профилига мос зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадilar.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Ҳаммаси	Жами	жумладан	
				Назарий машғулот	Амалий машғулот
1.	Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва	2	2	2	

	ривожланиши фанининг предмети, мақсад ва вазифалари				
2.	Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг ғоялари эволюцияси	4	4	2	2
3.	Фуқаролик жамияти инсоният тараққиётининг - юқори босқичи.	2	2	2	
4.	Шарқ мамлакатларида фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлар	2	2		2
5.	Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожлантириш стратегияси.	4	4	2	2
6.	Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади.	4	4	2	2
7.	Кўппартиявийлик - фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти.	4	4	2	2
8.	“Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғояси.	4	4	2	2
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>26</b>	<b>14</b>	<b>12</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.**

### Режа:

1. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг предмети, объекти, мақсади.
2. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг ўқув, илмий, амалий, тарбиявий вазифалари.



3. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг функциялари ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзига хос хусусиятлари.

**2- мавзу: Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг ғоялари эволюцияси.**

**Режа:**

1. Фуқаролик жамияти тушунчасининг тарихий илдизлари ва уларнинг турли тавсифлари.
2. Шарқ ва Ғарб цивилизацияларида фуқаролик жамияти тушунчасига оид ўзига хос ёндашувлар. Фуқаролик жамиятининг антик парадигмаси.
3. Шарқ мамлакатларида фуқаролик жамияти ҳақидаги илк қарашлар. Ўрта асрларда фуқаролик жамияти ғояларининг ривожланиши.
4. Янги даврда фуқаролик жамиятининг парадигмаларини яратилиши. Ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти парадигмасининг ривожланиш анъаналари.
5. Шарқ цивилизациясида янги даврда фуқаролик жамияти парадигмасининг ўзига хослиги.

**3-мавзу. Фуқаролик жамияти инсоният тараққиётининг - юқори босқичи.**

**Режа:**

1. Ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. XX аср охири – XXI аср бошида дунё миқёсида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиши, маънавий-ахлоқий инқироз кучайиши шароитида Ғарб мамлакатлари фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик сиёсати.

3. Ҳозирги даврда АҚШ, Франция ва Германияда ННТнинг фаолияти ва уларни расмийлаштириш тартиблари.

4. Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари.

#### **4-мавзу. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожлантириш стратегияси.**

##### **Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасида янги ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг концептуал заминларининг асослаб берилиши.
2. Ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт моделлари.
3. Тараққиётнинг Ўзбек моделини яратилишининг сиёсий-ижтимоий, тарихий асослари. Асосий тамойиллари, моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.
4. Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари.

#### **5-мавзу. Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади.**

##### **Режа:**

1. Фуқаролик жамиятининг шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни.
2. Кўппартиявийлик - фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти.
3. Нодавлат ноижорат ташкилотларининг фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар.
4. Фуқароларнинг ўзини -ўзи бошқариш органларининг ўрни.
5. Маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада

такомиллаштирилиши.

### **6-мавзу. Кўппартиявийлик - фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти.**

#### **Режа:**

1. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни.
2. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Сенат, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари кенгашларидаги фаолиятини такомиллаштириш.

### **7-мавзу. “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғояси.**

#### **Режа:**

1. “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғоясининг мазмун ва моҳияти.
2. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғоясининг аҳамияти.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1- мавзу: Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг ғоялари эволюцияси.**

#### **Режа:**

1. Фуқаролик жамияти тушунчасининг тарихий илдизлари ва уларнинг турли тавсифлари.
2. Шарқ ва Ғарб цивилизацияларида фуқаролик жамияти тушунчасига оид ўзига хос ёндашувлар. Фуқаролик жамиятининг антик парадигмаси.
3. Янги даврда фуқаролик жамиятининг парадигмаларини яратилиши. Ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти парадигмасининг ривожланиш анъаналари.

## **2-мавзу. Шарқ мамлакатларида фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлар.**

### **Режа:**

1. Шарқ мамлакатларида фуқаролик жамияти ҳақидаги илк қарашлар. Ўрта асрларда фуқаролик жамияти ғояларининг ривожланиши.
2. Шарқ цивилизациясида янги даврда фуқаролик жамияти парадигмасининг ўзига хослиги.

## **3-мавзу. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожлантириш стратегияси.**

### **Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасида янги ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг концептуал заминларининг асослаб берилиши.
2. Ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт моделлари.
3. Тараққиётнинг Ўзбек моделини яратилишининг сиёсий-ижтимоий, тарихий асослари. Асосий тамойиллари, моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.
4. Мамлакатни янгилаш ва модернизатсия қилиш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари.

## **4-мавзу. Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади.**

### **Режа:**

1. Фуқаролик жамиятининг шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни.
2. Кўппартиявийлик - фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти.
3. Нодавлат ноижорат ташкилотларининг фуқаролик жамияти институти

сифатида ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар.

4. Фуқароларнинг ўзини -ўзи бошқариш органларининг ўрни.

5. Маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштирилиши.

### **5-мавзу. Кўппартиявийлик - фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти.**

#### **Режа:**

1.Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни.

2. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Сенат, Қонунчилик палатаси, халқ депутатларикенгашларидаги фаолиятини такомиллаштириш.

### **6-мавзу. “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғояси.**

#### **Режа:**

1. “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғоясининг мазмун ва моҳияти.

2. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғоясининг аҳамияти.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ АҚЛИЙ ХУЖУМ МЕТОДИ

**Ақлий хужум** - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий хужум» методи бирор муаммони эчишда талабалар томонидан билди - рилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир эчимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий хужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга та - лабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга талаба - лар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий хужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва но - стандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий хужум методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

**Вазифаси.** “Ақлий хужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хилли - лигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони эчиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жипслашади.

**Объекти.** Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб

тадқиқотчиликда (янги муаммони эчишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шаклланти - ради) асқотади.

**Қўлланиш усули.** “Ақлий хужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қай - тадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва хужум давомида улар танқид қилин - майди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий хужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони эчиш учун зарурлари танланади.

«Ақлий хужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

**«Ақлий хужум» методининг афзаллик томонлари:**


1. натижалар баҳоланмаслиги талабаларни турли фикр-ғояларнинг шакл - ланишига олиб келади;
2. талабаларнинг барчаси иштирок этади;
3. фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
4. талабаларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
5. талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

**«Ақлий хужум» методининг камчилик томонлари:**

- ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;

- ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

### «Ақлий хужум» методининг таркибий тузилмаси



### «Ақлий хужум» методининг босқичлари:

1. Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Талабаларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

### «Ақлий хужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

- а) Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
- б) Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
- в) Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.



## Мавзу бўйича асосий тушунча ва иборалар

Замонавий таълим воситаси тушунчаси , таълим воситаси турлари,  
таълим воситасини қўллаш усуллари

### Кластер

Кластер - (ўрам, боғлам).  
Билимларни актуаллашишни рағбатлантиради, мавзу бўйича фикрлаш жараёнига янги бирлашган тассавурларни очик ва эркин кириб боришига ёрдам беради.

«Кластерни тузиш қоидалари» билан танишадилар.  
Катта коғознинг марказига калит сўзи ёзилади.

Калит сўзи билан бирлашиши учун унинг ён томонларига кичик айланалар ичига «йўлдошлар» ёзилади ва «Катта» айланага чизикчалар билан бирлаштирилади. Бу «йўлдошлар» нинг «кичик йўлдошлари» бўлиши мумкин ва х.о. Мазкур мавзу билан боғлиқ бўлган сўзлар ва иборалар ёзилади.

Мулохаза қилиш учун кластерлар билан алмашишади.

## Гуруҳларда иш олиб бориш қоидалари

- ✓ Ўзаро ҳурмат ва илтифот кўрсатган ҳолда ҳар ким ўз дўстларини тинглай олиши керак;
- ✓ Берилган топшириққа нисбатан ҳар ким актив, ўзаро ҳамкорликда ва маъсулиятли ёндашиши керак;
- ✓ Зарур пайтда ғар ким ёрдам сўраши керак;
- ✓ Сўралган пайтда ҳар ким ёрдам кўрсатиши керак;
- ✓ Гуруҳ иш натижалари баҳоланаётганда ҳамма қатнашиши керак;
- ✓ Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:
- ✓ Ўзгаларга ёрдам бериб, ўзимиз ўрганамиз!
- ✓ Биз бир қайиқда сузаяпмиз: ё бирга кўзлаган манзилга етамиз, ёки бирга чўкамиз!

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.**

**Режа:**

1. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг предмети, объекти, мақсади.
2. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг ўқув, илмий, амалий, тарбиявий вазифалари.
3. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг функциялари ва бошқа ижтимоий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзига хос хусусиятлари.

**Таянч тушунчалар:** Фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқ ва эркинлик, халқ ҳокимияти, шахс эркинлиги ва фаровонлиги ҳақидаги ғоялар.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат тушунчаси биргаликда XIX асрда пайдо бўлган. Одамлар ҳаёти ва фаолиятининг икки томони: уларнинг шахсий манфаатлари, ташаббуси, ихтиёрий фаолияти жабҳаси ва одамлар хулқ-атвори давлатнинг хоҳиш-иродасига бўйсунувчи халқ ҳокимияти жабҳаси шу тушунчалар билан ифодаланди.

Фуқаролик жамияти ҳокимиятнинг оқилоналиги ва одилоналиги, шахс эркинлиги ва фаровонлиги ҳақидаги ғояларнинг ҳуқуқий устунлиги, ҳуқуқ ва қонуннинг бирлиги, давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари фаолиятини ҳуқуқий чегаралаш ғоялари билан муштарақдир.

Ҳуқуқий давлатни фуқаролик жамияти ривожланишининг натижаси ва унинг ўзини ўзи янада такомиллаштириши омили деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳуқуқий давлатчиликнинг шаклланиш жараёни, ҳеч шубҳасиз, анча узоқ вақт давом этади. У фуқаролик жамияти шаклланиши билан бирга такомиллашиб боради. Ҳар бир давлатда бўлганидек, ҳуқуқий давлат ҳокимиятининг суверенлиги ҳам мамлакат ичида унинг барча фуқароларга ва улар ташкил этувчи нодавлат ташкилотларига нисбатан устунлигида ва ундан ташқарида давлатнинг ташқи сиёсатни юритиш, бошқа давлатлар билан муносабатлар ўрнатишда ва мустақиллигида намоён бўлади. Етук фуқаролик жамиятисиз ҳуқуқий демократик давлат қуриш мумкин эмас, чунки онгли эркин фуқароларгина кишилик жамиятининг энг оқилона шакллари яратишга қодирдирлар. Шундай қилиб, фуқаролик жамияти эркин индивид ва марказлашган давлат хоҳиш-иродаси ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланса, давлатнинг вазифаси парчаланиш, тартибсизлик, танглик, таназзулга қарши иш кўриш, эркин шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат. Ҳуқуқий давлат – бу шундай бир давлат ҳокимиятдирки, у ҳуқуқ нормаларига биноан, ва уларнинг доирасида иш кўради, бу нормаларни бузиш, бекор қилиш ёки чеклашга журъат этмайди, фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларининг узвий табиий-тарихий ҳуқуқларини эътироф этади.

Тоталитар давлатда хавфсизликни таъминлаш ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш, одамлар хулқ-атвори давлат белгилаган ҳуқуқий қоидаларга мувофиқлигини таъминлаш фаолиятидан иборат бўлади, давлат тадбиқан хавфсизликни давлат хавфсизлиги ва фуқаролик жамияти хавфсизлигига ажратиш муаммоси юзага келмайди.

Фуқаролик жамиятининг хавфсизлиги (жамоат хавфсизлиги) қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланиши мумкин:

- ижтимоий адолат;
- давлат билан ўзаро муносабатларда фуқароларнинг ва умуман жамиятнинг ҳуқуқлари;
- қонунийлик тартиби;
- фуқароларнинг иқтисодий фаровонлиги;

- демократик плюрализм;
- жамиятнинг очиқлиги;
- фуқаролик жамиятининг миллий жиҳатдан муайянлиги.

Фуқаролик жамиятининг юзага келиши инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқларининг фарқланишини белгилаб берди. Инсон ҳуқуқларини фуқаролик жамияти, фуқаро ҳуқуқларини – давлат таъминлайди. Иккала ҳолатда ҳам шахс ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритилади, бироқ биринчи ҳолатда айрим инсон сифатидаги шахснинг яшаш, эркинлик ҳуқуқлари назарда тутилса, иккинчи ҳолатда – унинг сиёсий ҳуқуқлари назарда тутилади.

Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари ўртасидаги фарқ муайян асосларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) инсон ҳуқуқлари давлат томонидан эътироф этилгани ва қонун йўли билан мустаҳкамланганидан, уларнинг эгаси - инсон у ёки бу давлатга мансублигидан қатъи назар мавжуд бўлиши мумкин. Фуқаро ҳуқуқлари эса мазкур шахс қарашли бўлган давлат томонидан ҳимоя қилинади;
- 2) дунёда ҳали анчагина одамлар умуман фуқаролик мақомига эга эмас (фуқаролиги бўлмаган шахслар, апатридлар). Бинобарин, улар расмий даражада фуқаро ҳуқуқларига эмас, балки инсон ҳуқуқларига эгадирлар. Фуқаролик жамиятининг вазифаси ижтимоий ҳаётнинг ривожланишини таъминлашдан иборат. Шу сабабли, унинг асосий таркибий қисмларини вазифалари қаторига бу жараён нормал кечиши учун шарт-шароит яратиб берувчи институтлар фаолияти ташкил этади.

Фуқаролик жамияти тушунчасига тарифларнинг турли-туманлиги фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг мураккаб, кўп қиррали жарайён эканлиги билан характерланади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик жамият барпо қилишнинг устувор йўналишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Буни биз қонунчиликнинг демократик тамойиллари, фуқаролик институтларининг ҳуқуқий кафолати ривожланиши, миллий ғоя мафқурасининг шаклланиши ҳаётимиз ва яшаш тарзимизда

муҳим аҳамият касб этишида кўрамиз. Биринчи Президент Ислоҳ Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида (2010 йил 12 ноябрь) устувор йўналишлардан бири сифатида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳамда раванқ топишига алоҳида эътибор қаратиб, **Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари** тамойилни амалда тўлиқ татбиқ этишининг аниқ ва равшан қирраларини белгилаб берди.<sup>1</sup>

Биринчи Президент И.Каримов таъкидлаганидек, фақатгина биз танлагаи босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши бўйича кўйидаги хулосалар чиқариш мумкин: фуқаролик жамиятининг шаклланиши узоқ давом этиб келаётган мураккаб тарихий жараёндир. Фуқаролик жамиятининг баъзи бир унсурлари қадимги Юнонистон ва Римда намоён бўлган вақтдан бошлаб янги даврда шаклланиш элементлари ва ҳозирги кунда бир бутун тизим сифатида пайдо бўлиши фуқаролик жамияти ғояси инсониятнинг антик даврдан бери давом этиб келаётган тафаккури махсулидир.

Ҳар қандай фан ўз моҳиятига кўра умумбашарийдир. Дунёнинг барча халқлари катта-кичиклигидан қатъий назар унинг ривожига турли хил даражада ҳиссаларни қўшган. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисидаги ғоялар қарашларни бир ёқлама бўрттириш ёки камситиш хато ёндашувдир.

**Фуқаролик жамияти фанининг объекти** – бу ривожланган мамлакатларда ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шаклланиш ва ривожланиш жараёни ҳисобланади. Бу жараён ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги туб ўзгаришларни ифодалайди ва бир неча ўн

---

<sup>1</sup>Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010

йилликларни ўз ичига олиб, унда фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий давлат билан ўзар уйғунликда ривожланиш босқичлари назарий ва амалий нуқтаи назарлардан ўрганилади.

**Фуқаролик жамияти фанининг предмети**– бу узоқ ва босқичма-босқич тарздаги тарихий ривожланиш натижасидан иборат бўлиб, фуқаролик жамияти шаклланган ва ривожланган оралик давр – бир неча авлодларнинг янги жамият қуришдаги иштироқи, жамиятшунос олимларнинг бу жамиятни ривожлантиришга доир назарий ишланмалари, мамлакатда фуқаролик жамиятининг ривожланиш жараёнидан иборатдир.

**Фанни ўқитишдан мақсад** - педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат. Фаннинг вазифалари қуйидагиларда намоён бўлади:

-“Фуқаролик жамияти” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-“Фуқаролик жамияти” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш;

-Ўтмиш, бугун ва келажак воқеаларини баҳолашда сиёсий-тарихий тажрибалардан фойдаланиш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Фан мазмуни ўқув режадаги “Ҳаракатлар стратегияси - Ўзбекистон Миллий тараққиёти янги босқичининг асоси”, “Коррупцияга қарши кураш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагог кадрларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади. **“Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида**

**фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши” фани** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни асосий йўналишларини қамраб олади.

Ҳозирги кунда фуқаролик жамиятига барча эътироф этадиган умумий таъриф бериш анча қийин, чунки бу ҳодиса бир жиҳатдан мураккаб, иккинчи жиҳатдан эса, унинг амалиёти, ҳаётда рўёбга чиқиш жараёни давом этмоқда. Демак, бу ижтимоий ҳодисанинг янги-янги қирралари намоён бўлаверади. Профессор Х.Одилқориевнинг фуқаролик жамиятига таърифи ҳам эътиборга молик: “Фуқаролик жамияти – ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий

жамият”<sup>2</sup>.

Демократик жамият – бу энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни эса шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди.<sup>3</sup>

Ҳуқуқшунос олим В.Д. Переваловнинг таърифича, “Фуқаролик жамияти – бу конкрет инсонга ўз фаолиятини қаратадиган, ҳуқуқий анъана ва қонунларга, умуминсоний идеалларга ҳурмат муҳитини яратадиган, ижод ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлайдиган, фаровонликка эришиш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш имконини берадиган, давлат фаолиятини чегаралаш ва назорат қилишнинг механизмини самарали ишлаб чиқадаган эркин демократик ҳуқуқий давлат мавжуд бўлган жамиятдир”<sup>4</sup>.

Жамият жуда мураккаб ижтимоий тузилма бўлиб, кишилар ўзаро муносабатларининг маҳсулидир.

Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг аълоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойдеворини ташкил этган. Биз тарихимиздаги ана шу жиҳатларни ҳисобга олмасак, қудратли, эркин, демократик, давлат, фуқаролик жамиятини қура олмаймиз. Фарб цивилизациясининг фуқаролик жамияти сари ривожланиши маълум ижтимоий ўзгаришлар, инқилоблар орқали амалга оширилди. Бу жараён фақатгина иқтисодий ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларга эмас балки маданий, ғоявий ва маънавий ўзгаришларга ҳам олиб келди.

“Фуқаролик жамияти бу – ўзини ўзи бошқаришдир. Унинг биринчи ва асосий тамойили шу”, “...ўзини ўзи бошқариш органлари-бизнинг

<sup>2</sup> Одиқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. -Т.:Шарқ, 2002. –Б.172.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Т.: Ўзбекистон 1995. –Б.262.

<sup>4</sup> Перевалов В.Д. Гражданское общество и правовое государство. // Теория государства и право. -М.: Норма, 2002. -С.95.



келажагимиз. Фуқаролик жамияти қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи пойдевор мана шу органлар бўлади”<sup>5</sup>.

Фуқаролик жамияти - бу шундай жамиятки, унда кишилар ўзаро боғлиқдирлар, бир бирлари билан мустақил равишда муносабатда бўладилар. Бундай жамиятда ижтимоий маънавий ва маданий ҳаётни таъминлаш, уни ривожлантириб авлоддан - авлодга етказиш давлат билан жамоат бирлашмаларининг, шахс билан жамоатнинг муносабатларини маълум даражада мустақил олиб бориш орқали амалга оширилади. Бундай жамиятда шахс ижтимоий муносабатларда, ўзининг шахсий хусусиятларини йўқотмасдан иштирок этади, ҳар бир шахс ўзлигини намоён қилиб, фаолиятининг шакл ва турларини эркин танлайди.

#### **Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларига:**

- 1) кўппатиявийлик;
- 2) сиёсий ҳаётнинг ва сиёсий институтнинг, мафкура ва фикрларнинг хилма – хиллиги;
- 3) ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги;
- 4) жамиятни бошқаришда оммавий ахборот воситаларининг ролининг катталиги киради.<sup>6</sup>

Бундай жамиятдаги маънавий ҳаёт умумбашарий қадриятлар асосида амалга оширилганлиги, инсоннинг муқаддаслиги, эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топганлиги билан белгиланади. “Демак, фуқаролик жамияти-бу тенг ҳуқуқли инсонларнинг жамияти, якка шахслар ва жамоалар манфаатларини амалга оширишга кўмаклашадиган жамоат институтларининг тизимидир”.<sup>7</sup>

#### **Назорат саволлари**

1. Фуқаролик жамияти фанининг предмети ва объекти деганда нимани тушунаси?
2. Фуқаролик жамияти фанини асосий вазифалари нималардан иборат?

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9.-Т.: Ўзбекистон, 2001. Б.317-322.

<sup>6</sup> Х.Одилқориев. Конституция ва фуқаролик жамияти.-Т.: Шарқ, 2002. –Б.172-173.

<sup>7</sup> Р.Қаюмов Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. -Т.: Адолат, 1998. –Б.199.

3. Фуқаролик жамияти фанининг асосий тушунчалари мазмуни тўғрисида қандай тасаввурларга эгасиз?
4. Фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий босқичларини ёритиб беринг.
5. Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари нималарда намоён бўлади?

**2-мавзу: Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг ғоялари эволюцияси.**

**Режа:**

1. Фуқаролик жамияти тушунчасининг тарихий илдизлари ва уларнинг турли тавсифлари.
2. Шарқ ва Ғарб цивилизацияларида фуқаролик жамияти тушунчасига оид ўзига хос ёндашувлар.

**Таянч тушунчалар:** Авесто, Ҳадиси Шариф, цивилизация, фуқаролик жамияти, Фуқаролик жамияти тушунчасининг тарихий илдизлари.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг биринчи асосий белгиси ва хусусияти инсонларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллиги ҳисобланади. “Авесто”да талқин этилишича, жамиятда соғлом турмуш тарзини, фаровонликни таъминлаш учун эзгу фикр, ширин сўз, берилган ваъдага амал қилишлик, фойдали меҳнат билан шуғулланиш ва ижтимоий фаоллик ҳар бир инсоннинг бурчи ва ҳаётининг фаолияти мазмунини ташкил этмоғи зарур: “Илоҳий қонунга бўйсунадиган яхши киши яқин одамига меҳрибон бўлиши, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганида кўмаклашишга шайлик, кишилар бахт-саодати учун ёвузликка қарши фаол курашишга тайёр бўлиш, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, биродарликда яшашга интилишда намоён бўлади. Инсон фикран ҳам, хаёлан ҳам ҳасадгўй бўлмаслиги лозим. Яхши ниятли киши ҳеч қачон дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди, чунки

жоҳиллик ҳолатида у яхши ниятни йўқотади, бурч ва адолатни унутиб, ножўя ҳаракатлар қилади. Яхшилик таълимини ва садоқатини амалга ошириб... яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган адолатли қонунларни амалга оширсинлар”<sup>8</sup>.

Демак, зардуштийлик таълимоти жамият аъзоларини доим яхшилик ва эзгулик қилишга даъват этиш билан чекланиб қолмай, мунофиқлик билан қабилалар орасига низо соладиган ҳар бир рижкорни қаттиқ қоралайди, шу билан бирга, кишиларни ҳаётда ижтимоий фаолликка, “бир кам дунё”ни такомиллаштириш учун курашга ундайди. Зотан, Зардуштнинг эл-юрт осойишталиги, жамиятдаги сиёсий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлиги, ҳар бир фуқаро ўз манфаати ҳақида эмас, аввало, жамоа аъзолари хусусида қайғуриши, уларнинг тақдирини ўйлаши ҳақидаги доно панд-насихатларни ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган:

“Дуруст одамларнинг энг яхши фазилати янги жаҳонни куришга интиломқдир. Тангри шому саҳар ўзгаларга ёрдам қўлини чўзадиган бандаларини ёқтиради. Ўзгаларни яхшиликка йўллай олган одамларнигина яхши одам, дейиш мумкин. Тангри ростгўйларнинг нигоҳбонидир. Менга ҳамиша ғайрат ва шижоат бахш эт. Мени ҳамиша ғафлат уйқусидан йироқ тут. Қаерда икки тан бир-бирини қўлласа, ўша ерда иш юришади. Биз истаймизки, бу юртда зулм устидан адолат ҳамиша ғалаба қилсин”<sup>9</sup>.

Барча инсонларга ғамхўр бўлиш лозимлиги ҳақида “Авесто”да шундай дейилади: “Илоҳий қонунга бўйсунадиган яхши киши, яқин одамга меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавфхатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, кишилар бахтсаодати учун ёвузликка қарши фаол курашга тайёр бўлиш, ҳамма билан аҳил ва тотувликда, биродарликда яшашга интилишда намоён бўлади”<sup>10</sup>.

<sup>8</sup> Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто”да адолатли жамият ғоялари// Фуқаролик жамияти, 2004 й., 1-сон 47-50 бетлар.

<sup>9</sup> Ўша жойда.

<sup>10</sup> Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто”да адолатли жамият ғоялари// Фуқаролик жамияти, 2004 й., 1-сон 75-бет.

Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши билан ожизларига меҳр-мурувват кўрсатиш, етим-есирларга ғамхўрлик қилиш янгича фалсафий, ҳуқуқий заминга эга бўлди. Зероки, ислом дини таълимотини марказий масалаларидан бири савоб ишлар қилиш, муҳтожларга ёрдам кўлини чўзиш, ночорларга моддий ва руҳий мадад беришга қаратилгандир. Қуръони Каримда бева-бечора ва мискин муҳтожларга ёрдам кўрсатиш ҳар бир мусулмоннинг энг асосий бурчи эканлиги кўрсатиб қўйилган.

Қуръонда эҳсонли, қўли очик, бағри кенг, мурувватли, кенг феълли бўлиш юксак маърифат белгиси, деб қаралади. Кимдаким одамлардан ҳиммати, мурувватини аямаса, саховат эшигини бекитмаса, бундан, энг аввало, унинг ўзи катта наф кўради, маънавий қониқиш ҳосил қилади. Қуръоннинг Ҳадид сурасида: “Эй, мўминлар, қачон сизлар пайғамбарлар билан сирлашмоқ, суҳбатлашмоқни истасангизлар, суҳбатларингиз олдидан (камбағал-мискинларга) бирон хайри-садақа тақдим этинглар” дея кўрсатилган<sup>11</sup>.

Муҳаммад пайғамбаримизнинг ибратли ҳаётлари, юриштуруишлари ва панд ўғитларидан иборат Ҳадису Шариф ҳам бевабечораларга раҳмдиллик, шафқат кўрсатиш кераклиги ҳақидаги ғоялар билан суғорилгандир. Ҳадиси Шарифдаги “Очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатманднинг ҳожатини чиқаринг” деб зикр этилган ҳикмат ҳам мусулмонларни камбағал, кам таъминланган кишиларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга чақиради.

Фуқаролик жамиятининг иккинчи хусусияти – инсон ҳуқуқларининг устуворлигидир. “Авесто”да Ахура Мазда яратган қонунларга кишилар қатъий амал қилса, ҳақиқат (адолат) ва эзгулик жаҳолат ва ёвузлик устидан ғалаба қозониб бораверади, деган фикр қуйидагича баён қилинади: “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Ахура Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман”<sup>2</sup>. Демак, “Яхши фикр”, деганда зардуштийлик қонунида яқин кишисига меҳрибон бўлиш,

<sup>11</sup> Қуръони Карим. Т., Чўлпон., 1992 й., 248- бет.

мухтожларга кўмаклашиш, ёвузликка қарши кураш, бахт-саодат учун ҳаракат қилиш, аҳиллик ва дўстлик, тотувликда яшашга интилиш каби ниятлар софлиги тушунилган.

“Авесто”да кишиларнинг ўзаро муносабатларида берилган ваъданинг устидан чиқиш, мажбурияти ва қасамига содиқ қолиш одатий қонун ҳисобланган.

Қонун яратувчилар ва қоҳинлар жуда катта аҳамият берган нарса – берилган сўзнинг муқаддаслиги эди. Сўз – “аша” ҳақиқатнинг ҳаётий ифодаси сифатида ҳурматга сазовор. Икки хил мажбурият тан олинади. Биринчидан, тантанали равишда қасам ичиш (варуна – ҳинд-эрон сўзи “вер” – боғламоқ сўзининг ўзагидан), унга кўра, киши бирон ҳаракатнинг содир этиш ёки этмаслик мажбуриятини олган. Иккинчидан, бу битим ёки шартнома ҳисобланиб, митра Ҳинд-ориён сўзи “мей” – (“алмашиш” мазмунида) деб аталган, унга кўра, томонлар ўзаро бирон нарса тўғрисида келишган. Иккала ҳолда ҳам қабул қилинган қасамда яширинча куч бўлиб, бу куч илоҳий деб ҳисобланган. У одамга ҳамкорлик қилади, ўз сўзида қатъий турган кишини қўллаб-қувватлайди, сўзида турмаган кишини эса жазолайди. Қасам ичиб, аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки уни бузган ҳолларда ҳақлигини исботлаш учун ордалия ўтказиб синалган. Унинг жуда кўп турлари мавжуд эди. Улар: ўт билан синаш, кўкрагига қизиган темирни кўйиш кабилар. Агар сўз қасам тўғрисида бўлса, одатда, сув билан, агар шартномага оид бўлса, ўт билан синалиб, айбдор ёки гумон қилинувчининг ўзи ҳақлигини исботлашига имкон берилган. Унга биноан, айбланувчи ўз ёнида турган кишининг оёқларини ушлаб турган ҳолда сувга шўнғиган. Шўнғиш вақтида “Варуна ҳақиқатдан мени ҳимоя қил” деб айтган. Ана шу лаҳзада камондан ўқ узилган, шу пайт чопар киши ўқ кетидан югурган, агар у ўқни айбдор сув остида ўлгунга қадар келтирса, қасам худоси Варуна айбдорни афв этди ва оқлади, деб ҳисобланган.

Ўт билан синашнинг шартларидан бири шундай бўлганки, айбдор ёки гумон қилинувчи ёнаётган икки қатор палёнлар орасидаги тор йўлакдан

югуриб ўтиши лозим бўлиб, агар тирик қолса, шартнома худоси Митра уни айбсиз билди ёки авф этди, деб ҳисобланган. Ўт билан синашда айбдорнинг яланғоч кўкрагига эритилган мис қўйиш шакли ҳам қўлланилган. Шунингдек, кайнаб турган суюқлик (ёғ ёки сув) билан синаш, муз-сув билан синаш, маросимларни ўтказиш учун тайёрланган ўсимлик ширасини ичириб синаш, дарё сувига улоқтириб синаш каби усуллар бўлган.

Зардуштийлик таълимотида инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига қарши курашишга даъват қилинади: “Инсон ҳақиқат ва адолатга интилсин, одамзод бахтли-саодатли яшашга ҳақли, инсонни ҳаётдан, ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!”<sup>12</sup>.

Шариатда ҳам сўз ва қасамнинг қудрати кучли ҳисобланган. Ҳадису Шарифда “Оллоҳга ширк келтирмак, ота-онага оқлик қилмак, одам ўлдирмак ва ёлғон қасам ичмак-гуноҳи азимлардандур”<sup>13</sup> – деб кўрсатилган ва яна: “Оллоҳга ваъда бердингизми, унга вафо қилингизлар ва Оллоҳни ўзингизга кафил қилиб қатъий қасам ичдингизми, уни бузмангизлар”<sup>14</sup> деб уқтирилган. Шариатда қонун устуворлиги, ҳар бир жиноятчининг ўзи жиноий қилмишига яраша жазоланиши ёки бир сўз билан айтганда, пайғамбарларимизнинг “Ал қасосу минал ҳақ” – “қасос ҳақдир”, яъни ҳар қандай жиноят жазога сазовор, деган ҳадисларига асосан иш тутиш ғояси илгари сурилган.

Шариатнинг турли маҳзаблари учун умумий бўлган таълимотларга кўра, жиддий ҳисобланган ҳар қандай гуноҳжиноят жазога лойиқ хатти-ҳаракатлар деб ҳисобланган ва белгиланган тартибда жазоланган. Бу ҳолат ўз навбатида қонун устуворлигидан, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари шариат томонидан ҳимоя қилинганлигидан далолат беради.

Фуқаролик жамиятининг учунчи хусусияти – одамларнинг хусусий мулкка эга бўлишидир.

<sup>12</sup> Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. “Гулистон”, 1999 йил, 2-сон 18-56 бетлар.

<sup>13</sup> Ҳадис, 4-том, Т., - 1997 й., 527 бет.

<sup>14</sup> Ҳадис, 4-том, Т., - 1997 й., 261бет.

Қадимги даврларда одамларнинг хусусий мулк-чорва, ишлаб чиқариш воситалари, қурол-анжомлари, яшаётган уйлари, деҳқончилик ерлари, ўтлоқлар ва ҳоказолар ҳисобланган. Мулкчилик ҳуқуқи амалда эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи билан чекланмаган. У бошқариш ҳуқуқини, яъни бошқа шахс эгалигига топшириш ва шартнома асосида эгалик қилишни ўз ичига олган. Бойлик хусусий мулк маъносини англатган. Хусусий мулк – “вис” (уруғ жамоаси)га зироатчилик билан машғул ва бирбирларига қариндош бўлган камида 15 та оила кирган. Жамоанинг хусусий мулки, дейилганда эса ҳовли-жой, қалъақўрғонлар, яйловлар, экин ерлари, каналлар ва бошқа бойликлар назарда тутилган.

“Ҳар куни икки марта сув оқиб ўтадиган, суғориладиган бир бўлак ери, подаси, айвонли ҳовлиси, 15 ёшли хотини бўлган... ҳовли-жойида олов ёниб турадиган, хотини бўлган, кўп фарзандли, ўз меҳнати билан оиласини боқиб юрган, ерни яхши парвариш қиладиган, молга яхши қарайдиган одам бегуноҳдир”<sup>15</sup>.

Ислом динида ҳам мулк ҳуқуқи абадий ва чекланмаган бўлиб, шариат уни барча чоралар билан қўриқлаган. Мулк ҳуқуқи ҳарбий ўлжа йўли билан, фуқаролик битимини тузиш, меросга олиш, хизмат эвазига ҳокимиятни эгаллаш, иш фаолияти билан боғлиқ равишда вужудга келган. Шариат ҳуқуқига кўра, ер мулкининг кўйидаги шакллари: давлат ерлари, хусусий кишиларга тегишли ерлар, қишлоқ жамоа ерлари, диний ташкилотларга тааллуқли ерлар (ёки вақф ерлари) мавжуд бўлган.

Шариатда мулк ҳуқуқи муқаддас ҳисобланган ва унга тажовуз қилганлар тан жазолари билан таъқиб қилинган. Биринчи марта ўзгалар мулкига дахл қилиш – ўғрилиқ қилганлик учун ўнг қўлининг бош бармоғи қолдирилиб, тўртта бармоғини кесишга ҳукм қилинган. Иккинчи марта ўғрилиқ учун чап қўлининг тирсаги ўртасидан қирқилиши талаб этилган. Учинчи марта эса умрбод зиндонга ташлаш, тўртинчи марта ўғрилиқ учун

---

<sup>15</sup> Махмудов Т. “Авесто” ҳақида//Гулистон, 1998 й., 5-сон 21-26 бетлар.



катл этиш жазоси назарда тутилган.

Фуқаролик жамиятининг тўртинчи хусусияти одамларнинг жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишидир. Шахснинг фуқаролик фаоллиги унинг давлат ва жамият ишларига онгли, манфаатдор ва оқилона-танқидий муносабати, ўз манфаатларига ҳам, жамият манфаатларига ҳам дахлдор бўлган қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга таъсир кўрсатишга интилишидир.

“Авесто”да давлат ва жамият бошқарувининг ҳудудий ва сиёсий-ҳуқуқий тизими ҳақида маълумотлар берилган. “Варзанапати” диний мафкура ва давлат бошқарувида жамоа аъзоларининг фаол иштирок этишига масъул бўлиб, у жамоа ижтимоий-сиёсий фаолияти, диний-ҳуқуқий ва хўжалик ишлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этган. “Нманапати” оила жамоаси учун диний бошлиқ ҳисобланган. “Вис” ҳам уруғ жамоаси бошлиғи сифатида ижтимоий-ҳуқуқий вазифаларни бажарган. У катта оила жамоаси оқсоқоллар орасида сайланиб, уруғ жамоаси бошлиғи судья, коҳин ва жамоа раҳнамоси ҳисобланган. “Даҳию састар”лар бир неча қабилалар яшайдиган маъмурий ҳудудда, вилоятларда бошлиқ вазифасини бажарган. Улар томонидан чиқарилган ҳар қандай низом ва қонунлар жамоа аъзолари учун мажбурий кучга эга бўлиб, жамоа аҳли давлат бошқарувида фаол қатнашган. Исломда ҳам кишиларнинг жамият ва давлат ҳаётига фаол иштирок этиши лозимлиги ғояси илгари сурилиб, барча қонунга итоат этишига чақирилган: “Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки менга итоат қилса, Оллоҳ таолога итоат қилган бўлур, кимки менга осийлик қилса, Оллоҳ таоллога осийлик қилган бўлур, кимки амиримга итоат қилса, менга итоат қилган бўлур ва кимки амиримга осийлик қилган бўлса, менга осийлик қилган бўлур”<sup>16</sup> деб даъват қилганлар. Яна бир бошқа ҳадисда эса “Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи ва саллам: “Мусулмон одам гуноҳ бўлмайдирган амру фармонга, ул ўзига ёқадирми ё йўқми, қулоқ осиб итоат қилмоғи лозимдур, агар гуноҳ ишга буюрилган эрса, на қулоқ солмоқ ва на итоат этмоқ

<sup>16</sup> Ҳадис, 4-том, Т., - 1997 й., 394 бет.



лозимдур”<sup>17</sup> деб уқтирадилар.

Шарқ мутафаккири Абу Наср Форобий илк бор фозил жамоани вужудга келтиришга доир ўз илмий изланишлари билан фуқаролик жамияти назариясининг шаклланишига катта ҳисса қўшди. Аллома “Фозил шаҳар одамлари қарашлари” асарида жамият (“инсон жамоаси”)нинг келиб чиқиши ҳақида шундай ёзади: “Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эг бўлиш учун кишилик жамоасига эҳтиёж туғилади, шу сабали яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интиланган етукликка эришиши мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришмоқ учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон кўпайди ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашди, натижада инсон жамоаси вужудга келди”. Фозил жамоаларни таснифлаш ва уларни барпо этиш йўллариининг Форобий томонидан ишлаб чиқилиши оқибатида жаҳон сиёсий фикрлар тарихида фуқаролик жамиятининг асосий унсурларини таҳлил этишга бўлган эътибор кучайди.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асари марказида ҳам инсон унинг кадр қимматини жойига қўйиш ғояси туради. “Мен ўз салтанатимни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук итоат қилиш урф-одатга эътибор бериш мен учун катта аҳамиятга эга эди. Мадомики бир ҳукмдор бутун умри давомида от устида ўтириб ўзига тегишли бўлган катта иқлимнинг ҳар томонда ҳаракатда бўлиб бир нуқтада туриб қолмас экан ўзининг кенг қамрови ундан итоат қилишга амин бўлиши керак. Бундай ишончга фақат шариат қонунлари ва урф-одат қоидаларини амалга ошириш орқали муяссар бўла олади. Менинг мамлакатим турли соҳаларда қонунга қатъий амал қилинадиган бўлса, мен ўзимни ўша ерда ҳозир тургандай сезардим шариат ва урф қонунларини назарда тутган ҳолдагини одамлар

<sup>17</sup> Куръони Карим. Т., Чўлпон., 1992 й., 544 бет.

сенинг ишларингга ишонадилар ва уни жону дил билан бажарадилар. Мен ҳамиша аскарларимни қонунга итоат қилиш руҳида тарбия қилдим, қонун бузувчиларни жазосиз қолдирмадим”.

Амир Темур салтанатида 2 турдаги суд тизими муҳим ўрин тутган. Бири “ривоят қозилиги” деб аталиб у фуқароларнинг хўжалик ва маиший турмуш тарзига оид ишларни тартибга солган. Иккинчиси “шариат ишлари қозилиги” деб номланган бўлиб уни шайхул исломи бошқарган. Бу диний ишларнинг тўғри бажарилиши ва фуқароларнинг унга доир мурожаатларини тартибга солган. Амир Темур давлатидаги 2-суд тизими шаклан бизнинг икки тузилмага бўлиниб фаолият кўрсатаётган бугунги суд тизимига фуқаролик ишлари ва жамият ишлари судига ўхшаб кетади.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарида фуқаролик жамиятининг ўз даврига хос асослари баён қилинади. Амир Темур давлатининг ихтиёрийли кўрилмасини фуқароларнинг 12 табақаси ташкил қилган ва ҳар бир табақа кишиларнинг ўз касб ҳунар мавқеи ҳамда вазифаларга эга бўлган:

1. Саййидлар, уламо машойихлар, фозил кишилар
2. Ишбилармон донишманд одамлар
3. Хуфтуй, таркидунё қилган кишилар
4. Нуёнлар, амирлар, мингбошилар яъни ҳарбий кишилар
5. Сипоҳ ва раият
6. Махсус ишончли кишилар
7. Вазирлар, саркотиблар
8. Ҳокимлар, табиблар, мунажжимлар, муҳандислар
9. Тавсил ва ҳадис омиллари
10. Аҳли ҳунар ва санъатчилар
11. Суфийлар
12. Савдогар ва сайёҳлар ташкил этган.

Унинг тақдири эса уч нарса: подшо, хазина ва аскар ҳал қилади. “Темур

тузуклари” асарида ҳам инсон унинг қадр қимматини жойига қўйиш ғояси туради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, том маънодаги оддий одамларнинг фуқаролик жамияти белгиларини уруғ ва қабилага бирлашган жамоа ҳаётида, умумий ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишида, хусусий мулкка эга бўлишида, қабиланинг жамоанинг умумий манфаати билан боғлиқ бўлган турли масалаларнинг Оқсоқоллар Кенгашида муҳокама этилишида кўришимиз мумкин. Биз юқорида таҳлил қилишга уринган кадриятларнинг барчаси юртимизда фуқаролик жамияти белгилари қадим даврлардан шаклланганлигидан далолат бериш билан бир қаторда, уларнинг аксарияти, ҳозирда ҳам долзарб бўлиб, мамлакатимизда фуқаролик жамияти куриш ишига хизмат қилмоқда.

#### БББ жадвали

№	Мавзу саволлари	Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим
1	2	3	4	5
1.	Фуқаролик жамияти ғоясининг келиб чиқиши тарихий шарт-шароитлари нималардан иборат эди?			

#### Назорат саволлари:

1. Фуқаролик жамияти ғоясининг келиб чиқиши тарихий шарт-шароитлари нималардан иборат эди?
2. X–XII асрларда Марказий Осиё мутаффакирларининг таълимотларидаги адолатли жамияти ҳақидаги қарашларни изоҳланг?
3. Янги даврда фуқаролик жамиятининг янги талқинлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритинг?
4. Жадидчилик ҳаракатининг ғоявий меъросида фуқаролик жамияти ҳақидаги концептуал қарашларни шарҳланг?
5. Фуқаролик жамияти ҳақидаги замонавий концептуал масалаларнинг ғоявий ва ментал хусусиятларини очиб беринг?

### **3-мавзу. Фуқаролик жамияти инсоният тараққиётининг - юқори босқичи.**

#### **Режа:**

1. Ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Жанубий- Шарқий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари.

**Таянч сўзлар:** Ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари, дунё миқёсида глобаллашув жараёнлари, маънавий-ахлоқий инқироз, ҳамкорлик сиёсати, ҳозирги даврда АҚШ, Франция ва Германияда ННТнинг фаолияти, Жанубий Шарқий Осиёда фуқаролик жамияти институтлари.

**Ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари.** Фуқаролик жамияти бир вақтнинг ўзида муайян ғоя ва мафкура, аниқ асосга эга бўлган воқеликни қамраб олмасида унинг амалий характери билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Чунки бундай ўз-ўзини институтцинал бошқарув шакли бир томондан, шахсий эркинлик, ўзаро муносабатнинг тури ва предметини эркин танлашга имкон берувчи ижтимоий муносабатларнинг аниқ соҳаси ва қизқишларни субъектив қондириш усули сифатида талқин қилинса, бошқа томондан, юзага келган аниқ воқеа-ҳодисага ўзига хос — кучли ва мустақил шахс нуқтаи назаридан ёндошиш имконини берувчи ижтимоий тизим сифатида ривожланиб боради. Масалан, АҚШда фуқаролик жамиятининг дастлабки расмий институтлари диний уюшмалар, мактаблар ва турар жойи бўйича ҳавфсизлик ва тартибни таъминловчи ижтимоий гуруҳлар сифатида фаолият олиб борган. Ғарбий Европада эса бундан фарқли равишда фуқаролик жамияти институтлари иқтисодий соҳада ўз-ўзини намоён қилиб, бу янги ва эски типдаги, олдинги уюшмалар ва корпоратив бирлашмалар асосида ташкил топган мустақил бозор ташкилотлари сифатида фаолият юритган.

Германияда фуқаролик жамияти институтларининг ўзига хос фаолияти гильдияда ўз аксини топиб, ўз вақтида ҳунарманд ва савдогарларнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва шаҳарларни бошқаришга ўзига хос таъсир ўтказишнинг дастлабки шакли сифатида қарор топган. Ўз навбатида Европанинг Флоренция, Падуя ва бошқа шаҳарлари ўзини гильдия шаҳар (townsmen) сифатида шакллантирган<sup>18</sup>.

Ҳозирги даврда ривожланган Ғарб давлатларида фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари демократик сиёсий фаолликни назарда тутган ҳолда давлат устидан назоратни амалга оширади. Бунда сиёсий партиялар таъсири ва ўз-ўзини бошқариш институтлари фаоллиги тобора ортиб бораверади. Яъни шахс эркинлиги олий қадрият сифатида баҳоланади. Масалан, АҚШ, Буюкбритания, Австралияда мазкур принцип сабаб давлатнинг фуқаролик жамияти ҳаётига аралашувига йўл қўйилмайди.

**Ҳозирги даврда Германия ва Буюк Британияда ННТнинг фаолияти ва уларни расмийлаштириш тартиблари.** Кучли давлат анъанаси Шарқ давлатлари каби кўпгина Ғарб мамлакатларига ҳам хос, айниқса Германия давлат бошқарув тизимида бу ҳолатга бевосита гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни Германия ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлатнинг роли жамият ҳаётини барқарорлаштиришдаги аҳамияти кучли ҳисобланади. Шу боисдан ҳам давлат тузилишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда миллий бирдамлик ғояси устувор аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам шахсий эркинлик давлат кудратига боғлаб талқин этилади. Унга кўра давлат кучли бўлсагина, шахс қизиқишлари ва эркинлигини ҳимоя қила олади. Яъни, давлат тартиби ғояси, миллий бирдамлик шахс эркинлигидан ҳам устун қўйилади. Бундай ҳокимият бошқарув тизими Германиядан ташқари Франция ва Японияга мамлакатларига хосдир. Шунингдек, Германияда фуқаролик жамияти соҳасида ва унинг фаоллигини оширишда фуқарога нодавлат секторни ривожлантиришнинг муҳим мақсадли объекти сифатида эътибор қаратилади.

<sup>18</sup> Ашин Г.К., Кравченко С.А., Лозаннский Э.Д. Социология политики. Сравнительный анализ российских и американских политических реалий: Учеб.пособие для высших учебных заведений. - М.: Экзамен, 2001. –С. 608.

Германияда муҳим сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилишида ҳамда инсоннинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишида фуқаролик жамияти институтлари муҳим рол ўйнайди. Бунда давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг таъминланиши фуқаролик жамияти институтларининг муҳим вазифаси деб қаралади. Давлат тизимлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилишида ноҳукумат ташкилотларининг ролини кучайтириш давлатнинг жамият билан самарали ўзаро алоқада бўлиши механизмларини мустаҳкамлайди<sup>19</sup>.

Германияда фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида эркин ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш кўп қиррали ва мураккаб жараён сифатида баҳоланади. Шунинг учун ҳам мазкур жараёнлар ахборот эркинлигига оид ҳуқуқий механизмлар асосида тартибга солинади. Чунки бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ходимларининг замонавий ахборот бозори шароитида жамият олдидаги масъулияти ҳамда жавобгарлигини янада чуқур англашига хизмат қилувчи зарур механизмларни ишлаб чиқиш муҳимдир. Шунинг учун ҳам 2003 йилнинг майида Германияда оила, кекса фуқаролар, аёллар ва ёшлар ишлари бўйича кўмитанинг кичик бўлими (Фуқаролик фаоллиги бўйича кичик кўмита) ташкил этилган. Унинг вазифасига Германиянинг фуқаролик жамиятини тадқиқ этиш тавсияларини бажаришга кўмаклашиш ҳамда ўз йўналишидаги қонун лойиҳалари ва ташаббусларини муҳокама қилиш киради.

Шунингдек бу мамлакатда аҳолининг давлат, тижорат ва жамоат ташкилотларига бўлган ишончи «учинчи сектор»ни ривожлантиришнинг муҳим мезонлари ҳисобланади. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги «биринчи» ва «учинчи» секторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни институционаллаштириш ҳар икки томон учун фойдали ҳисобланади. Бундай ҳамкорлик сиёсатини белгилаб берадиган ҳужжатлар

---

<sup>19</sup> Курбатов В.И. Современная западная социология: Аналитический обзор концепций: Учеб.пособие. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2001. – 416с.

давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг муайян босқичи учунгина фойдали бўлади. Уларда давлат ҳокимиятининг фуқаролик жамияти ролига нисбатан янгича нуқтаи-назари акс этади ва учинчи сектор ташкилотлари билан самарали ўзаро ҳамкорлик асослари яратилади<sup>20</sup>.

Германияда «учинчи сектор» фуқаролик жамияти, фаол фуқаролик ва бирдамлик ҳисси – яқин яқингача фақат сиёсатшуносларни қизиқтирган тушунчалар эндиликда барча ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари томонидан муҳокама қилинмоқда. Бунинг сири нимада? Нима сабабдан бугун унинг аҳамияти бунчалик ошган? Биринчидан «учинчи сектор» – фуқаролик жамиятининг ташкилий инфратузилмаси – узоқ йиллар давомида ривожланувчи иқтисоднинг муҳим тармоғига айланди. Масалан, биргина Германиянинг ўзида 1990 йилдан 1995 йилгача у 30% ўсди. Бундан маълум бўладики, учинчи сектор меҳнат бозори учун алоҳида аҳамият касб этади. 90 йил ўрталарига келиб Германия аҳолисининг тахминан 2,1 млн. (иш билан банларнинг 5%) нотижорат секторда бўлган. Бошқа мамлакатларга нисбатан Германиянинг «учинчи сектори» ўзининг иқтисодий аҳамиятига кўра ўртача ҳисобланади. Унчалик катта бўлмаган бошқа Ғарб мамлакатлари - Нидерландия, Ирландия, Бельгия – бу жиҳат бўйича 10% гача чиққан холос. Сабаби давлат ва —учинчи сектор ўртасида бевосита ва узлуксиз ҳамкорлик бу мамлакатларда Германия даражасида ривожлантирилмаган. Германияда давлат ва «учинчи сектор» ўртасидаги субсидарлик тамойилининг қўлланилиши беғараз ёрдам билан чегараланади.

Иқтисодий жиҳатдан Германияда «учинчи сектор» давлат молиявий ресурсларига боғлиқ. Беғараз фондлар ва уларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши —учинчи секторнинг давлатга боғлиқлигини оширади. Ва бу жиҳат айниқса бошқа давлатлар билан солиштирилганда яққол намоён бўлади. Катта молиявий ёрдам олишда ифодаланувчи сиёсий партиялар ва

---

<sup>20</sup> Сморгунов Л.В. Современная сравнительная политология. Учебник. - М.: «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2002. - 472с.



давлатга яқинлик «учинчи сектор» элементларини фуқаролик жамиятидан ташқарида бўлишига ва квазидавлат секторига киришига олиб келади. Бирок «учинчи сектор» эзгу ишлар ҳомийлигидан иборат эмас. Ташкилотларда ўтган вақт учун тўланмайдиган пул миқдори тўлиқ бандликдаги миллионлаб одамларга тўланадиган пулга тенг бўлган. Жамоатчилик асосидаги фаолиятнинг манбаи бўлган бирдамлик ҳисси фуқаролик жамияти мавжудлигининг муҳим асоси ҳисобланади. Охирги тадқиқотлар кўрсатишича, Германияда 14 ёшдан катта бўлганларнинг 34% жамоатчилик асосида («учинчи сектор» ташкилотларида - 80%) фаолият олиб бориб, бунга ҳафтасига ўртача 5 соат вақтини сарфлайди.

Охирги уч ўн йилликда Германияда фондлар сони тобора ошиб бормоқда. Уларнинг фаолияти қонуний асос билан мустаҳкамланади. Улар орасида янги турдаги фуқаролик ёки шаҳар фондлари бўлиб, бунда ташкилотлар ва алоҳида жисмоний шахслар ҳамкорлик асосида маҳаллий миқёсда у ёки бу муаммони бартараф қилиш йўлида бирлашади. Германиянинг янги ерларида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. 1990 й. Шарқий Германияда ҳақиқий «портлаш» бўлган, бунда 80.000 то 100.000гача жамиятлар ташкил топган. Германияда тузилган ташкилотлар ўзига хос жиҳати ижтимоий-сиёсий жиҳатдан марказий соҳалар – атроф-муҳитни сақлаш ва халқаро фаолият жабҳасидаги динамикаси билан боғлиқ. «Учинчи сектор» ташкилотлари аъзоларининг тобора ошиб бориши унинг одамлар ҳаётига кириб борганлигидан далолат беради. Қолаверса, «учинчи сектор» кўп жиҳатдан жамиятнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш ва инновацияларга нисбий лаёқатидан далолат беради. Яъни бу фаолиятдаги янгилик асосан ҳукумат фаоллик кўрсатмаган соҳаларда юзага келади. Шу нуқтаи назардан бу ҳодисани ижобий баҳолаш мумкин. АҚШда кузатилаётган "Bowling alone" – ижтимоий фаоллик ҳалокати феномени Германия жамиятига хос эмас.

Қизиқишларни ифодалаш функцияси бунда қандай амал қилади? деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Энг янги жараёнлар шуни кўрсатадики, «мавзу адвокатлари» деб номланувчи атроф-муҳитни сақлаш ва



халқаро фаолият ташкилотларига пулни сарфлаш ва уларда жамоатчилик асосида иштирок этиш модага айланяпти. «Мавзу адвокатлари»га ўхшашларнинг мавжудлигини, «учинчи сектор»нинг давлат функцияларига таъсир қилиши ёки давлатнинг амал қилиш чегарасини кўрсатишга қодирми? Германия мисолида биз бунинг қарама-қарши, аммо умуман олганда ижобий натижаларини кўрамиз. Айнан янги ва ўзига мустақкам ишончи бўлган, давлат оталиғидан ташқарида вужудга келган ташкилотлар ўзига хос фуқаролик жамиятидан далолат беради.

Ғарб мамлакатларида ҳамкорлик сиёсати асосида нотижорат секторининг жамиятни ривожлантиришга ҳиссаси эътироф этилади ундан сўнг эса томонларнинг умумий режалари ҳамда давлат ва жамоат бирлашмалари томонидан ҳамкорлик принципларини амалий механизмлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш бўйича аниқ чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Шунинг учун ҳам бундай ҳамкорлик сиёсати одатда икки томоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ва музокаралари натижаси мустақкамланиб борилади. Улар турли шаклларда намоён бўлади: икки томонлама расмий битимлар масалан, Буюк Британия давлати ва фуқаролик жамияти ўртасида тузилган шартномалар, ҳукумат томонидан давлат дастурлари сифатида қабул қилинадиган «де-факто» битимлари (Хорватия ҳамкорлик дастури) ёки Парламент (Эстония фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси) ёхуд томонларнинг мажбуриятлари ифода этилган бир томонлама баёноتلар (Венгриянинг фуқаролик жамиятига нисбатан давлат стратегияси) шаклида қабул қилиниши мумкин.

Буюк Британия давлати ва фуқаролик жамияти ўртасида тузилган шартномалар ва баёноتلар учинчи сектор учун ҳам, давлат секторининг ўзи учун ҳам жуда муҳим саналади. Чунки улар, биринчидан, фуқаролик жамияти ташкилотларига ўз фаолиятларининг жиддий қўллабқувватланишини, демак жамият манфаатлари йўлида фаолият соҳаларини кенгайтириш имконини берса, иккинчидан, давлат ўз сиёсати

фуқаролик жамияти билан мулоқот қилиш ва шерикликни қўшиб, бундай шериклик ёрдамида ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришига имкон беради. Бундай муваффақиятли ҳамкорлик сиёсатининг асосий омили – ўзаро манфаатларга риоя этиш кафолатлари, «бошқа томоннинг мақсад ва вазифаларига» хурмат ва ишончга асосланади. Бироқ давлатнинг нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида музокаралар олиб бориш ва сиёсий ҳужжат қабул қилишида машкур ташкилотларнинг ташаббускор бўлиши табиий ва эҳтимоллик даражаси ҳам юқори ҳисобланади, лекин Хорватия ва Венгрия мисоллари ушбу масалада давлат ҳокимияти ҳам манфаатдор бўлиб, ўзи мазкур жараён ташаббускори бўлиши ва уни муваффақиятли якунига етказиши ҳам кўзда тутилган.

Шу маънода ҳамкорлик тўғрисида сиёсий ҳужжат қабул қилинишининг ўзи етарли эмас. Шунинг учун мазкур шартноманинг 15-моддасида уни «яқунлаш эмас, балки илк нуқта» деб аталади. Шартнома эса «жараён» деб номланади. Бу билан агар келишилган матн қабул қилишга муваффақ бўлинмаса ҳам музокаралар жараёнидан ҳар икки томон ютишига алоҳида эътибор қаратилади. Бундай соғлом муносабатлар тез-тез ўтказиладиган учрашувлар, конструктив мунозаралар, фаол ҳамкорлик, шунингдек ўзаро ён босишлар ва бир-бирини тушунишга интилишлар асосида шаклланади. Шундай бўлса-да, нотижорат сектор учун ҳам, ҳукумат учун қонун кучига эга деб ҳисобланган ва мажбуриятлар ижросининг аниқ муддатлари кўрсатилган ҳужжатнинг қабул қилиниши энг мақбул вариант бўларди. Бироқ ҳатто учрашувлар, муҳокамалар, музокаралар жараёнининг ўзи – агар унинг натижасида давлат тузилмалари билан ўзаро англашувни яхшилаш асосида бўлса ҳам – улардан кутилганидан кўпроқ манфаат келиши ҳам мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Буюк Британияда муайян тоифага тааллуқли бўлган ҳамкорликнинг институционал шакллари билан ташқари таснифлаш осон бўлмаган алоҳида функцияларга эга институционал шакллар ҳам мавжуд. Бундай ихтисослаштирилган тузилмаларга мисол сифатида,

Буюк Британиянинг Хайрия ишлари бўйича комиссиясини ҳам келтиришимиз мумкин. Бизга маълумки, мазкур хайрия ишлари бўйича комиссия қонун асосида Англия ва Уэльсдаги хайрия ташкилотларининг мувофиқлаштирувчи ва рўйхатга олувчи органи сифатида таъсис этилган. Ўз набаотида бундай хайрия ташкилотлари Буюк Британия ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Лекин уларга қўйиладиган қонуний талабларга риоя этилишини таъминлаш учун фаолиятларини тартибга солиш талаб этилади. Бу ташкилотлар сидқидилдан ва қонун доирасида иш кўриши, шахсий манфаатни эмас, балки ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлашлари, мустақил бўлишлари, васийлик кенгашларининг аъзолари ташқаридан бирор ноқонуний таъсирсиз қарорлар қабул қилишлари, хайрия ташкилотларининг ўзлари томонидан бошқарувдаги ҳамма жиддий ҳолатлар ёки қасддан қилинадиган ҳуқуқбузарликларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши талаб этилади. Комиссия ўз фаолиятини хайрия ишлари тўғрисидаги қонунчилик ижро этилишини таъминлаган, хайрия ташкилотлари самарали ҳуқуқий, бухгалтерия ва бошқарув тизимлари доирасида яхшироқ фаолият кўрсатиш имкониятларини берган ҳолда амалга оширади. Бунда комиссия жамиятда, иқтисодиёт ва қонунчиликда рўй бераётган воқеаларни кузатиб боради, самарали бошқарувни ва жамиятга ҳисоб беришни таъминлашга кўмаклашади. У қонунчилик ва амалиёт масалалари бўйича ахборотни тарқатади ва маслаҳатлашувлар ўтказади, хайрия ташкилотларини рўйхатга олиш жараёнига кўмаклашади, қонун бузилиши ҳолатлари бўйича ўз текширишларини олиб боради, бошқа мувофиқлаштирувчилар (прокуратура, полиция) билан ҳамкорлик қилади, шунингдек хайрия ташкилоти мулки сақланиши учун унинг фаолиятига аралашини ҳам мумкин. Хайрия ишлари бўйича комиссия ҳар йили Парламент ва Ички ишлар вазирига ҳисоб беради, ўзининг йиллик ҳисоботларини эълон қилади. Шу билан бирга, комиссия бутун жамият манфаатлари йўлида фаолият олиб борадиган мустақил орган ҳисобланади<sup>21</sup>.

<sup>21</sup> Schmitter Ph. Civil society East and West// Consolidation the Third Wave Democracies: Themes and

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сиёсий ҳужжатни муҳокама қилишнинг марказлаштирилган тартиби уни қабул қилишга олиб келиши шарт эмас, лекин ушбу жараёндаги кўп сонли ошқора мунозаралар жамоатчиликнинг сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирок этишига мисол бўла олади. Масалан, Буюк Британия амалиёти битимларни амалга ошириш ва унга риоя этиш йўлида икки томон учун ҳам тўсиқлардан бири – ижтимоий сектор томонидан битимлар тўғрисида етарлича хабардорликнинг йўқлиги ёки тушунмовчилик мавжудлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ҳужжат матнини тайёрлашга экспертларни жалб этиш ҳамда уни муҳокама этиш ва келишишда жамоатчиликнинг кенг иштирок этишини кўзда тутати. Бундан ташқари, Ғарбий Европада «секторни англаш», яъни жуда кўп нотижорат ва ноҳукумат ташкилотларни ягона сектор сифатида (масалан, жамоатчилик ёки учинчи сектор каби) тасаввур этиш – янги ҳодиса бўлиб, кўпгина мамлакатларда ҳали қарор топмаган. Ҳамкорлик институтлари уларга эҳтиёж бўлган айрим соҳаларда (одатда, ижтимоий хизмат кўрсатиш, экология ёки халқаро ёрдам соҳаларида) ривожланган. Шунга қарамадан айрим соҳаларда шаклланган баъзи принциплар ва амалиёт умумэтироф этилиш даражасигача кўтарилган ҳамда бутун нодавлат нотижорат ташкилотлари секторига ва умуман ҳатто фуқаролик жамиятига тарқалган. Ана шундай универсал принципларга, масалан субсидиарлик принципи, ахборотдан фойдаланиш ва манфаатдор гуруҳлар билан маслаҳатлашув (ижтимоий мулоқот) киради.

Франция ва Германияда жойларда ижтимоий шериклик лойиҳаларини режалаштириш, мувофиқлаштириш, амалга ошириш ва молиялаштириш учун масъулиятнинг катта қисми ҳудудий, округ ва муниципал таълим (ўзини ўзи бошқариш органлари) зиммасига юклатилган. Бироқ, Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Франция, АҚШ ва қатор бошқа ривожланган мамлакатларда давлат органларининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги алоҳида

базавий қонунларда тартибга солинмаган. Шу нуқтаи-назардан қараганда, аксарият Европа мамлакатларидаги ижтимоий шериклик институти ижтимоий-меҳнат соҳасида иқтисодий манфаатлар келишуви ва ижтимоиймеҳнат низоларни тартибга солиш бўйича давлатнинг воситачилик роли билан ишга ёлланувчи ва иш берувчи ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар тизими сифатида шаклланган<sup>22</sup>.

**Ҳозирги даврда АҚШ, Франция ННТнинг фаолияти ва Ғарб мамлакатлари фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик сиёсати.** XX аср охири – XXI аср бошида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Европанинг қатор мамлакатлари ноҳукумат сектори билан ҳамкорликка оид ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича тегишли чора тадбирларни амалга оширди. Бу эса давлат ва ноҳукумат секторининг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ривожланишга оид долзарб масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатлари ва ресурсларини бирлаштиришга кенг имконият яратиб берди. Оқибатда эса фуқароларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокини фаоллаштириш, давлатни аҳолига айрим хизматларни кўрсатиш юкидан қисман озод қила оладиган ҳамкорликнинг механизмларини яратишга эришилди. Европада давлат институтларининг ННТлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишнинг муҳимлиги бир қатор халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Масалан, БМТнинг 1968 йилдаги Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши резолюцияси (1297), «Европада давлат бошқаруви масалалари бўйича оқ китоб» (25 июль, 2001 йил), «Европада ноҳукумат ташкилотлар мавқеининг асосий принциплари» (16 апрель, 2003 йил) ва бошқа шу каби халқаро ҳужжатларда ННТларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги ролига алоҳида аҳамият қаратилади, мулоқот ва маслаҳатлашув орқали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйилиши ҳамда муайян давлат кўмаги шакллари тақдим этиш механизмларини жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилади.

---

<sup>22</sup>Helmut K. Anheier, Stefan Toepler, International Encyclopedia of Civil Society, Springer-Verlag New York Inc., New York 2010.

Ривожланган Ғарб давлатларида фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари замонавий фуқаролик жамияти моделини яратиш, унинг давлат бошқарувидаги самарали иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бундай замонавий модел асосида жамият ва давлат бошқарувида фуқаролик институтларининг ўрни ҳамда аҳамиятини мустаҳкамлаш, жамоатчилик тузилмалари ва давлат органларининг ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш мумкин. Шу билан бирга, давлатнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги очиқлик ва шаффофлик тамойилларига ҳамда фуқаролик жабҳасида юз бераётган жараёнларнинг чуқур тизимли таҳлил қилиб боришга кенг имкон беради. Масалан, Францияда давлат ноҳукумат ташкилотларини ҳукумат сиёсатини шакллантиришга фаол жалб қилади, вазирлик ва идоралар ҳузурида ташкил этилган кенгашлар фаолиятнинг бошқа шакл ва усуллари орқали фуқаролик институтлари билан ҳамкорликни самарали йўлга қўяди. Шунинг билан бир қаторда Францияда фуқаролик жамияти институтлари тараққиётини мониторинг қилиш усулларини мунтазам равишда янгилаб борилиши, жамоат бирлашмаларининг мамлакат ҳаётида тобора ортиб бораётган ўрни масалаларини ўрганиш ҳамда уларнинг давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини таҳлил қилиш учун қулай имкониятни яратиб бермоқда. Бунда Европада истиқболни белгилаш ва хавфсизлик институти ҳамда Франция ва Европа Иттифоқининг фуқаролик жамияти тараққиёти масалалари билан шуғулланувчи бошқа таҳлилий марказларининг самарали фаолияти эътиборга моликдир<sup>23</sup>.

АҚШда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги долзарб масалаларни ечишда давлат органлари ва ННТларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолиятини такомиллаштириш шакл-тамомойиллари ва йўналишларига жиддий эътибор қаратилади. Шу билан бирга бу мамлакатда давлат ҳокимияти органлари фаолияти, улар томонидан қонунчилик актларининг бажарилиши

---

<sup>23</sup> Чилкот Рональд Х. Теории сравнительной политологии. В поисках парадигмы /Пер. с англ. - М.: ИНФРАМ, Издательство «Весь Мир», 2001.-560с.

юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш механизми ва тажрибаси ҳам ўзига хос равишда такомиллаштирилган<sup>24</sup>. Шунингдек, АҚШдаги давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзаро ижтимоий ҳамкорлиги ташкилий-ҳуқуқий механизмларининг такомиллашуви давлат ривожланишининг долзарб масалалари ечимиданафақат аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширади, балки давлат органлари учун умумдавлат миқёсидаги долзарб масалаларни ечиш имкониятларига шароит яратади. Бундай жиддий стратегик масалаларни ишлаб чиқишда Халқаро муносабатлар Миллий демократик институти, Джон Хопкинс Университети қошидаги фуқаролик жамиятини ўрганиш Маркази, Нотижорат ҳуқуқлар Халқаро маркази ва бошқа шу каби илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда нодавлат ташкилотларининг ўрни катта ҳисобланади. АҚШда ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш тизими анча ривожланган.

**Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари.** Японияда фуқаролик жамиятини аниқ белгиларини намоён этувчи қарашлар асосан XIX асрнинг охирларидан бошлаб илгари сурилган. Японияда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти асосан 1960 йилдан бошлаб ривожланган бўлсада айнан 2006 йилдан бошлаб ривожланган Ғарб давлатларидан фарқ қиладиган ўзига хос фуқаролик жамияти моделини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Японияда ривожлантирилаётган фуқаролик жамияти «онгли ва масъулиятли фаолият юритиш тамойили»га асосланган. Шунингдек, «давлатиқтисод (бозор)–фуқаролик жамияти модели» устувор аҳамият касб этади. Японияда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ННТлар орасида ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга қаратилган турли дастур ва лойиҳаларни эълон қилишни кўзда тутувчи танловларни ўтказиш ҳуқуқига эга.

---

<sup>24</sup>O'Connell, Brian. Civil Society: The Underpinnings of American Democracy. Medford, Mass:Tufts University Press, 1999.



Ҳозирги даврда Японияда фуқаролик жамияти институтлари асосан куйидаги вазифаларни бажаради:

- Ижтимоий сармояларни шакллантириш ва кўпайтириш;
- Аҳолига нисбатан қўлланилаётган ижтимоий хизматларни кенгайтиришни қўллаб қувватлаш;
- Жамиятдаги турли мақсадли фаолият билан шуғулланаётган муайян гуруҳларни қўллаб қувватлаш ва меҳнат уюшмалари фаолиятини кенгайтириш;
- Японияда ҳудудий ассоциациялар фаолиятини кучайтириш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эришиш;
- Японияда мавжуд сиёсий тизим ва партиялар фаолиятини такомиллаштириш;
- Давлат ва бозор муносабатларидан мустақил бўлган истеъмолчилар жамиятини ривожлантиришга эришиш;
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мавжуд демографик муаммоларни оқилона ҳал этиш;
- Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва экологик муаммоларни тадқиқ этувчи муассасалар фаолиятини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Япониядан фарқли равишда Хитойда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ретроспектив хусусиятлари ва сиёсий ислохотлар тадрижи бу ҳудуда яшовчи инсонларни фуқаролик маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Бу ерда энг муҳим нарса шуки Хитойда фуқаролик жамияти тизимида "бозор" ва "ижтимоий" соҳани ўзаро алоқадорликда босқичма-босқич ривожланиши алоҳида аҳамият касб этади. Хитойда давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш асосан 1949 йилдан бошлаб асосий босқични босиб ўтган бўлсада, аввало фуқаролик жамияти институтларининг дастлабки тузилмалари фаолияти асосида Хитой маъмурий тизимини мустаҳкамлашга эътибор қаратилган. 1989 йилдан бошлаб Хитойда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти кенг миқёсда ташкил этилган.



Хитойда фуқаролик жамиятининг ривожланишида бир қанча тўсиқлар мавжуд, улардан бири – хитой маданиятида фуқаролик жамияти анъаналарининг олдин мавжуд бўлмаганлиги. Бунинг ечими, калити Хитой «халқ жамиятини» – «фуқаролик жамиятига» – «халқни» – «фуқарога» алмаштириш керак. Хитойнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиши фуқароларда фуқаровий онг ва фуқаролик маданиятини тарбиялаш, сиёсий тизимни ислох қилиш ва демократияни ривожлантириш билан характерланади. Хитой социологларининг фуқаролик жамияти тушунчасига муносабати ҳам ўзига хосдир. Чунки бу мамлакатда фуқаролик жамияти нодавлат ва давлатдан ташқари ташкилотлар сифатида жамоавий ўз-ўзини бошқариш асосни ташкил қилади. Уларнинг фикрича, фуқаролик жамияти – аста-секин кудратли давлатнинг бозор ва ижтимоий муносабатлар соҳасидан четлаштирилиши, фуқаролик жамиятининг муҳим компонентларидан бири фуқаровий-ижтимоий ташкилотлар каби шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқдир. Хитойда фуқаролик жамияти шаклланиши тарихи – буюк ва кудратли давлатнинг иқтисод ва ижтимоий муносабатлар соҳасидан четлашиши, фуқаролик жамиятининг яна бир муҳим компоненти, фуқаровий-ижтимоий ташкилотларнинг пайдо бўлиши ва ривожини билан боғлиқ. Шу сабабли, бугунги хитой олимлари Хитойда сиёсат ва маъмурий бошқарувда янги тенденцияларни шаҳар ва қишлоқ жойларига тадбиқ қилиш орқали фуқаролик жамиятини ривожлантириш мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар<sup>25</sup>.

Хитойда мавжуд бўлган барча шаҳар ва микрорайонларни жамоат ташкилотлари сайи-ҳаракатлари билан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам бу ташкилотларнинг демократик ўз-ўзини бошқариш асосларининг яратишдаги ўрни беқиёс ҳисобланади. Охириги ўн йилликларда Хитой сиёсий бошқарувида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусий сектор ва нодавлат ташкилотларнинг хитойликлар ҳаётида тобора

<sup>25</sup>Қаранг: Мавлонов Ж. Гражданское общество: от концепта к концепции и парадигмам (социально-философский анализ): монография / Ж. Мавлонов. – Т.: Истиклол нури, 2014. – 224 с.

<sup>2</sup>Литвинов О.В. Китайский путь к демократии. - М.: Научная книга, 2004. – 369 с.

аҳамияти ошиб бораётганлиги сабабли давлат сиёсий бошқарув соҳасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хусусан, партия ва ҳукумат раҳбарларининг демократик асосда сайланиши тартиби ХХР ҳудудларида самарали давлат бошқарувини амалга оширишга кўмаклашмоқда. Ўз навбатида Хитой давлати бошқарувида қайта алоқа тамойилини амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда. Бунда алоҳида эътибор ҳар нима бўлган ҳам давлатнинг умумий сиёсий барқарорлигига эришишга қаратилмоқда<sup>2</sup>.

Узоқ Шарқда конфуцичилик анаъаналарини сақлаб қолган ва миллий кадариятлар тизимига қатъий амал қиладиган давлат Жанубий Корея ҳисобланади. Бу давлатда фуқаролик жамияти жамоавийлик тамойилига асосланган ҳолда ривожлантириб борилмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши билан бир қаторда давлат ва жамият муносабатларини модернизация қилишда муҳим ўринни эгаллайди. Жанубий Кореяда фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида либерал демократик тамойилларни анаънавий жамият бошқаруви меъёрлари билан уйғун ҳолда тадбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунинг билан бир қаторда бу мамлакатда ривожланаётган фуқаролик жамияти институтлари “ҳукумат-фуқаро-ҳуқуқ” моделидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритади.

Инсоният тарихида катта ҳудудларни эгаллаган ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда кичик давлатлар ҳам мавжуд. Сингапур айнан шундай шаҳар-давлат ҳисобланади. Сингапур қишлоқ хўжалиги ёки бирор табиий ресурсларига эга эмас, аммо сувни ҳам импорт қилишга мажбур бўлган Сингапур ўз маҳсулотларини Россиядан уч баробар кўп миқдорда экспорт қилади. Сиёсатшунос Н. Гарделе бу ҳақида шундай ёзади: «Эҳтимол бутун ер юзида Сингапурчалик тартиблилик, юқори технологиялар, бой ўртача синф, маданият ва толерантлик билан ХХІ асрга қадам қўйишга тайёр шаҳар-давлат бўлмаса керак. Ҳали 1965 йилда ҳам Сингапур иқтисодий кўрсаткичлари билан Чили, Аргентина ва Мексика билан бир даражада турган эди, эндиликда эса бу мамлакатда ишлаб

чиқариши аҳоли жон бошига юқоридаги мамлакатлардан 5 баробар кўп. Ички ялпи маҳсулоти — 136 миллиард долларни ташкил этади. Даромади бўйича аҳоли жон бошига 45 минг доллардан зиёдни ташкил қилаётган бу мамлакат жаҳонда етакчилик қилмоқда. Халқаро илмий тадқиқот марказлари томонидан ўтказилган сўровлар натижасида Сингапурда коррупция ва жинойтчилик кўрсаткичи жаҳонда энг қуйи даражада эканлиги аниқланган. Сингапур республикаси – қирқ йиллик миллий суверенитетидан кейин ривожланаётган эмас, ривожланган мамлакат мақомини олган Жанубий Шарқий Осиёдаги ягона мамлакатлардан бири ҳисобланади<sup>26</sup>.

Ҳозирги даврда Сингапур – юқори фаровонликдаги ҳаёт тарзига эга йирик ишлаб чиқариш марказидир. Бу ерда сиёсий жараён уч кетма-кет босқич бўйича ривожланиб борган. Биринчи босқичда авторитар режим жорий этилган бўлса, иккинчи босқичда эса иқтисодий ривожланишга урғу берилган, шунингдек жиддий сиёсий масалалар айна шу босқичда ҳал этилган. Учинчи босқичда – ишлаб чиқариш модернизацияси амалга оширилган ва сиёсий тизим янада такомиллаштирилган.

Сиёсий жараёнинг асосий иштирокчиси сифатида давлат, фуқаролик жамияти, сиёсий партия ва жамоат ташкилотларининг самарали ҳамкорлиги бу давлатда яхши йўлга қўйилган. Сингапур давлатида ижро ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳокимият устидан назорат ўрнатган. Чунки айнан давлат вазирликлар орқали муҳим стратегик қарорларни қабул қилиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳалар устидан назоратни амалга ошириш ва монополия ҳуқуқларидан фойдаланади. Ҳукумат ва жамият билан воситачи сифатида айнан сиёсий партиялар фаолият олиб боради. Сингапурда Европа намунаси асосида кўп партиявийлик ва халқ ҳаракати устунлик қилади. Сингапурда барча партиялар конституцион-ҳуқуқий расмийлаштирилган ва қонуний мақомга эга бўлиб сиёсий жараён ва демократиянинг ажралмас

---

<sup>26</sup> Қаранг: Погадаев В.А. Малайский мир ( Бруней, Индонезия, Малайзия, Сингапур). Лингвострановедческий словарь. – М.: Восточная книга, 2012. - 798с.

атрибути ҳисобланади<sup>27</sup>.

Сингапур давлатининг кейинги ривож жамиятни демократлаштириш билан боғлиқ. Охирги йилларда бу ерда демократияни такомиллаштириш давлат стратегияси аниқлаб олинди. Булар қуйидаги ислоҳотларни амалга оширишда ўзига хос ўринни эгаллайди:

- жамиятнинг ижтимоий яхлитлигини мустаҳкамлаш;
- ягона сингапур миллатини шакллантириш;
- иқтисодий тараққиёт, таълим тизимини модернизациялаш;
- коррупция билан кураш.

Мазкур йўналишлар демократик жамият қуришнинг асосий шarti ҳисобланади. Давлат билан бирга сиёсий тузилма ташқарисида шаклланувчи фуқаролик жамияти бу давлатда катта ўрин тутди. Сингапур ҳукумати демократик, бироқ ўта марказлашган ва қатъий бошқарилувчи давлат доирасида халқ мандатини сайловлар орқали қўлга *киритиб борган*. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт эса демократик қадриятларнинг шаклланишига асос бўлган, ҳукумат тепасига янги сиёсий етакчилар авлодининг келиши бу давлатда ўзига хос фуқаролик жамиятини ривожлантиришга шароит яратиб бериши мумкин<sup>28</sup>.

Сингапурда самарадор давлат бошқаруви ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда қуйидаги ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратилган: **Биринчидан**, ҳукмрон партия ҳануз йирик сиёсий партиялигича қолмоқда. Чунки у турли соҳаларда давлат бошқарувидаги ноёб тажрибасига эга. **Иккинчидан**, иқтисодида бозор тамойиллар амал қилади, бироқ давлат асосий халқ хўжалиги тармоқларини бошқаради ва назорат қилади. **Учинчидан**, бошқарув органларининг, давлат муассасаларига энг муносиб кадрларни тўғри танлаши ва тақсимлаши самарали натижаларни бермоқда. **Тўртинчидан**, пухта ўйланган таълим тизими ижтимоий мобилликнинг муҳим омили сифатида хизмат қилиб қабул қилинган қарорларнинг юқори

<sup>27</sup> Қаранг: Ли Куан Ю. Сингапурская история: из третьего мира в первый. М.: 2005.

<sup>28</sup> Toponymics: A Study of Singapore's Street Names. — Singapore: Eastern Universities Press, 2004.

профессионаллик даражасини таъминланган. **Бешинчидан**, миллийлик масаласининг ҳал этилган ва этник дискриминация йўқ, этник тенг ҳуқуқлилик жамият барқарорлигининг муҳим шарти сифатида қарор топган. **Олтинчидан**, маънавий-ахлоқий асос сифатида, мамлакат сиёсатига ўз таъсирини ўтказувчи – инсоний муносабат, муомала, тартиб-интизом ва ўзарокелишувга катта эътибор қаратилган. **Еттинчидан**, Сингапурнинг иқтисодий ривожини ва бошқа ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши омма сиёсий ҳаётини фаолаштирган ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, замонавий парламентаризмни ривожланишига асос бўлган. Сиёсий барқарорлик ўз навбатида самарали иқтисодий тараққиётни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган<sup>29</sup>.

Давлат иқтисодиёт соҳаларини кенг миқёсда қамраб олган бўлсада бу мамлакат жаҳон ҳамжамиятидан узиб қўйилмаган. У бошқа мамлакатлар ва умуман халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Бу мамлакат мана бир неча ўн йиллардан бери ўз йўлидан бориш ва бу йўлдан қайтмаслик тамойилига қаттиқ амал қилади. Бу йўлнинг мазмунмоҳияти – жамиятнинг конкрет-тарихий шароитини, миллий, диний, маданий хусусиятларини ҳисобга олиш; иқтисодий тараққиётга анъанавий ахлоқий ва маданий қадриятлар билан уйғунликда эришишдан иборат.

Сингапур ижтимоий-иқтисодий тараққиётидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, яқин орада унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бирор бир жиддий ўзгариш юз бериши амри маҳол. Чунки ҳукумат тузилмаларидаги ўзгаришлар аста-секин, шаклланиб бўлган ва бундай ўзгаришлар сиёсий тизимга даҳл қилмаган ҳолда амалга оширилган. Ҳукумат раҳбарларининг ҳукумат тузилмаларидаги ўзгаришларни кўпчилик аҳолининг ҳурмат ва эътирофига сазовор бўлган анъанавий сиёсий институларни сақлаб қолиш билан биргаликда амалга ошириши, мавжуд ҳукумат фаолиятига бўлган ишончни мустаҳкамланишига сабаб бўлмоқда.

---

<sup>29</sup>B. Desker and M. N. M. Osman. S Rajaratnam on Singapore: from ideas to reality. — Singapore: World Scientific Publishing, 2006.

### **Назорат саволлари.**

1. Ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти институтларининг пайдо бўлишидаги объектив ва субъектив омиллар.
2. АҚШда фуқаролик жамияти институтларининг ўзига хос фаолияти.
3. Германияда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро муносабати.
4. Франция, АҚШ ва қатор бошқа ривожланган мамлакатларда давлат органларининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги.
5. Хитойда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик сиёсати.

### **4-мавзу. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожлантириш стратегияси.**

#### **Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасида янги ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг концептуал заминларининг асослаб берилиши.
2. Ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт моделлари. Тараққиётнинг Ўзбек моделини яратилишининг сиёсий-ижтимоий, тарихий асослари. Асосий тамойиллари, моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.
3. Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш – фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор шарти. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари.

**Таянч тушунчалари:** Стратегия, концепция, концептуал, ривожланиш, тараққиёт, ривожланиш, ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт моделлари.

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра, ҳар бир халқ ўз олдига улуг ва истикбол мақсадларни қўйиши ҳамда

уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди. Бугун Ўзбекистон ҳам ўз тарихининг ана шундай масъулиятли чоррахасида турибди, десак, муболаға бўлмайди. Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий ғояга айланмоқда.

Хўш, стратегия нима? У халқнинг мақсадларини қандай таъминлайди? Танлаган мақсадларнинг истиқболлари нималарда намоён бўлади?

Стратегия — бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узок муддатли муваффақиятни таъминлайди.

XXI асрга келиб стратегия тушунчаси анча кенгайди. Стратегия деб, дунё миқёсида ва давлат ички ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқа соҳаларда вужудга келган инқирозий вазиятларни прогнозлаштириш ва бартараф этишга қаратилган бошқарувни ташкил этиш масалаларига доир тушунчаларни қамраб олади. Шундан келиб чиқиб, давлат стратегияси бири бири билан ўзаро боғлиқ, лекин алоҳида хусусият касб этувчи кўплаб тушунчаларда ифодаланади.

Стратегиянинг моҳияти тактик вазифаларни белгилашдан иборат. Сиёсат, стратегия ва тактика — стратегик раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ учта мустақил категориядир. Уларнинг фарқи шундан иборатки, стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун қабул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган объектнинг маёғига айланади. Тактика эса стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, ойлик ва йиллик (жорий) режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади. Сиёсат — бу стратегия ва тактикани ягона самарали амал қилувчи тизимга агрегация ва интеграция қилинишидир.

Кўриб турганимиздек, стратегиянинг асл моҳиятида халқимизнинг орзу-умидлари йўғрилган ғоялардан ташкил топган миллий мафқуранинг ифодаси ётади. Мафқурадан нусха олиб бўлмаганидек, давлатнинг стратегик



мақсадларини ҳам бошқа давлат ва халқларнинг тарихий тажрибасидан ўзлаштириб ёхуд нусха олиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир халқнинг ўзига хос сиёсий-ижтимоий, демографик, иқтисодий, маданий тарихи, табиий ресурслари мавжуд бўлади. Айнан шу омиллар маълум ижтимоий шароит ва имкониятларни вужудга келтиради.

Стратегияни амалга ошириш энг масъулиятли жараён. Агар у реал вазиятни тўлиқ қамраб олган яхлит ва бир бутун режа бўлса, унинг муваффақияти таъминланади. Мабодо тескари бўлса, унда турғунлик юзага келади. Бунга сабаб, нотўғри таҳлилий маълумотлар, хулосалар, кутилмаган шароитлар, ресурслардан оқилона фойдалана олмасликдир. Стратегияни баҳолаш ва назорат қилиш стратегик режалаштиришни мантиқий яқунловчи омили бўлиб ҳисобланади. У ҳодисаларнинг қайта алоқаланишини таъминлаш жараёнида структуравий бўғинлардаги боғланиш имкониятларини таҳлил қилади, баҳолайди, аниқлайди, хулосалар чиқаради. Заруратда стратегик режаларни ўзгартиради.

Давлат стратегик режалари аниқ ва ўзгармас тамойилларга бўйсундирилиши муҳим. Улар ислохотларнинг бир маромда, изчил йўналишини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, раҳбар ўз вазифаларини амалга оширишида турли илмий соҳалардаги маълумотлар ва хулосалар билан қуролланмоғи, бундан ташқари, импровизация қилмоғи, қўйилган вазифалар ечимини топишда индивидуал ва креатив ёндашувларни ташкил этиши лозим. Мазкур тамойиллар олдин қабул қилинган қарорни ўзгартириш эҳтимоли ёки ўзгарувчан вазиятдан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш имкониятини бериши зарур.

Стратегик дастур ва режанинг уйғунлиги ҳамда турли даражадаги қарорларнинг мустаҳкам боғлиқлиги муваффақиятнинг кафолати. Мазкур бирлик давлат органларнинг структуравий бўғинларида стратегик ҳаракатларни бирлаштириш, барча функционал бўлим режаларининг келишуви билан таъминланади. Айни пайтда стратегияни амалга ошириш имкониятларини туғдиради. Стратегик бошқарув жараёнида дастур ва



режани амалга ошириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шароитлар яратилиши лозим.

Мазкур тамойиллар ҳокимият органлари фаолиятидаги ижро интизомининг паст суръатларига, шахсий масъулиятсизлигига барҳам беради, кадрлар лаёқати даражасини оширишни талаб қилади, мураккаб ва чигал иш тартибларини содда ҳамда тезкор ёндашувлар билан ўзгартиришга хизмат қилади. Энг муҳими, стратегик йўналишларни белгилашнинг мавҳум ва номаълум жиҳатларини ойдинлаштириш орқали тартиблаштиришга эришилади.

Истиқбол мақсадларни қўйган давлатларнинг аксарияти миллий стратегик муваффақиятларни ЯИМнинг ўсишида, фуқароларининг фаровонлик даражасининг юксалишида, деб қарайди. Яқин ўтмишда давлатнинг бирламчи вазифалари ҳосилдорликни ошириш, олтин-нефтни кўпайтириш, армияни мустаҳкамлаш билан изоҳланган. Албатта, ушбу омилларни инкор этмаган ҳолда бугун Ўзбекистонда миллий кадриятлар билан қуролланган давлатнинг стратегик мақсади фуқароларнинг ғоявий эътиқоди, билим-салоҳияти, жамиятдаги мукамал қонунлар ва барқарор ижтимоий институтларнинг мавжудлигини таъминлаш асносида амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Стратегик мақсадларнинг айнан инсон капиталига ва у орқали адолатли қонунларнинг, фаол ижтимоий институтлар ҳаракати ташкил этилишига қаратилаётганлиги бежизга эмас. Шунинг учун ҳар қандай ислоҳотлар инсон капиталини ривожлантириш билан амалда унинг тамал тоши мустаҳкамланади.

Мамлакатимиз стратегияси нафақат ички ва ташқи сиёсатдаги ислоҳотлар сари ташланган қадамда, балки, энг аввало, давлатнинг халққа, халқнинг давлатга бўлган муносабатини ўзгараётганлигида намоён бўлмоқда. Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши давлатнинг бош мақсади сифатида стратегик йўналишлар белгиланмоқда.

Улар аввало, ривожлантирилаётган ижтимоий соҳаларда ўз ифодасини топмоқда. Ёшларга муносиб таълим бериш, замонавий касб-хунарлар билан қуроллантириш, аҳолининг саломатлигини таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ўз тасдиғини топди.

Давлат ва жамият қурилиши шундай бир мураккаб тузилмаки, унинг таркибидаги бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирадиган соҳа ва жабҳаларни бир вақтнинг ўзида жадал ривожлантиришни талаб қилади. Уларнинг ҳар бири иккинчисига замин яратади. Қайсидир асосий соҳа аввал ривожланиб, бошқа соҳа ва тармоқлар учун локомотив вазифасини ҳам бажаради. Албатта, бу жараёнда ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, объектив таҳлил қилиш, ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар қабул қилиш, уларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, самарали ишлаш механизмларини янги технологиялар асосида ташкил этиб бериш каби вазифаларни ҳал қилишни талаб қилади.

Давлатнинг ҳаракатлар стратегияси етакловчи локомотив кучи — бу давлат ва унинг органлари. Ислохотларнинг гарови ва кафолати ҳокимиятнинг самарали фаолияти билан боғлиқ ҳодиса. У бошқарув маҳорати билан узоққа мўлжалланган мақсадларни режалаштиради, сиёсий ва ижтимоий жараёнларни идора қилади, аҳолини сафарбар этади, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни одилона тақсимот қилиш вазифаларини амалга оширади. Шундай экан, давлат ва жамият бошқаруви тизимларини такомиллаштирмасдан туриб мамлакат ҳаётини модернизация қилиб бўлмайди. Модернизация ўз умрини поёнига етказган бошқарув усулларини янги сифат ва талаблар даражасига кўтариш билан мамлакатни ривожлантиришга олиб келади. Бу жараёнлар бевосита маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳудудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда мустақил қарорлар қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришни тақозо қилади. Шу нуқтаи-назардан Президентимиз парламентнинг муҳим

қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш, ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш, давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини янада ошириш вазифаларини белгилайди.

Бошқарувда адолатли давлат идора тизимлари шаклланмас экан, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари — иккинчи узвий боғланувчи муҳим тамойил таъминланмайди. Улар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Бундай тизимнинг самарали фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг реал имкониятларини вужудга келтиради. Олий суд — олий ҳакам сифатида жамиятнинг яхши-ёмони, фойда-зиёнини белгилаб берувчи маънавий барометрга айланадики, бундай ижтимоий муҳитда жиноят қилишдан кўра бунёдкорлик қилиш афзал бўлади. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозимлигига аҳамият бериши стратегик мақсадларнинг изчил амалиётини жорий этишга қаратилмоқда.

Жамиятда адолатли бошқарувнинг вужудга келиши, шубҳасиз, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини такомиллаштириш имкониятини яратади. Улар макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, айниқса, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг янги инновацион

технологияларининг татбиқ этилиши имкониятларини яратади. Яъни ривожланишнинг ички қонуниятларига кўра, янги сифат босқичга кўтарилишнинг мураккаб, аммо такомиллашган шакллари пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни амалга оширади. Натижада мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш орқали жойларда мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўсиш суръатлари вужудга келади.

Жамиятда ижтимоий онгининг ўзгариши билан ижтимоий муносабатлар ҳам ривожланиб боради. Жамият ва унинг ҳолати аслида инсон онгининг инъикоси. Фуқаролар қандай эзгу амаллар маърифати билан қуролланган бўлса, ана шу руҳий қудрат истакларининг ҳосиласини олади. Бу жараён улкан тўлқин сифатида миллатнинг муштарак мақсадларида намоён бўлади. У, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида янги тармоқларнинг, ишчи ўринларнинг пайдо бўлишига, аҳолининг реал даромади ва шунга мувофиқ турмуш даражасининг ўсиб боришига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармойиши қабул қилинди. Хужжат Президентнинг расмий сайтида эълон **қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимида сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берди.

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) тасдиқланиши стратегик ривожланишнинг устувор йўналишларини амалий рўёбга чиқаришнинг бошланғич механизми бўлди.

Дастлабки сарҳисоблар давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтларининг Давлат дастурини самарали амалга оширишга қаратилган кучлари, шу жумладан, хорижий мутахассислар ва халқаро экспертларни фаол жалб қилган ҳолда чинакам жипслашганлигини кўрсатди.

Ҳозирги кунда Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 15 та қонун ва 700 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

**Хусусан, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида** замонавий талаблар ҳамда устувор йўналишларни инобатга олган ҳолда 16 та вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг тузилмаси, вазифа ва функциялари қайта кўриб чиқилди, 20 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар қайта ташкил этилди.

**Суд-ҳуқуқ тизими тубдан қайта кўриб чиқилди.** Суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган маъмурий судлар ташкил этилди.

Ички ишлар органлари тизими ислоҳ қилиниб, уларнинг асосий фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга — **«Халқ манфаатларига хизмат қилиш»**га йўналтирилди.

**Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида** солиқ тизими ислоҳ қилинди, ҳалол солиқ тўловчилар – хўжалик юритувчи субъектларга солиқ таътиллари берилиши назарда тутилди.

Худудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 13.339 та лойиҳа амалга оширилди, 2,1 трлн. сўм кредит ўзлаштирилди, 10 та эркин иқтисодий зона, 5 та кичик саноат зонаси ташкил этилди, «Peugeot» ва «Citroën» бренди билан енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш бўйича завод барпо этилмоқда.

**Ижтимоий соҳада** фақатгина жорий йилнинг биринчи ярмида 2,7 минг км. автомобиль йўллари қурилди ва таъмирланди, 84.300 та иш ўрни яратилди.

2017–2020 йилларда шаҳарларда энергия жиҳатдан самарадор арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури амалга оширилмоқда, унинг доирасида 50 286 та хонадондан иборат 1 136 та кўп қаватли уйларни, бундан ташқари, намунавий лойиҳа асосида қишлоқ жойларида 75 минг турар жойларни қуриш мўлжалланган.

**Миллатлараро тотувликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш соҳасида** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Европа Иттифоқи ва 21 та хорижий мамлакат билан савдо-иқтисодий, инвестиция, технология ва молиявий-техник соҳаларда 22 та «йўл харита»лари тасдиқланди.

«Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг бориши ҳақида аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро жамоатчиликни кенг хабардор қилиш ишлари амалга оширилди. Жойларда 6 мингга яқин учрашувлар, оммавий ахборот воситаларида телекўрсатув ва чиқишлар ташкил этилди.

**Назорат саволлари:**

1. Ҳозирги кунда Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.
2. Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасига қаратилган қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.
3. Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан Миллатлараро тотувликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш соҳасига қаратилган қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

**5-мавзу. Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади.**

**Режа:**

1. Фуқаролик жамиятининг шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни.
2. Кўшпартиявийлик - фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти.
3. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар.

**Таянч тушунчалар:** фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари, кучли давлатдан-кучли жамият сари, учинчи сектор.

**Фуқаролик жамияти** – ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамиятдир. Фуқаролик жамияти институтлари – фуқароларнинг давлат ва



жамият бошқарувида иштирок этишига хизмат қиладиган нодавлат, нотижорат ташкилотлари, жамият бирлашмалари, оила, маҳалла, ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар мажмуидир. Кучли давлатдан-кучли жамият сари – ушбу концепциянинг моҳияти одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазибаларининг нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши демакдир. Кучли фуқаролик жамияти – инсон манфаатлари устуворлиги ва фуқаролик жамияти институтлари орқали уларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши таъминланган, қонун устувор бўлган жамият. Учинчи сектор - дунёдаги барча мамлакатларда нотижорат ва хайрия мақсадларида ташаббус кўрсатаётган ва кенг фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларга (ННТ) нисбатан қўлланилади (биринчи сектор - давлат, иккинчи сектор - тижорат сектори ёки шахсий сектор дейилади). Демократик институтларни ривожлантиришдан бош мақсад- кўпчиликни мумкин қадар жамият қурилишига жалб этиш, уларни ўз тақдирлари, ўз келажакларининг тўлақонли эгаларига айлантиришдан иборатдир.<sup>30</sup> Мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтларини қуйидаги мезонлар бўйича таснифлаш мумкин:

Иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилмалар: хусусий мулк асосида вужудга келадиган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлари; ижара асосида ишловчи жамоалар; ҳиссадорлик жамиятлари; молиявий жамғарма ҳамда уюшмалар; ишлаб чиқариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари; тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва бошқалар.

Ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар: оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи махсус ташкилотлар; таълим-тарбия муассасалари (мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари); жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

<sup>30</sup> Қаранг: Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. -Т.:Шарқ, 1998. –Б. 102.



органлари; мустақил ОАВ; диний ташкилотлар; миллий-маданий марказлар; ихтиёрий кўнгилли жамиятлар; жамоатчилик фикрини аниқлаш ва ўрганиш институтлари; турли ижтимоий ихтилофларни адолатли ҳал этувчи тузилмалар ва бошқалар.

Сиёсий соҳадаги манфаатларни ақс эттирувчи институтлар ва тузилмалар: сиёсий партиялар; ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар; инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи институтлар ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти институтлари худди шу хусусиятлари билан, бир томондан, кучли давлатнинг шаклланишида етакчи роль ўйнаса, иккинчи томондан давлатнинг кўпгина функцияларини ўз зиммасига олиш орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш жараёнининг вужудга келишида, янада аниқроғи, кучли жамиятнинг шаклланишида бекиёс аҳамият касб этади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, кучли давлат деганда, унинг мажбурлов ишлатиш усуллари билан жамиятни бошқариши ҳақида эмас, балки давлатнинг мустаҳкам иқтисодий асосга эга бўлиш, ички ва ташқи сиёсатни олиб боришда халқ манфаатларини ҳимоя қила олиш, жамиятда хавфсизликни, барқарорликни, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш ҳамда демократиянинг умум эътироф этган принципларини шакллантира олиш куч-қудратига эгаллиги тушунилади. Аҳолининг нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали ҳокимиятни бошқаришда фаол иштирок этиш имкониятининг вужудга келиши кучли жамият мезони ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг моҳият ва мазмунини ҳам халқ томонидан бошқариладиган шароит ва унинг реалликка айланиши ташкил этади. Кучли жамият кучли давлат негизида шаклланади ва ҳукуматнинг мамлакат ичкарасидаги кўпгина фаолияти чекланиб, у фуқаролар қўлига ўтади ва уларни давлат фаолиятини назорат қилиши тўлиқ таъминланади.

Фуқаролик жамияти институтларининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

-аҳолини турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифода этади;

-фуқаролар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг

сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда муҳим омил саналади;

-улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришнинг асосий воситаси ҳисобланади;

-миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва миллий дунёқарашини юксалтиришда, миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини жорий этишда уларнинг имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади;

-бутун жамият аҳамиятига молик масалаларни ҳаётга тадбиқ этишда улар давлатнинг тенг ҳуқуқли ижтимоий ҳамкори ҳисобланади;

-нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтиради ва мустаҳкамлайди.

Фуқаролик жамиятининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий асослари

Фуқаролик жамиятининг моҳиятини нима ташкил қилади, у қандай жамият? Энг умумий тарзда лўнда таъриф бериладиган бўлса, фуқаролик жамияти – ижтимоий ҳаётнинг давлат таъсири ва аралашувидан, маъмурий тазйиқлардан ҳоли бўлган ҳамда инсонларнинг хусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуидир. Ҳозирги даврда фалсафий, сиёсий ва юридик адабиётларда фуқаролик жамиятини таъриф ва тавсиф этишга фаол ҳаракат қилинмоқда. Бу таърифлардан баъзиларини талқин этайлик.

Фуқаролик жамияти – давлатдан мустақил ва ундан ҳоли муносабатлар ва воситалар тизими бўлиб, у шахс ҳамда жамоаларнинг ижтимоий, маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга шароит яратади.

Фуқаролик жамияти аксарият ҳолларда инсонларнинг хусусий манфаат ва эҳтиёжлари соҳаси тарзида таърифланади. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий кўпчилик қисми мана шу хусусий ҳаёт соҳасида

рўёбга чиқарилади. Бироқ бу шахсларнинг ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолганлигини, бегоналаштирилишини англамайди.

Фуқаролик жамияти хусусий мулкчиликка кенг йўл берувчи ва унга асосланувчи бозор иқтисодиёти муносабатларига, эркин иқтисодий фаолиятга замин яратувчи шарт-шароитга таянади. Айнан хусусий мулкчилик муҳити ва муносабатлари қарор топган жамиятда шахснинг мулкий мустақиллиги, иқтисодий фаолият юритишдаги эркинлиги таъминланади. Худди шу аснода шахс давлат ҳокимиятига нисбатан мустақил мавқени эгаллайди. Давлат хусусий ҳаёт соҳасига, шахс ва ташкилотларнинг қонуний иқтисодий фаолиятига аралашмаслиги лозим.

Фуқаролик жамияти концепциясини яратишга катта ҳисса қўшган немис файласуфи Гегел, бу жамиятни буржуача ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи сифатида тушунган. У икки асосий принципни ажратиб кўрсатган: биринчидан, шахслар ўз хусусий манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар;

иккинчидан, инсонлар шундай ижтимоий муносабатлар тизимини вужудга келтирадиларки, бунда ҳар ким бошқа кимсага боғлиқ бўлади.

Сиёсий нуқтаи назардан баҳолаганда фуқаролик жамиятидаги сиёсий тизим ва сиёсий бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ҳуқуқий давлатчилик ифода этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятининг сиёсий моҳиятини, сиёсий шаклини ташкил этади. Бу икки ҳодисанинг ўзаро муносабати шакл билан мазмуннинг ўзаро алоқадорлигини акс эттиради. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, фуқаролик жамияти тўла маънода мавжуд бўлишининг шак-шубҳасиз шarti ҳуқуқий давлатнинг мавжудлигидир. Ва аксинча, ҳуқуқий давлат фақат фуқаролик жамиятидек ижтимоий маконда қарор топиши ва фаолият юритиши мумкин.

Фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлатнинг ўзаро нисбатини иқтисод билан сиёсатнинг нисбати тарзида изоҳлаш ўринли бўлади. Буни Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Зеро, иқтисодий ислохотлар тегишли демократик сиёсий тузилмалар, институтларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади.

Фуқаролик жамияти чуқур маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир нарса устуворлик қилади, яъни инсон бениҳоя улуғланади, умуминсоний кадриятлар эъзозланади, улар мўътабар ва муқаддас саналади. Бунда инсоннинг кадр-киммати, меҳр-оқибат, ахлоқий поклик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби олий кадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади.

Демократик ислохотлар даврида маънавиятни юксалтиришга асосий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, маънавият – инсоният ички дунёсининг кўзгуси, тафаккури, онги ва фикр юритиш тарзининг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи юксак ижтимоий кадриятдир. Инсоният ҳамиша эзгуликка, маънавий баркамолликка интилиб яшайди. Юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатнинг яқин келажакдаги истиқболи ҳамюртларимиз қандай мавқени эгаллашига, қанақа маданий-маънавий ва ахлоқий кадриятларни шиор қилиб олишига боғлиқ бўлади.

Фуқаролик жамиятида эркинлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолатнинг таъминланиши, ҳамма фуқароларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдодининг бевосита рўёбга чиқарилишига имконият яратилади.

Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро муносабатлари

Давлат – ҳар қандай жамиятда сиёсий ҳокимиятнинг энг муҳим институтидир. Давлат жамиятнинг умумий ишларини бошқарувчи алоҳида орган сифатида фаолият юритади. Давлат – жамиятнинг сиёсий ташкилотлари тизимида муҳим, аммо яқка-ю ягона бўғин эмас: ушбу тизимга партиялар ва бошқа ташкилотлар ҳам киради. Бироқ, жамият миқёсида фақат давлат суверен ҳокимиятга эга бўлади. Давлат ҳокимиятининг устунлиги

муайян тарзда унинг универсаллиги (давлат ҳокимиятининг юрисдикцияси мамлакатнинг бутун ҳудуди, барча аҳолиси ва жамоат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади), ваколатларида (давлат ҳокимияти унга даъво қилувчи бошқа ҳар қандай ғайри конституциявий ва мувозий тузилмаларни бекор қилиши мумкин), шунингдек, бошқа таъсир кўрсатиш воситаларининг мавжудлигида (масалан, қонунчилик, одил судлов) ифодаланади.

Фуқаролик жамиятининг изчил шаклланиши, шахс ва давлат ўзаро муносабатларининг маданийлашуви жамиятдаги муносабатларни уйғунлаштиришни тақозо этади. Сиёсий муносабатлар соҳасида давлат ҳақли равишда етакчи ўрин эгаллайди, бунда у фуқаролик жамиятига боғлиқ бўлади, яъни унинг фаолияти жамият манфаатларига тааллуқли ҳар қандай умумий ишларни бажариши билан белгиланади.

Фуқаролик жамияти одамларнинг ижтимоий ва шахсий манфаат ҳамда ҳуқуқларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга сафарбар этилган ихтиёрий уюшмалари (жамоат бирлашмалари, партиялар, касаба уюшмалари, ширкатлар, диний ташкилотлар ва ҳоказо) тимсолида давлат билан алоҳида сиёсий муносабатларга киришади. Фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражаси қанча юқори бўлса, давлатнинг демократик фаолияти учун асослар шунча кўп бўлади. Ва аксинча, фуқаролик жамияти яхши ривожланмаган бўлса, авторитар ва тоталитар ҳокимият тузумлари мавжудлиги учун асослар кўпроқ бўлади. Фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражаси аҳоли қатламларининг қамраб олинганлик даражаси билан эмас, балки бу жамиятда тан олинадиган шахс эркинлигининг таъминланиши ҳолати билан белгиланади.

Фуқаролик жамиятида давлат барча мулкдорларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенг ҳимоя қилинишини таъминлайди, хусусий мулкни дахлсиз деб эълон қилади, ижтимоий зарурат туфайли мулк олиб қўйилган ҳолда унга товон тўланиши кафолатланади.

Бундай жамиятда меҳнат эркин бўлиб, давлат томонидан ҳам, жамият

томонидан ҳам рағбатлантирилади, мажбурий меҳнат тақиқланади, индивидуал ва жамоавий меҳнат эркинлиги кафолатланади. Давлат аҳолини иш билан тўла таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади, касб-хунар таълими ва янги ихтисос олиш дастурларини жорий этади меҳнатга тайёрлаш ва ишсизлик бўйича нафақалар тўланишини амалга оширади.

Жамиятни давлат таъсирсиз ўзгартириш, ислоҳ қилиш мумкин эмас. Унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида бозор ислохотларининг салбий оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган ижтимоий фаолияти айниқса муҳимдир. Давлатнинг ижтимоий вазифаси даромадларни жамиятнинг турли қатламлари ўртасида солиқ тизими, давлат бюджети ва махсус ижтимоий дастурлар ёрдамида қайта тақсимлашдан иборат.

Узоқ муддатли, истиқболли мақсад сифатида давлат фуқароларнинг моддий ҳолатини тенглаштиришга ҳаракат қилиши лозим. Нафақат юридик, балки ҳақиқий тенгликка эришиш – тарихан қисқа фурсатда эришиб бўлмайдиган вазифа. Бироқ, бу улкан маънавий имкониятни ўзида мужассамлаштирган тенглик ғояси рад этилишини англатмайди. Жамиятимизнинг ривожланиш йўлларини аниқлаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга давлатнинг аралашуви чегараларини, мулкни тақсимлашда унинг тартибга солувчи ролини, давлат ижтимоий функциясининг ўсишини ва унинг ўз фуқароларига муносиб турмуш шароитини яратиш учун масъуллигини кучайтириш муҳим вазифадир. Ўзбекистонда тенглик, адолат ва юксак маънавиятга аста-секин эришишни таъминловчи ҳуқуқий давлатни шакллантириш янги демократик жамият моделининг муҳим жиҳатидир.

### **Назарий саволлар**

1. Фуқаролик жамиятининг белгилари ва принципларини ёритиб беринг. Фикрингизни атрофлича изоҳланг.
2. Фуқаролик жамияти тушунчаси ва унинг таркибий қисмларини атрофлича муҳокама қилинг.

3. Фуқаролик жамияти институтларини турли мезонлар бўйича ёритиб беринг. Мисоллар келтиринг.

### **6-мавзу. Кўппартиявийлик - фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти.**

#### **Режа:**

1. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни.
2. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Сенат, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари кенгашларидаги фаолиятини такомиллаштириш.

**Таянч тушунчалар:** кўппартиявийлик, фуқаролик жамияти, сиёсий партия, Олий Мажлис Сенат, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари.

Ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларидан энг муҳими давлат ҳокимияти органларининг умумхалқ сайловлари асосида шакллантирилиши ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида бевосита, ёки ўзлари томонидан сайлаб қўйилган вакиллари орқали иштирок этиши ҳисобланади. Бунда энг аввало, жамият билан давлат ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини ўтовчи ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири бўлган – сиёсий партиялар асосий рол ўйнайди.

Сиёсий партия – бу қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи фуқароларнинг қўнгилли бирлашмасидир. Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик

йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Экспертларнинг фикрига кўра, сиёсий партия – бу сиёсий амбицияга эга бўлган шахслар томонидан тузилган ва бошқариладиган ҳамда умумий мафкура асосида бирлашган тармоқдир (networks). Сиёсий партиялар энг аввало, ўз электорати манфаатларидан, сиёсий мафкураси ва позициясидан келиб чиқиб, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнларига етарлича таъсир ўтказишлари ҳамда ўзининг вакиллари орқали давлатнинг марказий ва маҳаллий ижроия органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда қатнашишлари лозим.

### **Сиёсий партияларнинг ғарб ва шарқ талқини**

Дунё сиёсий тарихидан аёнки, замонавий типдаги сиёсий партиялар айнан ғарбда, демократик бошқарув тизимига ўтган мамлакатларда шаклланган. Уларнинг асосий вазифалари сифатида давлат бошқарувида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш; ўз электорати ҳамда бутун жамият манфаатларини илгари суриш; давлат ва жамият тараққиётига қаратилган муқобил лойиҳа (дастур)лар ишлаб чиқиш каби кўплаб функцияларни бажариб келади.


Немис сиёсатшуноси Клаус фон Бейме сиёсий партияларнинг устувор функциялари сифатида қуйидагиларни эътироф этади: ўз мақсадини аниқлаш, мафкурасини ишлаб чиқиш, ҳаракат дастури ва йўналишини белгилаш; жамоатчилик манфаатларини бирлаштириш ва илгари суриш; фуқароларни социализация ва мобилизациясини ташкиллаштириш; мамлакат бошқарув элитаси ва ҳукумат таркибини шакллантириш. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ижтимоий тараққиётнинг турли йўллари ва стратегияларини ишлаб чиқиш орқали социумнинг интеграциялашувини таъминлаб беради.

Агарда ғарб ва шарқ давлатларида сиёсий партияларнинг шаклланиши, ривожини ва умуман жамият сиёсий тафаккурини қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, бир қанча фарқли жиҳатларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу энг



аввало, ўша жамият турмуш-тарзи, демократик кадриятларга муносабати, менталитети, борин-ки, сиёсий тафаккурига боғлиқдир. Мазкур жараён энг аввало сайлов жараёнларида кўзга ёққол ташланади.

Расм 1. Ғарб ва Шарқ мамлакатлари сайловолди компанияларининг қиёсий таҳлили асосида тузилган.



Юқоридаги жадвалдан ҳам кўришиб турибдики, ривожланган ғарб мамлакатлари сиёсий тизими ва сайловолди кампанияларида энг аввало сиёсий мафкура устуворлик қилади. Яъни, партиянинг ғояси, мафкураси, жамият ва давлатни янгилаш бўйича ўзига хос дастурига катта аҳамият берилади. Электорат ҳам энг аввало муқобил дастурлар учун овоз беради. Шунинг учун кўпчилик ғарб давлатларида пропорционал сайлов тизими амал қилади. Кейинги позицияларда эса, сиёсий партия ва номзоднинг шахсий жиҳатларига эътибор қаратилади.

Аксарият шарқ давлатлари сайлов жараёнида эса шахснинг ўрни ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Номзоднинг кимлиги, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, мавқеи, керак бўлса харизмаси сайловчиларни қизиқтирадиган энг бирламчи омиллардандир. Мазкур ҳолатда эса, сиёсий мафкура охириги

поғонадан жой олади. Буни энг аввало шарқ жамиятларида патерналистик тафаккурнинг утуворлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Айнан сайловолди жараёнлари, сиёсий партияларнинг парламентдаги иштироки ва уларнинг доимий фаолиятидаги рақобати шу индикаторларга асосланади. Сиёсий жараёнлар субъекти ҳисобланган электорат, сиёсий партиялар, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳам мазкур тизим асосида шаклланган ва фаолият олиб боради. Мазкур қиёсий таҳлилдан кўриниб турибдики, ғарб билан шарқ жамиятлари сиёсий тафаккурида, ижтимоий-сиёсий тизимида тафовутлар жуда ҳам кўп. Буларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда, ривожланган демократик мамлакатларда кенг тарқалган муҳим институт – сиёсий дискурсга ҳам эътибор қаратиб ўтиш лозим. Айнан жамиятда бугунги кун учун долзарб бўлиб турган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий муаммоларни (масалаларни) муҳокама қилишда партиялар ўртасида доимий равишда олиб бориладиган сиёсий дискурсларнинг аҳамияти катта. Сиёсий дискурс – бу энг аввало сиёсий партиялар (шу жумладан фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари) ўртасида коммуникатив мулоқотни ташкил қилиб берадиган сиёсий жараёндир. Дискурслар ўз навбатида сиёсий етакчилар орқали бошқариладиган ва тегишли аудитория учун қўлланиладиган ҳамда ўзининг махсус тилига эга бўлган сиёсий воситадир. Сиёсий дискурс сайлов кампанияси даврида партиялар томонидан мамлакат ички ва ташқи сиёсатини муҳокама қилишда, жамият ва давлат ҳаётига тааллуқли муҳим масалалар юзасидан баҳс-мунозарага киришувида ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларни таҳлил қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий партияларнинг ўзаро сиёсий дискуссияга киришишида оммавий ахборот ва коммуникация воситаларининг ўрни катта. Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасида нафақат сайловолди кампанияси даврида, балки мунтазам равишда долзарб ижтимоий-сиёсий масалалар

юзасидан теле-дебатлар, брифинг ва пресс-конференциялар ўтказиб келинади.

Расм 2. “Сиёсий дискурс” шакллари: сиёсий жараёнларни қиёсий таҳлил қилиш асосида шакллантирилган.



Сиёсий дискурснинг асосий мақсади – мавжуд ҳолатни оддийгина таснифлаш эмас балки, бу ўз ғоя ва фикрларига электоратни ишонтириш, ижобий имидж яратиш ва аудиторияда мотивацияни уйғотишга қаратилади. Шунинг асосида сиёсий дискуссиялар презентатив: ўз ғоя ва дастурларини тақдимот қилиш, конструктив: амалдаги ҳукуматга (ёки ҳокимиятдаги партияга) нисбатан ўз позициясини билдириши, яъни муқобил ғоя ва дастурларни илгари суриш, конфронтатив: амалдаги ҳукуматга (ёки ҳокимиятдаги партияга) нисбатан муҳолифат шаклида фаолият олиб бориш каби кўринишларда намоён бўлади.

Шундан келиб чиқиб, давлат бошқарувини демократлаштириш, жамиятда қонун устиворлигига эришиш ва мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашда сиёсий партияларнинг ўз нуктаи назари шаклланиши, давлат ва жамият тараққиётига қаратилган муқобил дарстурларни илгари сура олиш қобилиятига эга бўлиши, сайловлар давомида ўз сиёсий рақиблари (бошқа сиёсий партиялар) билан мазмунли мунозарага кириша олиши, бир сўз билан айтганда, мамлакат сиёсий тизимида кўппартиявийлик ва партиялараро рақобатни шакллантириш муҳим вазифалардан биридир.

### **Ўзбекистонда сиёсий партиялар**

Бугунги кунда, Ўзбекистонда 5 сиёсий партия расман руйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб бормоқда, булар: Ўзбекистон Халқ демократик партияси; “Адолат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон экологик партияси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП) – 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ташкил қилинган биринчи сиёсий партия. Мазкур партияни кўп жиҳатдан собиқ коммунистик партиянинг меросхўри сифатида ҳам эътироф этадилар. ЎзХДП 1991 йил 1 ноябрда расман руйхатга олинган. Расмий маълумотларга қараганда бугунги кунда партиянинг аъзолари сони 425 минга яқин. Жойларда партиянинг 11 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари фаолият олиб боради. ЎзХДП марказий кенгаши раиси – Хотамжон Кетмонов. Партия уставида унинг асосий мақсади – давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Партиянинг матбуот органи – “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари.

“Адолат” социал-демократик партияси – 1995 йил 18 февралда ташкил топган. Бугунги кунда 135 минг аъзоси бор. Республика ҳудудларида 3 минга

яқин бошланғич партия ташкилотларига эга. Партия сиёсий кенгашининг раиси – Наримон Умаров. Матбуот органи – “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси. Партия уставида белгиланган асосий мақсади – ҳуқуқий-демократик давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жипслашган жамиятни шакллантиришда фаол иштирок этиш дея белгиланган.

“Миллий тикланиш” демократик партияси – 2008 йил 20 июнда Миллий тикланиш ва Фидокорлар партияларининг бирлашуви асосида шаклланган. Партиянинг аъзолари сони 190 минга яқин. “Миллий тикланиш” партияси марказий кенгаши раиси – Сарвар Отамурадов. Партия уставига мувофиқ асосий мақсади – Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллий ғурур, ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш эканлиги таъкидланади. Сиёсий партиянинг матбуот органи – “Миллий тикланиш” газетаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛидеп) – 2003 йилнинг 15 ноябрида тузилган. Партия ўзининг асосий мақсади сифатида – тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини таъминлаш экани қайд этилади. ЎзЛидепнинг аъзолари сони 252 минг нафарни ташкил этади. Партия сиёсий кенгаши раиси – Ақтам Хаитов. Матбуот органи – “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси.

Бугунги кунда, мазкур сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда вилоят, туман ва шаҳар вакиллик

органларида ўз депутатлик мандантларига эга. Қуйидаги жадвалларда уларнинг тақсимотини кўриш мумкин.

Сўнги йилларда, Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш борасида етарлича ҳуқуқий асослар яратилди дейишимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисидаги”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги”, “Сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш тўғрисидаги”, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги” қонунларини алоҳида такидлаш лозим.

Бундан ташқари, 2018 йилнинг 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори қабул қилинди. Унга кўра, республикада Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ҳамда барча даражадаги сайловлар тизимига Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш вазифалари белгилаб берилди.

Шунингдек, амалдаги сиёсий партияларнинг 1994 й, 1999 й, 2004 й, 2009 й. ва 2014, 2019 йиллардаги Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда иштироки ва сайловлар жараёнида орттирилган ўзига хос тажрибаси ҳам Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг ривожига ижобий таъсир этади, албатта.

Лекин, шунинг билан бирга, бугунги кунда, мамлакатда сиёсий партиялар фаолияти ва уларнинг том маънодаги фуқаролик жамияти институтига айланиши борасида бир қанча фундаментал муаммолар мавжуд. Булар сирасига:

Биринчидан, амалдаги сиёсий партиялар ўз ҳаракати ва фаолияти жиҳатидан жамиятдан, электоратдан узилиб қолган десак муболаға

бўлмайди. Сиёсий партиялар дастурларида индивидуаллик ва рақобатни кўра олмаймиз. Мазкур партиялар расмий ҳукумат томонидан олиб борилаётган сиёсатга нисбатан муқобил дастур ва моделларни илгари суриш қобилиятига эга эмас. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади;

Иккинчидан, энг асосий муаммолардан яна бири бу ҳалигача сиёсий партияларнинг ижтимоий асоси – электорати тўлиқлигича шакллантирилмагани ҳисобланади. Шунингдек, амалда сиёсий партиялар билан, улар ўз электорати дея эълон қилган, ижтимоий гуруҳи ўртасида “қайта алоқа” тизими мавжуд эмас. Ижтимоий ҳаётимизда шундай омил кўзга ташланади-ки, бугунги кунда, гўёки сиёсий партиялар ўз ҳаётида, электорат эса ўз ҳаёти билан яшамоқда;

Учинчидан, ҳозирги кунда, сиёсий партиялар ташкилотларида кадрлар муаммоси жуда долзарблигича қолмоқда. Партия тизимида ҳали-хамон ёши ўтган ва эскича фикрлайдиган партташкилотчилар фаолият олиб бормоқда. Ойлик маошининг пастлиги, партия ташкилотлари тизимида ўрнатилган бюрократик тизим ва бошқа факторлар сабабли ёш, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар сиёсий партиялар тизимида келишмаяпти;


Тўртинчидан, энг асосий муаммолардан яна бири бу – сиёсий партияларнинг ўзида демократиянинг сустлигидир. Булар, партия бошқарув органлари сайловида, сиёсий партиядан депутатликка номзодларнинг кўрсатилишида, партия тизимида ўрнатилган чуқур вертикал муносабатларда яққол кўринади. Мазкур ҳолатлар эса, аслида жамиятда демократияни мустаҳкамлашга қаратилган фуқаролик жамияти институти ҳисобланмиш – сиёсий партияларнинг халқ олдидаги имиджини тушишига олиб келиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида, Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида



муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларидан иборат бўлсада, афсуски, ханузгача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганлигини таъкидлаб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифасини қўйган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси  
депутатлигига аввал сайланган номзодлар таркиби бўйича  
ТАҲЛИЛИЙ ЖАДВАЛ




Номзод этиб кўрсатилган амалдаги 42 нафар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан 39 нафари қайта сайланган, 3 нафари етарли овоз тўплай олмаган.

Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 25 декабрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи **25 та** сайлов округларида биринчи турда ғолиблар аниқланмаганлиги учун, яъни ушбу сайлов округларидан номзодлари кўрсатилган бешта сиёсий партия номзодларининг бирортаси ҳам овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг **50 фоизидан** кўп овозини олаолмаганлиги сабабли ушбу сайлов округларида овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг энг кўп овозларини олган икки нафардан номзодлар ўртасида такрорий овоз беришни ўтказиш 2020 йил 5 январь кунига белгиланди.

5 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи **25 та** сайлов округларидаги **1 730 та** сайлов участкасида такрорий овоз бериш бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутатлари



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси  
депутатлигига сайланган номзодлар соҳа таркиби бўйича  
**ТАҲЛИЛИЙ ЖАДВАЛ**

№	Соҳалар	Сони	Фоизи
1.	Фан, таълим соҳаси вакиллари	32	21,3%
2.	Молия, иқтисодиёт ва банк соҳаси вакиллари	23	15,3%
3.	Ҳуқуқшунослар, ҳуқуқ-тартибот ва назорат органлари вакиллари	21	14,0%
4.	Жамоатчилик ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари	21	14,0%
5.	Қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари	12	8,0%
6.	Тиббиёт соҳаси вакиллари	9	6,0%
7.	Қурилиш, коммуникация, транспорт ва алоқа соҳаси вакиллари	9	6,0%
8.	Тадбиркорлар вакиллари	7	5,0%
9.	Оммавий ахборот воситалари вакиллари	6	4,0%
10.	Бошқа соҳа вакиллари	10	6,7%

### Назорат саволлари

1. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тугган ўрни?
2. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Сенат, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари кенгашларидаги фаолиятини такомиллаштириш?

**7-мавзу. “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғояси.**

**Режа:**

1. “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғоясининг мазмун ва моҳияти
2. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғоясининг аҳамияти.

**Таянч тушунчалар:** концептуал ғоя, “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғояси, миллий тараққиёти, халқимизнинг фаровонлиги, фуқаролик жамияти институтлари

Ўзбекистон бугунги кунда мустақкам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимга эга замонавий давлат сифатида дадил ривожланиш йўлидан бормоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда кенг миқёсда ислохотлар амалга оширилди. Халқимиз қалби, онгу тафаккурида фуқаролик ҳисси ва масъулияти ҳамда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайиб бормоқда. Фуқаролик жамияти институтлари таъсири ошиб, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари жамият ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишлари учун қулай ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа зарур шароитлар яратилди.

Халқаро миқёсда эътироф этилиб, бугунги тараққиётимизнинг ҳаётий дастурига айланган беш тамойил асосида ислохотлар бардавомлигини таъминлаш, бошланган улуғвор ишларга жўшқин суръат бахш этиш учун мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга эришишда тўпланган тажрибалар, улкан тарихий, маданий, бой маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар асосида жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустақкамлаш ҳамда маънавий юксалишга эришиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бизнинг мақсадимиз — миллий тикланишдан миллий юксалишга эришиш ғоясини амалга ошириш, ички сиёсатда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, халқимизнинг фаровонлиги ошишига эришиш, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни мус-

таҳкамлаш, ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдир. Халқимизга хос муҳим фазилатлардан энг муҳими - қадрият сифати ардоқланиб келинаётгани – Эркин, Озод ва мустақил ҳаёт кечиришга интилишдир. Унга эришиш машаққатли кураш, меҳнат қилишни талаб этади. Бу эзгу йўлда тарихий ўтмишда аждодларимиз бошидан не-не оғир кунларни кечирмади. Тинчлик ва фаровонлик йўлида жон олиб жон берди. Курашди. Қон тўкди. Сабр – матонат кўрсатди. Кези келганда сукут сақлади. Босиқлик, вазминлик билан етти улчаб бир кесиб, муносабат белгилади. Мақсад ягона – Инсоний ҳаёт кечириш, эркин меҳнат қилиш, бугун ва келажакни тинчлигини таъминлаб, фаровон ҳаётга эришиб, уни келгуси авлодга мерос қилиб қолдириш. Бу каби эзгу мақсад йўлида Халқимизнинг донишманд – фузолалари, мутафаккирлари ўз диний-ахлоқий таълимотларини яратди.

Бежизга халқимизнинг энг қадимги диний – ахлоқий таълимоти бўлмиш Зардуштийлик, унинг Авесто муқаддас китобида “Эзгу фикр”, “эзгу сўз” ва “эзгу амал”, айнан бизнинг юртимизда пайдо бўлмаган. Ана шу учта олтин қоидага амал қилиш, Инсоннинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаши уқтирилади. Кейинчалик Ислом дини ҳозир бўлгач, диний ҳаёт кечириш орқали маънавий комилликка эришиш, шу билан бирга хурфикрлилик, эркинлик, озодлик ва фаровонликка тадбир билан, донишмандлик ила эришиш мумкинлигини ҳам кўрсатиб берди. Умуман халқимиз тарихида барча диний, ахлоқий, фалсафий қадриятлар инсонга муносиб ҳаёт кечиришга даъват қилиш, маънавий юксалиши орқали фаровонликка эришиш мумкинлигини уқтириб туради.

Тараққиётимизнинг кейинги тарихий босқичларида араблар истилоси, муғуллар босқини каби қатор босқинчиликлари оқибатида халқимиз оғир тушкун ҳолатда яшашга маҳкум этилди. Озодлик йўлидаги Муқанна ҳаракати, Жалолиддин Мангу Бердининг буюк жасорати халқимизнинг хуррият йўлидаги курашида ўчмас из қолдирди. Амир Темурнинг буюк

давлатчилик барпо этиш йўлидаги адолатли сиёсати, Турон давлатини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган, Ренессанс даврини бошлаб берганлиги халқимизни муносиб ҳаёт кечиришини таъминлади. Темурийлар давридан сўнгги вазият хонликлар, амирликлар ўртасидаги тахт талashiш, мансаб учун кураш авж олганлиги миллий тараққиётимизни анчайин орқага суриб юборди. Миллий тарқоқликни авж олдирди. Бундан кейинчалик ўзга сиёсий кучлар устамонлик билан фойдаландилар.

Улуғ мутафаккирларимиз яратиб кетган беқиёс маънавий - маданий ва илмий меросларимизни ҳам сохталиштириш, диний қадриятларимизни бузуб талқин этиш, “дин - бу афюндир”, “сен буюруқни бажарувчи, сен учун ўйловчилар бор,” “қўлда берганга қуш тўймас” қабиладаги сиёсат ва мафкура воситасида жамиятни ҳам инсонни ҳам тутқинликда ушлаб туришга, мустамлакачиликда яшашга маҳкум этилди. Мақсад - халқимизнинг азалий орзуси – эркинлик, озодлик, мустақилликка йўл бермаслик, бунинг учун ёт мафкурани тиқиштириш лозим эди. Сал кам юз йилдан ортиқ давом этган мустамлакачилик сиёсати оқибатида, халқимизга хос бўлган зиёлилик, донишмандлик, яратувчилик, ташаббускорлик каби фазилатлар буғилди. Ҳар қандай миллийлик ўтмиш қолдиғи деб талқин этилди. Бу каби қадриятларга жамият ривожига тўсиқ бўлувчи, эскилик сарқити сифатида, сиёсий – мафкуравий тус берилди.

Йигирманчи аср бошларидаги миллий озодлик ҳаракати, жадидчиларнинг маърифатчилик фаолияти миллий ривожланишимизни бир қадар таъминлаган бўлсада, миллий тарқоқлик, халқимизнинг ҳам иқтисодий ҳам маънавий оғир ҳаёт кечириши туфайли миллий зиёлиларимизга, жамиятга нисбатан Сталинчилик қатоғонлик сиёсати авж олдирилди. Аммо миллатимиз, халқимизга хос бўлган муносиб инсоний ҳаёт кечириш истаги, мустақиллик, эркинлик ва фаровонликни юксак қадрият сифатида улуғлаши, ардоқлаши каби фазилатлари сўнмади. Йўқ бўлиб кетмади.

(Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали

маросимдаги нутқи матнидан.) Ўтган истиқлол йиллари давомида мустақилликни мустаҳкамлаш, уни авайлаб асраш, тинчлик ва фаровонликни кадамба-кадам таъминлаб бориш асосий йўлимиз бўлиб келди. Истиқлол арафасида миллий тилимиз – ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Наврўз умумхалқ байрами сифатида нишонланиши белгиланди. Миллий давлатчилик асослари тикланди, мустаҳкамланди. Рамазон ва Қурбон ҳайити нишонланиб келинмоқда. Юзлаб юртдошларимиз Ҳаж сафарига зиёрат қилиш имконига эга бўлди. Юртимизда ўнлаб мачитлар, мадрасалар барпо этилди.

“Тарихий хотирасиз келажак йўқ” ғояси асосида миллий тарихимизнинг уч минг йиллик зарварақларини тиклаш ва ўрганиш асносида, халқимиз, ёшларимиз онги ва қалбида миллий ғурур ва фахр туйғусини қарор топтириш зиёлиларимиз, тарихчи олимларимиз олдига вазифа этиб қўйилди. Миллий тарихимизнинг ғоявий ,мафкуравий асослари тикланди. Миллий ғоямиз: “Озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” барча фуқароларимизни миллий тикланиш сари бирлаштирди.

Баркамол авлод орзусини рўёбга чиқаришга қаратилган – Таълимни янгича асосда ташкил этишнинг бир қатор ҳуқуқий асослар яратилди. Таълим тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Иқтисодий соҳада мулкчиликнинг ўзини оқлайдиган шаклига йўл очилди. Хусусий мулк “кишини кишига бўри” қилиб қўймайди, балким, бой ва фаровон, чиройли ҳаёт кечириш воситаси эканлиги, бу эса, инсон руҳиятига хос қадрият эканлиги аён бўлди. Истиқлолга эришиш арафасида, оғир моддий – иқтисодий ночор аҳволдан чиқиш учун халқимизга, аҳолига 300 минг гектар ер шахсий томорқа қилиб берилгани таҳсинга сазовор бўлди. Бу Миллий тикланиш йўлидаги дастлабки моддий – иқтисодий чора – тадбир эди. Бу Халқимизнинг келажакка ишончи ортишида муҳим рол ўйнади. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесга йўл очилди.

**Жамиятимизнинг 60 % дан ортиғини Ёшлар бўлганлиги боис, Ёшларга доир давлат сиёсатини амалга ошириш йўлида қонун қабул қилинди.** Уларни

ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етишларига қаратилган таълим-тарбия, муסיқа муассалари, спорт ва соғломлаштириш масканлари барпо этилди. Ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳар йили юзлаб янги иш ўринлари яратилди.

Худудларимиз хавфсизлигини ҳар томонлама таъминланишида барча чора тадбирлар кўрилди. 1992 йил 14-январда Миллий армиямизга асос солинди. Истиқлолнинг илк кунларидан Миллий хавфсизлик тизими ташкил этилди. Ташқи сиёсатда, халқаро муносабатларда барча давлатлар билан ҳар томонлама, ўзаро манфаатли муносабатлар йўлга қўйилди. Жаҳон ҳамжамияти сари интеграциялашиб боришимизда, халқаро талабларга ва тамойилларга сўзсиз амал қилинди. Тинчликпарвар ташқи сиёсат олиб борилди. Юртимиз ядро полигонларидан ҳоли худуд деб эълон қилинди.

Мустақиллик миллий тикланишнинг асоси, азалий қадрияти сифатида, мана 28 йилдирки халқимизнинг эзгу истакларини, орзу – умидларини, муносиб ҳаёт кечирish имкониятларини юзага чиқариб келмоқда. “Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари дадил қадам қўймоқдамиз.”

**(Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи матнидан.)**

Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳномалигида, меҳнатсевар халқимизнинг фидокорона меҳнати билан, дунё аҳлига “чўлда ҳам гиёҳ ундира олиши мумкин эканлигини” яна бир бор исботлаб бермоқда. Ҳукуматимиз томонидан ўзликни англашга, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган халқчил адолатли ислоҳатлар давом эттирилмоқда. Тарихан қисқа 28 йил давомида халқимиз миллий ўзлигини англаш машаққатларини енгиб, юксалиш сари дадил қадам ташлаб келмоқда. Ўзбекистон том маънода дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиш учун интилиб келди.

Миллий тикланиш йўлида бошланган барча ислоҳатлар жараёнида гоҳида олдинга интилиш, гоҳида мураккаб ҳолатларга дуч келдик.



Халқимизнинг онги ва дунёқараши билан жамият тақоза этаётган янгича ишлаш ва муносабат кўрсатиш талаблари ўртасида номувофиқлик ҳолатлари ҳам кўзга ташланди. Бу табиий ижтимоий ҳолат ҳамдир. Зеро мустақилликнинг янгича талаблари ҳам бўлади. Уни англаш, онги, тафаккуридан ўтказиш ҳам ўзоқ вақт талаб этадиган ҳодисадир. Бу эса, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини қуриш талабларидан келиб чиқувчи, бир қатор мураккаб вазифаларнинг амалга ошуви билан боғлиқдир.

**2017 йил**, 7-февралда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Стратегия – бу ислоҳатларни амалга оширишнинг аниқ мўлжалланган янги ҳаракат дастуридир. Ҳаракатлар стратегияси жамиятнинг барча соҳасида бошланган ислоҳатларни тезлаштирмоқда, уни жўнбушга келтирмоқда. Одамларда келажакка нисбатан ишончни янада кучайтирди. Улар турмуш тарзига кўтаринки рўх олиб кирмоқда. Буюк келажакни яратиш бугундан бошланади. Бу учун кишилар бугун яхши яшашлари зарур. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар айнан ана шундай заруратни юзага чиқаришга қаратилгани билан ҳам қадрлидир.

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ғоясини, ривожланишнинг бешта устувор йўналиши – Ҳаракатлар стратегияси реалликка айлантиради. Чунки, шу асосдаги ислоҳатлар одамларни очиқлик, ошкоралик, шаффофлик муҳитида яшаш ва ишлашга ҳам даъват этмоқда. Бундай халқчил муҳитда яшашга интилиш эса, халқимизни ҳар томонлама мукамал, фаровон турмуш кечиришни таъминлайди. Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш йўлини ҳар томонлама асослаб берадиган, давлатимизни дунёда ривожланган давлатлар қаторига чиқишини таъминлаб берадиган ноёб ҳужжат ҳисобланади.

2019 йил нашрдан чиққан Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари

китобида Ҳаракатлар стратегияси асосида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун ана шу улкан аҳамиятга молик ўзгаришлар жараёнининг мазмун моҳияти, жамият ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳатларнинг моҳияти Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг пурмаъно фикрлари орқали ёрқин ифода этилган. Унда Президент Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари ва маърузаларидан олинган фикрлар жой олган.

**Китобдан** жой олган ўттиздан ортиқ масалаларга – жамиятимизнинг ижтимоий, молиявий ва иқтисодий, экологик, ҳуқуқий ва қонунчилик, маънавий – маданий, ташқи сиёсат, тарбиявий каби соҳаларига, шу билан бирга Ёшлар, хотин-қизлар, нуруний кексалар ҳаёти ва манфаатларига қаратилган пурмаъно фикр-мулоҳазалари, бугунги халқимизни ислоҳатларнинг ижодкори ва ижрочиси сифатида, миллий ривожланиш сари етакловчи илмий, ғоявий, сиёсий, маънавий ва мафкуравий маёқ бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Президенти жонажон Ватанимизни янада обод, халқимизни бахтли – саодатли қилишдек муқаддас ва залворли кенг вазифаларни бажариш, миллий тикланишдан миллий юксалишга ва жадал тараққиётга эришиш имкониятини берувчи ислоҳатларни амалга оширишда мамлакатимизнинг жонкуяр лидери сифатида жонбозлик кўрсатмоқда. Миллий юксалишга эришмоқ учун Юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Билимли авлод буюк келажакнинг, тадбиркор халқ фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса, тараққиётнинг қафолатидир.”

(Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари китобидан олинди. 5-бет)  
Дарҳақиқат, қисқа давр ичида юртимиз ўзгариб кетди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастури, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажакимиз”, “Беш муҳим ташаббус” каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг маъно-мазмунини ва руҳи мужассам этилишига алоҳида эътибор қаратилади.



Бугунги кунда юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин ўтган ҳар бир кунимиз халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида янги тарихимиз солномасига том маънода ёрқин саҳифа бўлиб кирмоқда.

Бугунги шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгармоқда. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” лойиҳалари асосида олиб борилаётган ишлар “Инсон манфаатлари барча нарсадан устун” тамойилига амал қилинган ҳолда аҳолига янада қулайлик яратиш, турмуш шароитини яхшилаш мақсадида олиб борилаётгани таҳсинга лойиқ. Бу дастур йўлида 4 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратиш кўзда тутилган. Ҳатто, энг чекка қишлоқларда ҳам бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, таълим муассасалари, спорт иншоотлари, маҳалла гузарлари кишига завқу шавқ улашади. Бутун мамлакатимизни қамраб олган мазкур дастурлар доирасида 416 та қишлоқ ва 105 та маҳаллада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Буларнинг барчаси жонажон Ўзбекистонимизнинг янги, обод қиёфасини яратиш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Аҳолимизнинг замонавий уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида жорий йилда 13 минг 900 дан зиёд оилага мўлжалланган 335 та кўп қаватли турар жой фойдаланишга топширилди.

Ана шу йўналишдаги ишлар қишлоқ жойларда ҳам янгиланган лойиҳалар асосида олиб борилмоқда. Ҳозирги кунга қадар қишлоқларда 40 мингта оила янги хонадонларга кўчиб кирди. Бу борада биз илгари етарлича эътибор бермаган муҳим масала – яъни, кам таъминланган, ногиронлиги

бўлган инсонларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунинг тасдиғини ўтган 2 йилда 1000 нафардан ортиқ шу тоифага мансуб инсонлар уй-жой билан таъминлангани мисолида кўриш мумкин. **Аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳар бир оилада тадбиркорлик муҳитини яратиш** бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Кейинги икки йилда мамлакатимиз бўйича 700 мингдан ортиқ юртдошларимиз иш билан таъминлангани, тижорат банклари томонидан тадбиркорларга 25 триллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилгани ана шундай саъй – ҳаракатлар натижасидир. Сўнгги охириги йилларда бу кўрсаткич янада юксалди.

Мамлакатимизда оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий тиббиёт муассасалари қурилиб, энг сўнгги жиҳозлар билан жиҳозланаяпти. Шифокорларимиз энг ривожланган давлатларда малака ошириб қайтишмоқда.

Юрт тақдирини билимли, ҳар жабҳада етук фарзандлар белгилаб бериши ҳар биримизга сир эмас. Уларга таълим тарбия берувчи инсонлар меҳнати эса қадрланмоқда, эъзозланмоқда. Биз мамлакатимизда қандай дастур ва режалар қабул қилсак, уларнинг барчасида умидимиз, келажагимиз бўлган **ёшларимиз манфаатларини** алоҳида ҳисобга олмоқдамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимизда янги олий ўқув юртлари, хориждаги нуфузли университетларнинг филиаллари ташкил этилаётгани, қабул квоталари оширилгани, кўпгина йўналишлар бўйича сиртқи бўлимлар очилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни вақтда буюк алломаларимиз номидаги махсус мактаблар, худудларимизда атоқли адибларимиз номидаги ижод мактаблари иш бошлагани, ёшларимиз ўртасида турли танлов ва фестиваллар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинаётгани уларнинг илмий ва ижодий камолотида катта роль ўйнамоқда.

Жамиятимизда **“Қонун ва адолат – устувор”, “Жиноятга жазо муқаррар”** деган муҳим принципларни таъминлаш, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни

том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар туфайли биз йиллар давомида деярли унутиб кўйган тартиб-интизом, қонун-қоида, одамларнинг ҳақли талаблари билан ҳисоблашиш каби энг муҳим тамойиллар ҳаётимизда тобора чуқур ўрин эгалламоқда.

“Бугун бир фикрни тўла ишонч билан айтиш мумкин: бутун жамиятимизни камраб олаётган ана шундай эзгу ишларимиз туфайли ҳаётимизда файзу барака, миллатлараро дўстлик ва меҳр - оқибат туйғулари кучайиб бормоқда. Энг муҳими, мамлакатимизни янада тараққий эттириш йўлида олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатимиз эл-юртимиз томонидан кўллаб-қувватланмоқда. Халқимизнинг розилиги – бизнинг, биринчи навбатда, Президент сифатида менинг, барча бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилар, депутат ва сенаторлар, бутун давлат идораларининг фаолиятига берилган энг олий ва энг адолатли баҳодир. Агар халқимиз биздан рози бўлса, Яратган ҳам албатта рози бўлади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги зарур”. деган эди Ш.Мирзиёев. Жонажон диёримиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев тантанали табрик нутқида тараққиётимизнинг мақсади Учинчи Ренессанс бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ниҳоятда жозибали мазкур стратегик ғоя ўзининг улуғворлиги, миллий юксалиш барча жабҳаларда қандай умумий мақсадни кўзламоғи зарурлигини кўрсатади. Амалда давлат раҳбари тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон миллий ғоясининг янги ва аниқлаштирилган мазмунини ифодалади.

Учинчи Ренессанс ғоясини, аввало, жамиятимиз чуқур англаб олмоғи керак. Ҳар жабҳада, соҳада қиладиган ишларимиз, режаю истиқбол дастурларимиз, таълим-тарбия ва кадрлар сиёсати, инвестицион сиёсат — барчаси унга шароит ва муҳит яратишга қаратилмоғи лозим. “Ренессанс” луғавий французча “қайта туғилиш” деган маънони англатади. Атама

сифатида унинг мазмуни анча кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва кадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин 15-16 асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб ўгирилган.

Австриялик атоқли шарқшунос Адам Мецнинг 1909 йилда “Мусулмон Ренессанси” номли фундаментал асари чоп этилган. Шундан буён Ренессанс фақат Европага оид ҳодиса эмаслиги, уни Шарқ халқлари европаликларга нисбатан аввалроқ бошдан кечиргани тўғрисидаги қарашлар ва тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Россиялик буюк шарқшунос академик Н. Н. Конрад Ренессанс VII — VIII асрларда Хитойда бошланиб, VIII асрда Ҳиндистонда давом этгани, ундан IX-XII асрларда ислом мамлакатлари эстафетани қабул қилгани, мўғул истилоси туфайли анча пасайиб қолган юксалиш Амир Темур ва темурийлар даврида яна қайта гуркураб ўсганини таъкидлайди. У Ўрта Шарқ Уйғониш даврини Алишер Навоий замонасигача чўзади. Жавоҳарлал Неру Бобурни ҳам Ренессанснинг типик вакили, деб баҳолаган эди.

XV асрдан Ренессанс Европага силжиди. Бу пайтга келиб Европа 300 — 350 йил давомида ислом олимлари, жумладан, бизнинг буюк аждодларимиз асарларини, айниқса, Хоразмий, Фарғоний ва Ибн Сино асарларини лотинчага ўгириб, чуқур ўзлаштириб олган эди. Европа Уйғонишига жуда кучли таъсир кўрсатганлардан бири Ибн Рушддир. Европа фалсафаси ва илмий тафаккурида XVI аср ўрталаригача аверроизм (Ибн Рушд таълимотига асосланган оқим) мавқеини сақлаб турди.

Афсуски, XVI асрнинг 30 — 40 йилларида бизда анъанавий жамият узил-кесил қарор топди. Илмий, бадиий изланишларга ижтимоий эҳтиёж пасайиб кетди. Ўтмиш ютуқлари олдида қуллуқ қилиш, уларни идеаллаштириш ва фақат такрорлашга уриниш, янгиликларга салбий муносабат шаклланди. Аста-секин чуқур турғунлик ва инқироз бошланди.

Улар нохуш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний-мафкуравий, регионал низолар ва айирмачилик каби сабаблар билан қўшилиб қолаётган бўлиб қолишимизга, XIX аср иккинчи ярмида миллий мустақиллигимизни йўқотишга олиб келди. Ўтмишдан биринчи бўлиб теран тарихий хулоса чиқарган — жадид боболаримиз эди. Улар таклиф қилган ислохотлар миллатни қайта уйғотиш, тараққиёт томон буришни кўзлади. Аммо мустабид ҳокимият жадидлар ҳаракатини авж олмасдан бўғиб қўйди.

Мустақилликка эришгандан кейин дастлаб чорак аср давомида миллий тикланиш билан шуғулланишга тўғри келди. Эндиликда миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтганимиздан кейин, учинчи Ренессансга эришишни давлат раҳбари стратегик вазифа этиб қўйди. Ҳақиқатан тарихан олганда биз икки Ренессансни бошдан кечирдик: биринчиси IX — XII асрлар, иккинчиси XIV аср охиригача — XVI аср биринчи чораги. Биринчи Ренессансда юртимиздан Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий каби буюк даҳолар, буюк муҳаддислар — Бухорий, Термизий, мутакаллимлар — Мотуридий ва Абул Муин Насафий ҳамда бошқа атоқли дунёвий ва диний алломалар шуури оламни ёритди.

Иккинчи Ренессансда — Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи, Лутфий, Жомий, Навоий, Беҳзод, буюк меъморлар, бастакорлар, мусаввирлар, тарихчилар чиқиб, бугун ҳам дунёни лол қолдираётган асарлар яратдилар.

Ҳар икки Ренессанс даврида биз дунёнинг илғор, мутараққий халқлари қаторида эдик. Агар яна шундай даражага эришмоқчи бўлсак, Учинчи Ренессансга амалга оширишимиз зарур.

Миллий ғоя аслида муайян халқнинг олий истиқбол мақсадини бир неча сўзларда ёки иборада мужассам ифодаловчи тушунчалар ёки шиор, иборадир. У халқни ўша мақсад йўлида бирлаштиради, сафарбар этади. Халқ барча саъй-ҳаракатларини, интилишларини, бунёдкорлик фаолиятини унга мувофиқлаштиради. Зарур бўлса, иқтисодий, ижтимоий муносабатларини,

мамлакатнинг ҳуқуқий, сиёсий, мафкуравий асосларини, таълим-тарбия тизимини чуқур ислоҳ қилади. Миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири, аввало, халқнинг жипслигини, бирлигини, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир. Иккинчидан, миллатнинг олий мақсадини, ривожланиш марраларини, мўлжалларини умумий тарзда аниқлайди. Миллий ғоя турли ибораларда ифодаланиши мумкин. Лекин ифода шаклидан қатъи назар, халққа истиқболни, ижтимоий мўлжални кўрсатиши шарт.

Истиқлолга эришганимиздан кейин дастлабки йилларда “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” шиори олға сурилди. У амалда миллий ғоя вазифасини ўтади ва халқни бирлаштиришда, сафарбар этишда катта роль ўйнади. Мазкур жозибали шиорда урғу жамиятга эмас, давлатга берилганди. Кейинчалик миллий ғоя шаклан такомиллаштирилганда “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” ибораси олға сурилди. Унда урғу сиёсий ташкилотга (давлатга) эмас, балки ҳар киши учун, сиёсий, мафкуравий қарашларидан қатъи назар, бирдек азиз Ватанга ҳамда шахс ва жамият ҳеч қачон бефарқ бўлмайдиган эркинликка ва фаровонликка қўйилди. Миллий ғоянинг бундай тушунчавий ифодаси анча мукамаллик касб этди.

Аммо унинг мазмунини, уни амалга ошириш вазифаларини очиб беришга етарлича масъулият билан ёндашилмади. Айниқса, у ислоҳотларнинг йўналишлари, соҳалари, турли босқичлари, амалдаги ва эҳтимолдаги муаммолари билан боғланмади. Натижада у мафкуравий чақирик, қуруқ шиор даражасида қолиб кетди. Аниқ муаммолар ва вазифалардан йироқлиги учун одамларга таъсири аста-секин сусая бошлади.

Катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутиб олинган “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” бугун иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимизга реал таъсир кўрсатаётирми, деган саволга аниқ жавоб бериш анча мушкул. Миллий ғояни жонлантириш учун уни Учинчи Ренессанс ғояси билан бойитиш зарур. Фақат Учинчи Ренессансни амалга ошириб, биз озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаётни барпо эта оламиз. Ёки, яна

қулайроғи, Учинчи Ренессансга эришишни миллий ғоянинг янги ифодаси, деб эълон қилиш мақсадга мувофиқ.

Миллий ғоя жорий вазифаларни эмас, балки стратегик олий мақсадни ифодалайди. Шу маънода Учинчи Ренессанс ғояси истиқболга интилишга жуда мос келади. Мазкур ғоянинг сафарбарлик кучи, умуман, мафкуравий салоҳияти жуда юқори. Айтиш чоғда ўтмиш тарихимизнинг шонли саҳифалари, буюк аждодларимизнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти билан боғланади. Бизга мазкур тушунча кимларнинг ворислари эканимизни эслатиб туради. Янги Ренессанс йўлида халқимиз турли майда, вақтинчалик масалаларга, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, айирмачилик, мафкуравий мутаассибликнинг ҳар хил кўринишларига чалғимаслиги керак. Тарих сабоқларини унутишга ҳаққимиз йўқ. Учинчи Ренессанс ғояси миллий руҳиятимизга, халқимиз армон-орзусига яқин. Зотан, халқ илгари оққан дарёси яна оқишини астойдил истайди.

Энди ҳаммамиз, бутун жамиятимиз, уларни амалга оширишга киришмоғимиз лозим.

### **Назорат саволлари**

1. Инсон — Янги Ренессанс ижодкорининг мазмун ва моҳияти?
2. “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғоясининг мазмун ва моҳияти.
3. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғоясининг аҳамияти.



#### IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

**1-машғулот: Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши фанининг ғоялари эволюцияси.**

**Режа:**

1. Фуқаролик жамияти тушунчасининг тарихий илдизлари ва уларнинг турли тавсифлари.
2. Шарқ ва Ғарб цивилизацияларида фуқаролик жамияти тушунчасига оид ўзига хос ёндашувлар. Фуқаролик жамиятининг антик парадигмаси.
3. Янги даврда фуқаролик жамиятининг парадигмаларини яратилиши. Ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти парадигмасининг ривожланиш анъаналари.

«Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўп-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган, - деб таъкидлайди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов. – Биз бундай жамиятни куришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилоқдамиз»<sup>31</sup>. Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти масалаларини ўрганишда классик ёндашувлар баробарида, албатта замонавий ёндашувларни ҳам ўрганиш зарур. Зеро, бу ҳодиса асрлар оша ўзининг классик моҳиятини сақлаб қолган бўлсада, унинг таърифи ва тузилмаси давр ўтиши мобайнида ўзгача тус олмақда. Фуқаролик жамиятига нисбатан билдирилаётган илмий муносабат унинг ўзи сингари мураккаблашаётгани туфайли фуқаролик жамияти илмий доираларда ҳам давр, ҳам моҳият нуқтаи назаридан қайта-қайта тафаккур чиғириғидан ўтказилмоқда.

Давр нуқтаи назаридан ёндашилганда фуқаролик жамияти пост-социалистик мамлакатларда нисбатан янги ҳодиса эканлиги қайд этилганига қарамай, аслида шарқий Европада ўтган асрнинг сўнгги чораги арафасида коммунистик тизимга қарши ғоя сифатида алоҳида қизиқиш уйғотган.

<sup>31</sup>Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 7-жилд. 304-б.



Фуқаролик жамияти концепциясининг Европача анъанаси антик илдишларга эга. Мазкур анъананинг мазмун-моҳияти нафақат сиёсий, балки шахсни ижтимоий-ахлоқий нуқтаи назардан баҳолаш билан боғлиқ эди. Бунга Афлотун, Арасту, Цицерон каби мутафаккирларнинг қарашларини мисол келтириш мумкин. Ғарбий Европада эса фуқаролик жамиятига нисбатан қизиқиш вақти-вақти билан сусайиб турган бўлсада, аслида бу масала мунозарали бўлганлиги туфайли ҳамisha жиддий тадқиқотларга йўл очган. Агар классик олимлар бу муаммони давлат ҳокимияти билан жамият ўртасидаги муносабатлар нуқтаи назаридан талқин этишган бўлса, фуқаролик жамиятига давлат қанчалик дахл қилиши мумкинлиги замонавий тадқиқотчиларни қизиқтирган масалалардан биридир.<sup>32</sup> Дж.Коэн, Э.Арато, Д.Грин, М.Уолцер, Л.Якобсон, Э.Геллнер сингари олимлар фуқаролик жамияти ҳодисасига комплекс ёндашишган бўлса, Р.Дворкин, А.Сэлигман, М.Платтнер сингари олимлар фуқаролик жамиятини либерализм ҳамда демократия муносабати нуқтаи назаридан талқин этишган. Фуқаролик жамияти муаммолари Д.Белл, С.Уайт, С.Бенҳабиб, Н.Фрейзер ва ҳоказо олимларнинг либерализмга қарши бўлган таълимотларида ҳам намоён бўлди. Фуқаролик жамияти “барча балоларнинг давоси” эканлиги тўғрисидаги қарашлар ҳам ғарбда яратилган тадқиқотлардан ўрин олган бўлиб, А.Сэлигман, М.Уолцер, Ч.Тэйлор кабиларни улар қаторига қўшиш мумкин. Д.Гриннинг гувоҳлик беришича фуқаролик жамиятининг табиати, унинг либерализм билан муносабати Ф.Хайек ва М.Новаклар тадқиқотларидан кенг ўрин олган.

Фуқаролик жамиятига бўлган қизиқиш ўтган асрнинг иккинчи ярмида ғарбда, айниқса, кучли бўлганлигига сабаб Иккинчи жаҳон урушидан олдин давлатнинг фуқароларнинг ҳаётига аралашуви нафақат тоталитар тизимдаги каби кенг тарқалганлигига бориб тақалади. Урушдан кейинги даврдаги тадқиқотларда асосий эътибор фуқаровий ҳуқуқларни қайта тафаккур қилишга қаратилди. Фуқаровийлик ижтимоий мазмун билан бойиган ҳолда

<sup>32</sup> Қирғизбоев М.Фуқаролик жамияти.Т.2016.33-бет.

давлатдан маълум бир хизматларни олиш фуқаро учун юридик жиҳатдан мустақкамланган ҳуқуққа айланган эди. Бундай ўзгаришлар ўз навбатида боқимандалик кайфиятини кучайтирган ҳолда, меҳнат ва рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатди. Шу туфайли бир қатор либерализм назарийчилари бозорнинг таъсирини оширишга қаратилган ғояларни илгари сурган ҳолда фуқаролик жамияти тадқиқотларга қайтадан туртки бердилар. XX аср давомида фуқаролик жамиятининг қуйидаги трансформацияси рўй берди: аср бошида у инқилоб тажовуз қилаётган давлат учун қалқон вазифасини ўтаган бўлса, аср якунига келиб у шахс эркинлигини давлатнинг ўта қаттиқ назоратидан асраш омилига айланди.

Тадқиқотлар орасида фуқаролик жамияти ҳодисасининг моҳиятига, аниқроғи, унинг таърифига такрор-такрор мурожаат этилганлигини қайд этиш мумкин. Зеро, бу ҳодиса ўта мураккаб бўлганлиги туфайли унга нисбатан бир ёқлама ёндашув билан унинг туб моҳиятини тўлиқ қамраб олиш мумкин эмас. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги илмий мунозара янги ғоя ва тушунчаларни қамраб олиш билан янгидан-янги муаллифларни бу мавзуга жалб этди. Тадқиқотчилар қарашларнинг турличалиги нуқтаи назаридан бир-бирларидан кескин фарқланишсада, фуқаролик жамиятининг шаклланиши, унинг тузилиши, фуқаролик ҳиссини тарбиялаш муаммоларига нисбатан қизиқишларида умумийлик мавжуд. Фуқаролик жамияти тушунчасининг ғарбда ўта оммалашиб кетиш сабабларидан яна бири унга берилган таъриф борасида келишувнинг йўқлигига бориб тақалади. Бу ҳодиса қарийб уч асрдан бери ўрганилаётган бўлишига қарамасдан, унинг ягона концепцияси, бошқача айтганда “юриспруденцияда аксиома сифатида қабул қилинадиган даражадаги метаназарияси” ҳанузга қадар шакллантирилганича йўқ. Фақатгина либерализм билан фуқаролик жамияти ўртасидаги алоқадорликни тан олиш бу борадаги тадқиқотларнинг умумий жиҳатини ифода этган ягона нуқта ҳисобланади. Баъзи олимлар бу муаммо аллақачон эскириб кетганлигини таъкидлашади. Шунинг учун бўлса керак бу ҳодиса дастлаб юзага келган ва ўзининг энг олий нуқтасига етган Буюк

Британияда фуқаролик жамияти тадқиқотлари университетлар эътиборидан четда қолмоқда.

Ўтган асрнинг 70-йилларида ғарбда фуқаролик жамияти коммунистик тизимга муқобил сифатида талқин этилган бўлса, бу ҳодиса кейинчалик сўл тадқиқотчилар томонидан эркин бозор муносабатларига қарши қўйилган. Бунинг биринчи сабаби, олимлар фуқаролик жамиятини коммунистик мамлакатларда кузатилган тоталитаризмга қарши энг мақбул восита сифатида кўришган. Иккинчи сабаби эса, фуқаролик жамияти даставвал вужудга келган пайтда эркин мулкдорлар етакчилик қилган шаҳар аҳолисининг ташаббуси билан вужудга келганлигига бориб тақалади. Бу ҳодиса ўта мураккаб эканлиги у либерализм ва эркин бозор муносабатларини тақозо қилишидан ҳам кўриниб турибди. Фуқаролик жамияти тадрижга эътибор қаратилса, у мулкдор ҳуқуқини кафолатлаш, эркин бозор муносабатлари ривож учун қулай макон эканлиги намоён бўлади. Бу ерда фуқаро эркинлигининг чегараси тадқиқотчиларни қизиқтирган масалалардан биридир.

Индивидуализм билан жамоавийлик дилеммаси фуқаролик жамиятида навбатдаги диққат талаб этадиган масалалардан биридир. Ижтимоий тафаккурнинг коммунитаризм деб номланган, асосан АҚШда ривож топган йўналиши бу жумбоқни ечишга, яъни бу иккиликдан қай бири бирламчи эканлигига жавоб топишга ҳаракат қилади.

Фуқаролик жамияти борасида хорижда яратилган замонавий тадқиқотлардаги ёндашув нуқтаи назаридан умумлаштириш мумкин. Бошқача айтганда, тадқиқотлар

- \*фуқаролик жамиятининг илмий таърифи;
- \*фуқаролик жамияти ва либерализм муносабатлари;
- \*фуқаролик жамияти ва демократия;
- \*фуқаролик жамиятида индивид эркинлиги, ихтиёрийлик ва кўнгиллилик;
- \*фуқаролик жамияти билан давлат муносабатлари;

\*фуқаролик жамияти билан бозор муносабатлари;

\*фуқаролик жамияти ННТлар ҳамжамияти;

\* фуқаролик жамиятида омма манфаати ва шахс манфаати каби жиҳатларда

таҳлил этилган.

Фуқаролик жамияти борасидаги хорижий таълимотлар тадрижга назар ташланса, дастлабки пайтларда асосий йўналиш ҳукмдорнинг ваколатларини қисқартириш ёки жамият билан ҳукмдор манфаатлари ўртасидаги чегарани белгилашга қаратилган бўлса, кейинчалик инсон ҳуқуқлари, яъни давлат ва жамият муносабатларида инсоннинг мавқеи масалаларига қаратилган. Инсоннинг озодлиги, унинг эркин фаолият юритиши, унга оид ҳуқуқ ва эркинликлар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши борасидаги тадқиқотлар асосий ўрин эгаллади. Бунга АҚШда либерализм негизида ўрнатилган фуқаролик жамияти мисол келтирилади. Либерализмдаги озодлик (Liberty), тенглик (Equality), мустақиллик (Freedom) ва адолат (Justice) каби тушунчалар америкаликларнинг асосий қадриятига айланди. Тенглик деганда барча инсонларнинг сиёсий жиҳатдан тенглиги ва имкониятларнинг тенглиги тушунилган. Бунинг маъноси шуки, “яхши” жамиятда ҳукумат фуқароларнинг ўз орзулари ва қобилиятлари асосида ўз фаровонликларини юксалтириш учун курашишлари учун шароит яратар экан, айтилиши вақтда бошқа шахсларнинг ҳам ҳаёти ҳамда мулкини қадрият сифатида ҳурмат қилишлари учун қонунлар тизимини ишлаб чиқади. Эркинлик деганда ҳар кимда истаганини қилиш эмас, балки қонун доирасидаги эркинлик тушунилган.

Гарчи либерализм АҚШда, аниқроғи, умуман, ғарбда фуқаролик жамиятининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган бўлсада, унинг асосий тамойили бўлмиш “тенглик” олимлар орасида ҳамisha мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Зеро, фуқаролик жамиятини тадқиқ қилган олимлар мунтазам равишда демократик деб ҳисобланган.

Гарчи фуқаролик жамияти биринчи навбатда ғарб тамаддунининг маҳсули бўлсада, бу минтақада ҳам зиддиятли мисоллар учрайди. Бу ходисани атрофлича ўрганган америкалик социолог Р.Патнэм Италияда ижтимоий ҳаёт тарзининг фуқаровийлик даражасига кўра бир-бирдан фарк қиладиган икки тури мавжудлигини таъкидлайди. Масалан, Италия шимолида ўзини ўзи бошқаришга асосланган фуқаролик жамияти мавжуд бўлса, жанубда демократик тамойилларга муносабат ижобий эмас. Жанубда фуқаровийлик онги паст даражада бўлганлиги туфайли вакиллик ҳокимияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.<sup>46</sup> Айни вақтда Осиёнинг бир қатор мамлакатларида фуқаролик жамияти миллий анъаналар билан ҳамоҳанг равишда ривожланмоқда. Либерал қадриятлар шарқ жамиятининг ижтимоий- сиёсий ҳаётига жадаллик билан кириб бормоқда ва маҳаллий аҳолининг ҳокимиятга кўр-кўрона бўйсунушидан уларнинг ижтимоий фаоллигига, фуқаровий онгининг ўсишига хизмат қилмоқда.

Кўриниб турганидек, фуқаролик жамиятига нисбатан илмий ёндашувлар бу ходисанинг имкон қадар барча қирраларини очиб беришга қаратилган. Тадқиқотчилар фуқаролик жамиятини аввалдан режалаштиришдан қочиш кераклигини уқтирар экан, фуқаролик жамияти ривожига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этиш зарурлигини таъкидлашади. Зеро, фуқаролик жамияти ўзини ўзи бошқарувчи кўнгилли тузилмалар ривожига билан маълум давр мобайнида “пишиб” етилади.

Мустақилликка эришганимиздан кейин бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ҳамда мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегик мақсад сифатида белгиланган. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини

шакллантиришдан иборат»<sup>33</sup> деб таъкидлаган эди.


Фуқаролик жамияти фанини ўқитиш жараёнида илмийлик, тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилади.

Замонавий усуллар:


- \*“Пинборд техникаси”
- \*“Венн диаграммаси”
- \* “Ақлий хужум”
- \* “Лойиха” усули
- \* “Кластер”
- \* “ФСМУ” технологияси”
- \*“Кейс технологияси”

### Пинборд техникаси


(инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – доска) муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гуруҳлашни амалга оширишга, коллектив тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.



Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарларини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий хужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради).



Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.



<sup>33</sup>Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 2000. 8-жилд. -Б-331.

Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- 1) яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
- 2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
- 3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдилар;
- 4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва рақларидаги) гуруҳларга ажратадилар;
- 5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: коллективнинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

**“ФСМУ” методи.** Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади. Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

**Ф**

(Фикрингизни баён этинг).

**С**

(Фикрингиз баёнига бирор сабаб кўрсатинг).

**М**

(Кўрсатилган сабабга тушунтирувчи мисол келтиринг).

**У**

(Фикрингизни умумлаштиринг).


**Венн диаграммаси.** Венн диаграммаси- 2 ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Тингловчилар:

1) кичик гуруҳларда Венн диаграммасини тузадилар ва кесишмайдиган жойларида ривожланган давлатлар таълим тизимига оид фикрларини ойдинлаштириб олиб, тўлдирадилар.


2) жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар.

3) доираларнинг кесишувчи жойида икки доира учун умумий бўлган фикрлар рўйхатини тузади.

4) иш натижаларининг тақдимоти.



### Венн диаграммаси




### КЛАСТЕР УСУЛИ



(Кластер – тутам, боғлам) – ахборот харитасини тузиш йўли – барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш. Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради. Кластерни тузиш коидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади. Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар «йўлдошлар» ёзиб қўшилади. Уларни «асосий» сўз билан чизиклар ёрдамида бирлаштирилади. Бу «йўлдошлар» «кичик йўлдошлар» бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунча давом этиши мумкин. Муҳокама учун кластерлар билан алмашинадилар

### Кластер



### “А Қ Л И Й Х У Ж У М” УСУЛИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) - амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш

Иштирокчилар ақлий ҳужум вақтида мураккаб муаммони ҳал этишга

ҳаракат қиладилар: уларни танқид қилишга йўл қўймай уни ҳал этишнинг кўпроқ шахсий ғояларини юзага келтирадилар, сўнгра кўпроқ оқилона самарали мақбул ва бошқа ғояларни ажратадилар, уларни муҳокама қиладилар ва ривожлантирадилар, уларни исботлаш ёки қайтариш имкониётларини баҳолайдилар.

Бу усул ҳамма вазифаларни бажаради, лекин унинг асосий вазифаси таълим олувчиларни ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларни муаммони мустақил тушуниш ва ечишга қизиқтириш ва уларда муомала маданияти, фикр алмашиниш малакаларини ривожлантириши, ташқи таъсир остида фикрлашдан озод бўлиш ва ижодий топшириқни ечишда бирламчи йўл фикрларини енгиб ўтишни тарбиялайди.

Анъанавий таълимда вазифани ечиш вақтида кўпгина таълим олувчилар ўзларини ғояларини айтишга ботина олмайдилар. Ўз тақлифларининг хатолиги ва таълим берувчининг салбий муносабатидан, бошқа иштирокчиларнинг йўқ қилиб юборувчи танқиди ва кулгисидан асосли кўрқадилар.

#### **«Ақлий ҳужум»нинг асосий қоидалари:**

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- «ҳужум»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

**«ЛОЙИҲА» методи-**

таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир.

**Кейс технологияси**

Кейс-стади инглизча case - тўпلام, аниқ вазият, stadi –таълимдир. Кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этишга асосланилади.

Кейс-стади - таълим, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий

муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган таълим технологиясидир. Кейс илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуги кенг татбиқ этила бошлади.

**Хулоса қилиб айтганда,** бугун таълим тизимидаги кадрлар салоҳиятини оширишда фуқаролик жамияти фанини янада такомиллаштириш йўлидаги муаммолардан бири – бу ушбу соҳада фаолият юритаётган айрим педагог кадрларимизнинг дарсни ташкил этишдаги анъанавий усуллар билан чекланиб қолаётганлигидадир. Бу эса, ушбу фанлардан ўқувчиларни Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб қўйилаётган билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишида етарли натижаларга олиб келмайди. Муаммони ечими сифатида шуни таклиф этиш мумкинки барча таълим муассасаларида « Фуқаролик жамияти » фанидан ўқувчиларга сабоқ бераётган педагог-кадрларимизни малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда инновацион технологиялардан, ноанъанавий дарс усулларида ўринли фойдаланишларига кўпроқ эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

**2-машғулот. Шарқ мамлакатларида фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлар.**

**Режа:**

1. Шарқ мамлакатларида фуқаролик жамияти ҳақидаги илк қарашлар. Ўрта асрларда фуқаролик жамияти ғояларининг ривожланиши.
2. Шарқ цивилизациясида Янги даврда фуқаролик жамияти парадигмасининг ўзига хослиги.

Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти куриш борасида амалга оширилаётган ислохотларининг чуқурлашиб бориши миллий меросимизни ўрганишга бўлган эҳтиёжларни янада кучайтирмоқда. Бунинг сабаби шундаки, биз қурмоқчи бўлган фуқаролик жамияти бошқа мамлакатлар тажрибасидан андоза сифатида кўр-кўрона кўчириб олинмай, балки, бир неча минг йиллик миллий мерос ва тарихий тажрибаларимиздан озиқланади. “Фуқаролик жамияти” тушунчасининг илдизлари Аристотел ва Цицерон сингари кўхна дунё файласуфларининг изланишларига бориб тақалади. Бу жамиятни Аристотел “политике коинония”, яъни “сиёсий бирлик - ҳамжамият”, деб атаган эди. Мазкур тушунчанинг латин тилидаги ифодаси “сосиетас сивилис” фуқаролик жамияти қабилада қабул қилинди. У полисни аниқлаш учун хизмат қилди, унинг замирида зоон политикон – “сиёсий мавжудот” сифатида инсон “телўси” (мақсад)нинг муқобили (синоними) сифатида ишлатилган. Зеро, қадим юнон ўлкасида оила, эътиқод, маърифат, маданият, санъат, умуман ҳаётнинг барча қирралари сиёсатлаштирилган эди. Унинг устига алоҳида олинган шахс ўзини жамиятдан айри ҳолда ҳис қила олмасди.<sup>34</sup>

Фуқаролик жамиятига доир илк қарашлар узоқ вақт яшаб келди. Шахс эркинлиги ғоясини тинмай тарғиб қилган Ж.Локк, И.Кант сингари файласуфлар ҳам “фуқаролик жамияти” деганда, аввало, “давлат”ни тушунишга мойил бўлдилар. Аммо бора-бора фуқаролик жамияти билан мутлақ давлат маҳкамалари (институтлари) ўртасидаги тавофут кўзга яққолроқ ташланаверди. Г.Гоббс, Ш.Л.Монтескье каби олимлар ҳимоя қилган индивидуализм концепцияси эса ку тартибига жамият фуқароси бўлган шахс эркинлиги масаласини қўйди.

Европада фуқаролик жамияти тўғрисидаги дастлабки ғоялар XVII аср ўрталарида Томас Гобсснинг “Табиий ва сиёсий қонуниар унсурлари”,

---

<sup>34</sup>Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезеси, шаклланиши ва ривожланиши. Т. : “Ўзбекистон” – 2010, 15 бет.

“Фуқаро ҳақида”, шунингдек, бошқа давлат ва ҳокимият ҳақидаги (“Левиафан”) асарларида ўз ифодасини топганидан кейин пайдо бўлди. Шу даврдан бошлаб фуқаролик жамияти долзарб ижтимоий-сиёсий тасаввур ва тушунча сифатида такомиллашиб бормоқда. Шубҳасиз, фуқаролик жамияти ва давлат муносабатларини жуда мукамал ишлаб чиққан мутафаккирлардан кўзга кўринарлиси Гегелдир. Унинг қарашича, фуқаролик жамияти қонун билан бошқариладиган шахслар, синфлар, гуруҳлар ва бошқа институтларнинг мажмуаси ҳисобланиб, бу мажмуа тўғридан – тўғри сиёсий давлат бошқарувиغا боғлиқ эмас. Шунингдек, Гегел бу ҳақда қуйидагича фикрни билдиради: “Фуқаролик жамиятининг табиати шундайки, унда ҳар бир алоҳида инсоннинг ҳуқуқи давлатнинг шахсий ҳуқуқига айланишга улгурган бўлиб, унда давлат ўзининг зиммасига менинг ҳуқуқларимни худди ўзининг ҳуқуқларидек ҳимоя қилиш ва қарор топтириш мажбуриятини олади”.<sup>35</sup>

### **Фуқаролик жамият асосларини шакллантиришнинг асосий**

#### **йўналишлари**

- Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятни кучайтириш орқали кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш жараёнини ривожлантириш;
- Давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаб боришга эришиш;
- Давлатнинг иқтисодий ривожланиши борасидаги устивор йўналишларини аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва хусусий нормаларни сўзсиз бажарилишини таъминлаш хўжалик субъектлари ўртасида рақобат муҳитини яратиш;
- Қонунлар ижросини таъминлаш, жорий ҳужжатларни жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, “адолат қонун устиворлигида” тамойилини ҳақиқатга айлантириш;

---

<sup>35</sup>Ўша жойда, 33 бет.

- Давлатнинг назоратчилик функциясини чеклаш ва айти пайтда давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратни таъминлашга эътиборни кучайтириш;
- Бошқарув тизими ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришни чуқурлаштириш мақсадида марказий ва юқори бошқарув идоралари вазибаларини давлат ҳокимиятининг қўйи тизимларига ўтказиб бориш;
- Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий воситаси бўлган маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотлар фаоллигини изчил ривожлантириб бориш.

Фуқаролик жамияти шундай жамиятки, унда аҳолининг бирон-бир гуруҳи бошқа бир гуруҳни ўзига бўйсундира олмайди, шунингдек, эркаклар билан аёлларни бир-бири билан боғлаб турувчи кўплаб ижтимоий, фуқаровий, диний, иқтисодий, маданий алоқа ва муносабатлар янада ривожланади. Бу ғоя XX асрнинг 80-йилларида авж олган демократиялаштириш жараёнлари натижасида алоҳида мазмун касб этади ва у тоталитар давлатларга қарама-қарши бўлган ижтимоий андаза сифатида талқин қилина бошланди. Машҳур сиёсатшунос олим Флипп Шмиттер фуқаролик жамиятининг қуйидаги муҳим сифатларини ажратиб кўрсатган эди: шахснинг аҳолининг алоҳида гуруҳлари ва давлатдан мустақиллиги; ташкилий яхлитлик; давлат томонидан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларга асосланган корпоративлик; либераллашиш билан боғлиқ жараён ёки ҳодиса: автократиянинг деспотик куч сифатида (демократик натижалар асосида) хавфлашуви.

Ғарбда XVI-XVII асрларда, дунёнинг бошқа мамлакатларида эса фуқаролик жамияти генезиси XIX-XX асрларда юзага келган деган қарашлар мавжуд.

Тарихий нуқтаи-назардан ёндашадиган бўлсак, фуқаролик жамиятининг моҳияти ва шаклланишига мос келувчи кўплаб ғоялар бизда ҳам қадимги даврлардан мавжуд бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Фикримизнинг исботи учун минг йилликлар мобайнида мамлакатимизда

жамият ва давлатни бошқаришнинг ҳам ғоявий, ҳам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилган Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”га ва Ислом дининг муқаддас китоблари “Қуръони Карим” ва “Ҳадиси Шариф”га муурожаат қилсак.

### Кичик гуруҳларда ишлаш қоидаси

Талабалар ишини бажариш учун зарур билим ва масалаларга эга бўлмоғи лозим.

Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.

Кичик гуруҳ олдида қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақтажратилади.

Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйиққа учрамаслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.

Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.

Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

**1-гуруҳ.** Фуқаролик жамиятининг тарихий илдизлари ҳақида «Авесто» (э.о. VII-VI), Беруний, Хоразмий, «Сиёсатнома» (XI аср) «Қобуснома», «Хидоя», «Қутадғу билиг», манбалардан фойдаланиб ўз фикрингизни асосланг.

**2-гуруҳ.** Фуқаролик жамиятининг тарихий илдизлари ҳақида “Темур тузуклари”, «Шайбонийнома», «Хоразм шажараси», А. Навоий асарлари, М.Улуғбек, «Тўрт улус тарихи»дан ва ҳ.к. манбалардан фойдаланиб ўз фикрингизни асосланг.

### Мустақил ишлаш учун топшириқлар

**1. Мамлакат бошқарувида тўрт қоидага амал қилиш керак: машварат, муҳокама, қатъий қарор, тадбиркорлик, огоҳлик ва эҳтиёткорликка**



**деган фикрни қайси аллома илгари сурган?**

- A. Амир Темур
- B. Абу Али ибн Сино
- C. Абу Райхон Беруний
- D. Абу Наср Фаробий

**2. Ҳукумат бошлиғининг асосий вазифаси этиб аҳолининг турли қатламлари, кучлилар ва кучсизлар ўртасида сиёсий ва ҳуқуқий адолат мезонини ўрнатиш деб ким таъкидлайди?**

- A. Амир Темур
- B. Абу Али ибн Сино
- C. Абу Райхон Беруний
- D. Абу Наср Фаробий

**3. Қайси даврдан бошлаб фуқаролик жамияти ғояси демократия ривожланиши билан чамбарчас боғланиб келмоқда?**

- A. антик даврда
- B. ўрта асрларда
- C. янги даврда
- D. XX аср бошларида

**4. Янги даврда Европадаги фуқаролик жамияти концепцияси шаклланиш неча анъанаридан иборат?**

- A. икки
- B. уч
- C. тўрт
- D. беш

**5. Давлат – фуқаролик жамият дихотомияси кузатиловчи концепциялар қайси даврда шаклланган?**

- A. антик даврда
- B. ўрта асрларда
- C. янги даврда
- D. XX аср бошларида

**6. Охирги вақтларда пайдо бўлаётган, жамиятнинг, эркин ихтиёрий ассоциациялари, шунингдек, ҳуқуқий ва оммавий институтлари доирасида амалга оширилувчи жамоавийликнинг номумтоз шакллари, нафақат давлат доирасидан, балки капиталистик бозор иқтисодиёти чегарасидан ҳам чиқиб кетмоқда деган фикрни қайси замонавий ёндошув илгари сурмоқда?**

- A. либерал анъана концепцияси
- B. американча коммунитариз концепцияси
- C. европача неоконсерватизми концепцияси
- D. пост-марксистча концепция

**7. Фуқаролик жамияти фақат мустақил мамлакат доирасида амалга ошириши, ҳақидаги хулосасини илгари сурган ғоявий оқим – бу ...**

- A. жаддидчилик
- B. марксизм
- C. консерватизм
- D. либерализм

**8. Фуқаролик жамияти замонавий концептуал дискурсининг норматив ёндошуви вакиллари аниқланг.**

- A. Алексис де Токвиль
- B. Эндрю Арато
- C. Карл Маркс
- D. Николо Макиавелли

**9. Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияларининг қайси ёндошуви фуқаролик жамияти аъанавий жамият урнини эгаллаган ёки замонавий жамиятга хос бўлган белгиларни шакллантирадиган жамияти сифатида тушунилади?**

- A. формацион
- B. цивилизацион
- C. модернизация
- D. тараққиёт

**10. Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияларининг қайси ёндошуви фуқаролик жамияти капиталистик тизимга боғланади ва кенг ва тормаъноларда тушунилади?**

- A. формацион
- B. цивилизацион
- C. модернизация
- D. тараққиёт

**3-машғулот. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожлантириш стратегияси.**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасида янги ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишнинг концептуал заминларининг асослаб берилиши.
2. Ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт моделлари.

**ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИ** (франц. *modele* — ўлчов, намуна) — мамлакат иқтисодиётини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг стратегияси, мақсадлари, умумий тамойиллари ифодаланган назарий қарашлар мажмуи. Иқтисодий тараққиёт модели тушунчаси 20-асрнинг 50-йилларида пайдо бўлди. Бу даврга келиб кўпчилик собиқ мустамлака мамлакатлар ўз мустақиллигига эришиб, миллий давлат қуриш йўлига ўтган эдилар. Бу вақтда асосий 3 йirik тараққиёт йўли бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлар бор эди [(капиталистик, со-циалистик ва социалистик йўналиш (ориентация)]. 20-аср охирларига келиб бирон-бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини қатъий қабул қилинган қоидалар доираси билан чеклаб туриш мумкин эмаслиги, тараққиёт йўллари (моделлар) анча кенг кўлам ва мақ-садга эгаллиги, улардан бирини танлашда ҳар бир мамлакат ўз ички шартшароитларидан келиб чиқмоғи зарурлиги маълум бўлди. Иқтисодиёт назариясида айрим олимлар Иқтисодий тараққиёт моделини давлат тузуми деса, бошқалар ижтимоийиқтисодий формация, учинчилари

эса ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аниқ белгиланган йўли деб ҳисоблайди. Иқтисодий тараққиёт модели иқтисодий муносабатларнинг кенг миқёсли тизими, ҳуқуқий, маъ-мурий ҳамда хўжалик механизмлари орқали бошқарилади. Бундай муносабатларнинг субъекти мулк эгалари, хўжалик фаолияти иштирокчилари, уюшмалар, давлат ва хусусий сектор, мамлакат доирасидаги минтақа ва тармоқлар ҳисобланади. Албатта, Иқтисодий тараққиёт моделига ахлоқ ва дунёқараш, менталитет, турмуш тарзи, маданият каби ижтимоий меъёрлар ўз таъсирини маълум даражада ўтказди.

**Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий цивилизациясига назар ташлайдиган бўлсак, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичи муаммоларсиз, иқтисодий тебранишларсиз юз бермаган. Шу маънода хориж мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва минтақамиз қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда илғор тажрибалардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.**

«Bloomberg» нашриёти томонидан ҳар йиллик тадқиқотлар натижалари акс эттириладиган «Глобал инновацион индекси» рейтингида олти категория бўйича мамлакатлар рейтинги аниқланган эди. Ушбу рейтингда илмий-тадқиқот фаолияти, ишлаб чиқариш, олий таълим, илмий кадрлар, юқори технологик компаниялар ҳамда ишлаб чиқариш ва патентлар бўйича мавжуд кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилган (жадвал).

Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти – бу интеллектуал салоҳият, ишчи ва хизматчиларнинг креатив имкониятлари, билими, товар яратишдан тортиб, у истеъмолчига етиб боргунига қадар барча босқичлар демакдир. Ушбу йўналишлардаги инновациялар корхона стратегик ривожланишининг асосий ресурси вазифасини ўтайди. Зеро, бугунги шароитда инновацион, интеллектуал билимларга асосланган, малакали ишчи кучини мужассам этган юқори фан сиғимига эга технологик иқтисодиёт рақобатбардошдир.

Хорижий мамлакатларда давлатнинг инновацион сиёсатини рағбатлантирувчи турли хил стратегиялар, ташкилий-иқтисодий тамойиллар

шаклланган ва бугун уларга амалга қилинмоқда.

Ҳозирги кунда илмий-тадқиқот ҳамда тажриба конструкторлик ишланмаларини молиялаштириш механизмлари, шунингдек, интеллектуал мулкчиликка ҳуқуқ шакллари қўллашга асосланган давлат сиёсатини юритиш кенг тарқалган<sup>1</sup>. Давлат томонидан фан ва ишлаб чиқаришдаги инновацияларни қўллаб-қувватлаш – қишлоқ хўжалигини бюджет томонидан молиялаштиришнинг энг самарали усулларида бири ҳисобланади. Ушбу соҳага киритилган инвестициялар истиқболли ва ўз-ўзини юқори даражада қоплаш имкониятига эга (70 фоизгача)дир.

Турли мамлакатлар ҳукумати илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни молиялаштириш учун катта ҳажмда инвестиция сарфламоқда. Масалан, Европа Иттифоқи давлатлари илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари учун ўртача ЯИМга нисбатан 1,97%, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига кирувчи мамлакатлар – ЯИМнинг 2,4%ини йўналтиради. Бу борада лидер мамлакатлар – Финляндия, Исроил, Корея бўлиб, мос равишда инновацияларга сарфланган харажатлар ўртача ЯИМга нисбатан 3,55%, 4,2% ва 4,36%ни ташкил этади.

АҚШда аграр соҳадаги фан ва инновацияларни ривожлантириш мақсадида давлат катта сармоя сарфлайди: бу кўрсаткич йилига қарийб 1 млрд.АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу маблағлар федерал бюджет (ярмидан ками) ва штат маблағлари (қолган қисми) ҳисобидан молиялаштирилади. Қонунга асосан, федерал маблағлар штатларга давлат томонидан ажратилган маблағдан кам бўлмаган ҳажмда, штат маблағидан пул ажратилган тақдирдагина ажратилади. Айрим штатларда фан-техника ва инновацияларга ажратилган жами маблағнинг 60% ини ҳудудий маблағлар ташкил этади. Қисман давлат томонидан назорат қилинса-да, маблағларни қай бир соҳага йўналтиришни штатларнинг ўзи белгилайди.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда аграр соҳадаги илмий-амалий тадқиқот ишланмалари давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилмайди. Аксинча, ишлаб чиқарувчиларнинг илмий-амалий тадқиқот ишланмаларини

молиялаштириш орқали уларни жалб этишга эътибор қаратилади. Агар фермерлар уюшмаси илмий ишланма харажатларининг энг камида  $\frac{1}{4}$  қисмини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирган ва уни амалга ошириш учун давлат грантини қўлга киритган бўлса, олинган натижаларнинг тўла ҳуқуқли мулкдори бўлади. Шу билан бирга олинган натижаларга илмий жамоа билан биргаликда ҳам эгалик қилиш мумкин. Албатта, бунда жамоа тадқиқотга улуш қўшган бўлиши лозим (масалан, интеллектуал мулк шаклида). Давлат эса илмий ёки бошқа амалий ишланмаларга грант ажратар экан, мулкдор сифатида даъвогарлик қилмайди. Муҳими, барча ривожланган мамлакатларда аграр соҳадаги илмий-амалий тадқиқот ишланмаларини молиялаштириш масаласини ҳал қилиш баробарида уни ишлаб чиқаришга кенг жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Даниядаги фермерлар уюшмаси қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришда фаол иштирок этади. Улар шу мақсадда ўз жамғармалари ҳисобидан амалий тадқиқотларни қисман молиялаштирадилар. Фермерлар вакили мамлакатнинг илмий-тадқиқот муассасалари фаолият стратегиясини танлаш ва давлат грантлари бўйича қарор қабул қилишда қатнашади. Уюшма, шунингдек, қишлоқ хўжалиги бўйича консултантив хизмат кўрсатувчи жаҳондаги энг ривожланган муассасалардан бирининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Канада ва АҚШда давлат маҳаллий ҳукумат билан ҳамкорликда ҳар бир штатдаги олий таълим муассасаларида фан, таълим ва экстеншн-сервис ривожини таъминлайди, яъни молиялаштиради. Олий таълим масканининг васийлик кенгаши сифатида фермерлар уюшмаси экстеншн-сервис фаолиятига таъсир ўтказиб боради. Шу билан олинган инновациялар амалиётга жорий этилиши ва битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига асосий эътибор қаратилади. Бундан ташқари, фан-техника ютуқлари ҳамда инновацияларни амалиётга жорий этувчи ва фермерларнинг билими, малакасини ошириш билан шуғулланувчи экстеншн-сервис кооператив тизимига кирувчи кўплаб қишлоқ-маслаҳат марказлари васийлик

кенгашларига ҳам эга. Йилига 1 млрд. АҚШ долларидан ортиқ маблағ экстеншн-сервис фаолиятига сарфланади ва у тахминан қуйидаги тартибда молиялаштирилади: 18% – федерал бюджетдан, 66% – штат бюджети ва 16% – маҳаллий бюджет маблағлари. Бундан ташқари, штат бюджетидан маблағлар шунчаки экстеншн хизматларга эмас, балки фермерлар ва уларнинг оилалари таълим олишини қўллаб-қувватловчи аниқ дастурларни молиялаштиришга сарфланади. Ҳозирги кунда «Экстеншн сервис» марказлари нафақат АҚШ, балки Польша, Буюк Британия, Франция ва Голландияда ҳам ривожланган. Россияда эса ушбу марказ 1990 йиллардан эътиборан, тажриба сифатида қўлланмоқда.

Америкаликлар ўз инновацион базасини шакллантириш учун 20 йилдан зиёд вақт сарфлаган. Инновацион ривожланишга тўсиқ бўлувчи барча омил қатъиян йўқ қилинар эди. XXI аср бошида мамлакат Нобель мукофоти лауреатлари орасида сўровнома ўтказди: АҚШда XX асрда илм-фан бўйича эришилган юксак натижа айнан нима? Жавоб эса қуйидагича бўлди: «Миллий инновацион тизим шаклланиши Американинг технологик лидерлигини таъминлаб берди».

Евроиттифоқ мамлакатларида фан ва технологиялар инфратузилмасида инновацион марказлар (ИМ) муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина мамлакатларда инновацион марказлар илмий-техник соҳа ва бозор ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашга хизмат қилади. Мазкур марказлар илмий-техник фаолиятни молиялаштириш учун янги имкониятларни шакллантириш мақсадида XX асрнинг 80-йилларида ташкил этилган.

Инновацион марказлар олинган илмий натижаларни тарғиб қилиш ва кенг жорий этишни таъминлайдиган энг муҳим ва энг муваффақиятли инструментлардан биридир. Инновацион марказларнинг ташкилий ва молиявий тузилиши қуйидаги суратда акс этирилган (1-расм):

Буюк Британияда бошқа Ғарбий Европа мамлакатларидан истисно тариқасида инновацион фаолият тўлиқ хусусий манбалар ҳисобидан

молиялаштирилади. Шунинг учун мазкур марказлар, асосан, трансфер технологиялар (билимларни сотиш, алмаштириш жараёни)га эътибор қаратади. Уларга аъзо бўлиб, бадалларни тўлагач, компаниялар ушбу марказлар эришган натижалардан баҳраманд бўлиши мумкин.

Европа Иттифоқидаги инновацион сиёсатнинг асосий йўналишлари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиявий манбалар билан таъминлаш ҳамда рағбатлантириш характериға эға бўлиб, қуйидагилардан иборат:

ягона антимонопол қонуниятни ишлаб чиқиш;

жиҳозларға тезкор амортизация тизимини қўллаш;

илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига имтиёзли солиқларни қўллаш;

тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасида инновацион фаолиятни рағбатлантириш;

янги технологиялар соҳасида инновацияларни рағбатлантириш учун ташкилотларни тўғридан-тўғри молиялаштириш;

ОТМ, ИТИ ва бошқа илмий муассасаларнинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорлигини рағбатлантириш.

Ривожланган мамлакатларда инфратузилма соҳасини инновацион ривожлантиришда янги технологик парк (технополис, инновацион марказлар, инкубатор ва бошқалар) тузилмаларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлашда худудий давлат органларининг роли каттадир. Штат ва бошқа давлат органлари, одатда, инфратузилмани молиялаштиради, ер участкаларини имтиёзли шартлар асосида тақдим этади ва лойиҳаларға субсидиялар ажратади (Германия, Швейцария, Австрия тажрибалари).

Технологик паркка ташкилий жиҳатдан бизнес-инкубаторлар яқин ҳисобланади. Бу соф тижорий тузилма бўлиб, асосан, давлат томонидан уни ривожлантириш учун субсидиялар ажратилади (АҚШ, Финляндия, Швеция ва бошқалар). Бизнес-инкубаторлар технопарклардан фарқли равишда фақатгина юқори технологияларға асосланмай (hi-tech), турли лойиҳаларни амалға ошириши ҳам мумкин. Технологик паркларнинг мижозлари, одатда,



тадбиркор бўлмайди. Яъни улар лойиҳани бажариб, амалиётга татбиқ этгач, яна илмий лабораторияга қайтишади. Бизнес-инкубаторлар эса, аксинча, айнан тадбиркорларни тайёрлайди.

Технопаркларни ривожлантиришнинг Европа тажрибасидан кўриш мумкинки, улар давлат томонидан молиялаштирилиши катта аҳамиятга эга. Марказий ва маҳаллий бюджетлардан инфратузилма тармоғини ривожлантириш ҳамда технопарклар қуришни молиялаштириш ривожланган хорижий мамлакатларда қуйидагича: Францияда – 74%, Германияда – 78%, Бельгияда – 100%, Нидерландияда – 70%, Буюк Британияда – 62%.

Шунингдек, ривожланган мамлакатлар кластер тизимлари орқали инновациялар жорий этишни кенг қўлламоқда. Маълумки, илгари илмга асосланиб кластерлар яратиш фақат индустриал мамлакатларга хос эди. Ҳозирги кунда эса бошқа ривожланаётган давлатларда, шу жумладан, аграр-индустриал мамлакатларда ҳам бу тизим мавжуд.

Жаҳон тажрибасида ҳудуд инновацион муҳитини такомиллаштиришнинг турли усуллари бор:

ҳудудда инновацион инфратузилма ривожланишини шакллантириш (технопарклар, бизнес-инкубаторлар, ҳудудий инновацион жамғармалар);

трансфер технологиялар тизимини ташкил этиш (инновацион фаолият натижаларини тарғиб қилиш ва уларни жорий этиш);

инновацион лойиҳаларни бевосита ва билвосита молиялаштириш;

инновацион сиёсатни амалга ошириш учун кластерли ёндашув.

Маълумки, ҳар бир тармоқ ривожини унинг учун яратилган шарт-шароитларга бевосита боғлиқдир. Жумладан, аграр соҳа тараққиёти ҳам айнан қишлоқ инфратузилмаси қай даражада ривожланганлиги билан характерланади. Инфратузилма тармоғи ривожига эса ўз навбатида, мамлакатнинг илм-фан тараққиёти таъсир этади.

Юртимизда инновацион фаолиятни тартибга солиш борасида қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Бу инновацияларнинг мамлакат иқтисодиётини модернизациялашдаги аҳамияти ва ўрни катта

эканлигидан далолатдир. Ўз навбатида, шуни ҳам қайд этиш жоизки, бу йўналишда ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий омиллари сифатида ушбу тизимда ўзаро ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиш, ҳуқуқ ва инновацион фаолият субъектларининг манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш тушунилади.

Республикада технополисларни ташкил этиш сиёсати ҳудудларнинг ички имкониятларидан фойдаланишга йўналтирилган бўлиши лозим. Қолаверса, улар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат ва унинг ҳудудлари алоҳида мустақил равишда ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга эътибор қаратилиши керак.

Инновацион ривожланиш йўлига ўтишдаги муаммолар:

иқтисодиётнинг жадал ўсишини таъминлаб берувчи инновацион-технологик иқтисодиётнинг универсал модели мавжуд эмас;

тараққиётнинг инновацион йўлига ўтишга шароит яратувчи омилларни аниқлаб олиш мураккаб жараён. Зеро, ушбу йўналишда фундаментал тадқиқотлар ва шаклланган назариялар жуда ҳам оз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 июлдаги Фармойишида 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устуворликлари Дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилган эди. Дастурнинг асосий вазифаси фан сиғими юқори инновацион технологияларни корхоналардаги анъанавий технологияларда ҳам, фан сиғими юқори ишлаб бўлган янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш йўли билан ҳам саноат тармоқларида замонавий илм-фан ютуқларини жорий этишдан иборатдир. «Фан сиғими юқори» кўрсаткичининг моҳияти шундаки, унда илм-фан ресурс сифатида қаралади ва техник-технологик янгиликлар манбаи ҳисобланади. Юқори технологиялар шундай технологияларки, бунда ишлаб чиқаришдаги фан сиғими 3,5 фоиздан кам бўлмаслиги талаб этилади (тадқиқот ва ишланмаларга кетадиган сарф-харажатларнинг ишлаб чиқариш натижаларига нисбати). Умуман, юқори технологияли тармоқларни

таснифлашнинг бир қатор тизимлари мавжуд. Уларнинг энг нуфузлилари сифатида АҚШдаги Фан миллий фонди ва БМТ классификацияси тан олинган бўлиб, улар фан сифими юқори илғор технологиялар бўйича таснифлашни амалга оширадilar.

#### **4-мавзу. Фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг асосий стратегик пировард мақсади.**

##### **Режа:**

1. Фуқаролик жамиятининг шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни.
2. Кўппартиявийлик - фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти.
3. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари яна шундан иборатки, давлат бошқарувидан фуқаролик бошқарувига ўтишда ҳокимият тузилмалари ўз функцияларининг бир қисмини ўз ташаббуси билан амалда халқ кўлига, фуқаролик жамияти институтларига ўтказиб бормоқда. Айниқса, ушбу жараён маҳаллий давлат ҳокимияти функцияларини фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишда яққол сезилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, “Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон

тараққиётининг муҳим шартидир”<sup>36</sup>.

Республикамиз таълим муассасаларида ҳуқуқий фанларни ўқитиш жараёнида инновациялар ва илғор хорижий тажрибаларни қўллаш бугунги куннинг долзарб масаларидан бири ҳисобланади. Аввало фандаги янгилик, инновация нима? Бугунги кунда амалиётда янгилик ва инновация сўзлари ўртасида фарқлар мавжуд. Янгилик бу фандаги энг сўнгги ютуқлар, билимлар, усуллар ҳисобланади. Ушбу ютуқлар, билимлар, усуллар амалда қўлланилиши билан инновацияга айланади.

“Фуқаролик жамияти” ўқув курсининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари” мавзусини ўқитишда бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда қуйидаги инновациялар ва таълим технологиялари қўлланилмоқда: кичик гуруҳларда ишлаш, ақлий ҳужум, ечимлар дарахти, ролли ўйинлар, матбуот анжумани, ўз позициясини эгаллаш, дискуссия, дебатлар ва ҳоказолар. Инновацион технологиялар талабаларнинг фаол ҳаётий муносабатларини шакллантиришга қаратилган. Инновацион таълим эса янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим. Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у новация (янгилик) деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у инновация (янгилик киритиш) деб аталади.

Бугунги кунда педагогларнинг инновацион фаолият кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар томонидан иннофацион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштира олишларида

<sup>36</sup> Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда.

уларнинг инновацион ёндашувга эга бўлишлари талаб этилади. Ўз моҳиятига кўра педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларининг ўзлаштирилиши уларда инновацион ёндашувни қарор топиши асосида кечади. Педагогларда инновацион ёндашувнинг қарор топиши ҳам мураккаб жараён бўлиб, у бир неча босқичда кечади.

Ҳозирги кунда инновацион педагогик фаолият ҳар қандай таълим муассаси ўқув фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу тасодиф эмас албатта. Айнан инновацион фаолият таълим хизматлари бозорида у ёки бу ўқув муассасининг рақобатбардошлиги учун асос бўла олади, педагогларнинг профессионал ўсиши, унинг ижодий изланишини белгилаб беради ҳамда таълим олувчиларнинг шахс сифатида ўсишига имкон беради. Шунинг учун ҳам инновацион фаолият педагогларнинг илмий-услубий ва таълим олувчиларнинг ўқув-тадқиқот фаолияти билан узвий боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инновация тизимнинг ўзида мавжуд бўлган ресурслар ҳисобига амалга оширилади ва анъанавий, умумэътироф этилган таълим усуллари ҳам инкор этмайди, уларни мазмунан бойитишга йўналтирилган бўлади. Шу маънода, ҳозирги кунда, юридик кадрларни тайёрлашда илғор педагогик услуб ва технологиялари (“case study” услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, “амалий ўйин”, интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш вазифалари белгиланган. Маълумки, амалий йўналтирилган, кўникма ва малакаларни мустаҳкамловчи услублар ўз хусусиятларига кўра инновацион ҳисобланади. Юридик фанларни ўқитишда, қуйидаги инновацион методларни қўллаш мумкин: портфолио услуби; case-study (аниқ вазият услуби, вазиятли таҳлил услуби); информацион (компьютер, тармоқли, мультимедиа, масофавий) технологиялар; лойиҳалар услуби; креатив технологиялар; амалий ўйинли технологиялар: роль ижро этиш; тренинглар; пресс-конференциялар

шаклидаги маърузалар ва бошқалар.

Бугунги кунда юридик таълим тизимида амалга оширилган туб ислохотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрлар тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши ва унда “кейс-стади” асосида дарс машғулотлари ўтишга алоҳида эътибор қаратилиши фикримизнинг далилидир.

Шу боис масалалар (“кейс-стади”) асосида дарс ўтиш фанни талабалар томонидан ўзлаштиришда, уларни аниқ муаммоли вазиятни ечиш кўникмаларини шакллантиришларида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, масалаларни таҳлил қилиш йўли билан дарс ўтиш талабаларнинг мустақил фикрлашлари, низоли тарафларнинг важлари, раддиялари, эътирозлари ва талабларини қонун нормаларидан келиб чиқиб баҳолашлари ҳамда тегишли масалалар юзасидан қарор қабул қила олиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Шу сабабли ҳам масалалар анънавий кўринишда, одатдаги қолипларга солинган қарорлар кўринишида эмас, турли ҳуқуқий низолар, муаммоли вазиятлар ҳамда ҳуқуқий хатоликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш тарзида тузилиши зарур. Бунда талабалари муайян вазиятларга стандарт усулда эмас, балки турли хилдаги позициялардан келиб чиқиб ёндашиш, қонун талабларни ҳар томонлама талқин этиш орқали энг тўғри мақбул ҳуқуқий тартибга солиш усулини қўллаш каби услубларни эгаллаши мумкин.

Маълумки, кейинги пайтларда тайёрланаётган мутахассисларнинг аксариятида кузатилаётган камчилик бу “таҳлилий фикрлаш”нинг етишмаслиги сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса юридик кадрларни тайёрлаш борасидаги энг муҳим масалалардан бири саналади. Мазкур масалада эса дарсларни “кейс-стади” асосида ўтиш ҳуқуқ фанларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Кейс-стади амалий вазиятларни таҳлил этиш ва ҳал қилиш асосида ўқитиш усули сифатида хорижий таълимда аввал бошда ҳуқуқ соҳасида

қўлланила бошлади: у илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуги кенг татбиқ этила бошлади.

Таъкидлаш лозимки, **кейс-стади** (инглизча case – тўплам, аниқ вазият, stadi – таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир<sup>37</sup>. “Кейс-стади” асосида дарс ўтишда талаба ўқитувчининг бевосита иштироки ва раҳбарлигида муайян масала, ҳуқуқий низо, муаммоли ҳуқуқий вазиятни қонун нормалари асосида ечишга, унинг тўғри ва асосли жавобини топишга ҳаракат қилади.

Бу жараёнда ўқитувчи бевосита талабаларни масалани ечишга тўғри йўлдан боришлари ва тегишли нормани қўллаш олишларига йўналтириб туради ва талабаларнинг иш бўйича якуний, асослантирилган хулосага келишларини таъминлайди. Дарс ўтишнинг бундай усули замонавий ҳуқуқий таълимдаги энг самарали усуллардан бири бўлиб, бу орқали талабаларни қонун нормаларини амалиётга тўғри қўллаш олиш, ностандарт вазиятларда қонун талабларини ўринли татбиқ этиш кўникмаларини шакллантиришга ва яқунда малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Масалаларни ҳал этишда талаба бир қатор муҳим бўлган ҳолатлар ва қоидаларни эсда тутиши ва масалани ҳал этишнинг усулларини ўзлаштириб олиши зарур. Булар қуйидагилардир:

Биринчидан, масалани таҳлил этиш, уни ечишга киришиш ва тегишли вазиятга нисбатан қонун нормаларини қўллашни бошлашдан олдин талаба масалани диққат билан ўқиб чиқиши лозим. Бунда талаба масаладаги низо

<sup>37</sup> Абдукадиров А.А., Астанова Ф.А., Абдукадирова Ф.А. “Case-study” услуги: назария, амалиёт ва тажриба. – Тошкент: Тафаккур қаноти, 2012. –Б. 4-5.



нимадан келиб чиққанлигини, гап қайси ҳуқуқий муносабат юзасидан бораётганлигини аниқлаши лозим. Гап шундаки, талабаларга тарқатилган масалаларни ҳал этишда айрим талабалар низоли ҳуқуқий муносабат айнан қайси турга мансублигини нотўғри аниқлашлари оқибати уни ечишни мутлақо нотўғри йўлдан борганлигини кузатиш мумкин. Ҳал этилиши ва таҳлил этилиши талаб этилаётган муносабатларни аниқлаб олишгина тақдим этилаётган кейс нисбатан ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш энг асосий ва дастлабки шарти бўлиб, шу орқали тўғри ечимга келиш мумкин.

Иккинчидан, масалани диққат билан ўқиб чиққан унинг ечимини топишга, масалани асослантириши, таҳлил этиши лозим.

Учинчидан, талаба масалани ечишнинг сўнгги босқичига киришади, яъни иш бўйича қонуний ва асослантирилган хулосани шакллантиради. Бунда талаба ўзининг назарий билимларига таянган ҳолда қонун талабларидан келиб чиқиб, масала бўйича қайси тараф ҳақ эканлиги, қайси қонун нормасига кўра унинг талаблари тўғри ёки нотўғри эканлиги, тегишли талабни қондириш ёки уни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида хулосасини билдиради.

“Кейс-стади” усулида дарс ўтиш талабаларнинг мустақил фикрлар ва таҳлил қилиш қобилиятларини ривожлантиради ва малакали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қуйидаги жадвалда хорижий мамлакатларда қўлланиладиган кейсларнинг гуруҳи тақдим этилмоқда.

1.	Асосий манбалари	1. Табиий шароитдаги 2. Кабинетдаги 3. Илмий-тадқиқотчилик
2.	Сюжет мавжудлиги	1. Сюжетли 2. Сюжетсиз
3.	Вазият баёнининг вақтдаги изчиллиги	1. Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс 2. Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира 3. Прогностик кейс
4.	Кейс объекти	1. Шахсий 2. Ташкилий-институционал

		3. Кўп субъектли
5.	Материални тақдим этиш усули	1. Ҳикоя 2. Эссе 3. Таҳлилий ёзишма 4. Журналист тергови 5. Ҳисобот 6. Очерк 7. Фактлар мажмуи 8. Статистик материаллар мажмуи 9. Хужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи
6.	Ҳажми	1. Қисқа (лўнда) 2. Ўртача миқдордаги 3. Катта (узун)
7.	Тузилмавий ўзига хос хусусиятлари	1. Тузилмаланган 2. Тузилмаланмаган
8.	Ўқув топшириғини тақдим этиш усули	1. Саволли 2. Кейс-топшириқ
9.	Дидактик мақсадлари	1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш 2. Тренингли, ўқув мавзуи/предмети бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган 3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи 4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи 5. Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услублари ва шу кабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи
10.	Расмийлаштириш усули	1. Босма 2. Электрон 3. Видео-кейс 4. Аудио-кейс 5. Мультимедиа-кейс

Айтиш жоизки, инновацион методлар талабаларнинг ижодкорлиги ва мустақиллигини такомиллаштириш йўли билан кадрлар тайёрлаш сифатини

оширишга йўналтирилган. Ҳозирги вақтга келиб, юқорида келтирилган методлар юридик фанларни ўқитишда профессор-ўқитувчилар томонидан қўлланилиб келинмоқда. Аммо, ушбу усуллар орасида, портфолио методи юридик фанларни ўқитишда янги, хали етарлича ўрганилмаган метод ҳисобланади.

**Портфолио методи** – талабанинг ўқув ва мустақил фаолияти натижасини баҳолашни ўз ичига олган замонавий таълим технологиясидир. Портфолио – бу семестр ёки ўқув йили давридаги талаба мустақил ишларининг тўплами бўлиб, талаба ҳақидаги маълумотни, унинг лойиҳалари, уй вазифалари, назорат ишлар ва тестлар натижалари ҳамда талабанинг ўзига берган баҳосини ўз ичига олиши мумкин<sup>38</sup>.

Айтиш жоизки, фанларни ўқитишда портфолио усулидан нафақат талабанинг ўқув ва мустақил фаолияти натижасини баҳолаш методи сифатида, балки таълим олиш ёки назорат усули сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Юридик таълим йўналишида портфолио усули таълимга оид ва профессионал амалий-самарали фаолият турлари бўйича қўлланилиши мумкин. Шунингдек, портфолио усулининг қуйидаги турларидан фойдаланса бўлади: эришилган ютуқлар портфолиоси; шахсий ўсиш портфолиоси; тақдимот портфолиоси; талабанинг касбий кўтарилиш портфолиоси; кўшимча мутахассислик портфолиоси; ўқув жараёни натижаларини баҳолаш портфолиоси (бакалаврият ва магистратура). Бундан ташқари, таълим босқичларига кўра, портфолионинг модуль, семестр, курс иши ва лойиҳа учун портфолио каби турларини ҳам татбиқ қилса бўлади. Портфолионинг тузилишига қараб, электрон ва қоғоз вариантларидан ёш ҳуқуқшуносларда гуруҳда ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида биргаликда яратилган коллектив портфолиолар юридик фанларни ўқитиш тизимида ўзининг ижобий самарасини бериши табиийдир.

<sup>38</sup> Алиева К. Юридик фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларни жорий этиш масалалари (портфолио усули мисолида) // Республикада юқори малакали юридик кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. –Т.: ТДЮУ, 2015.–Б.189-190.

Портфолио усулини қўллашнинг ўзига хослиги шундаки, бу усул талабалар ва профессор – ўқитувчилар, илмий раҳбарлар, курс раҳбарлари, шунингдек, бўлажак иш берувчилар ўртасида узвий ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади. Шубҳасиз, юридик таълим тизимида портфолио усулининг қўлланилиши, талабаларни амалиётга тайёрлайди. Мисол тариқасида талабанинг ишга жойлашишида (талабанинг касбий кўтарилиш портфолиоси, ўқув жараёни натижаларини баҳолаш портфолиоси) ёки аттестация (профессионал муваффақиятлар портфолиоси) каби портфолиолари қўл келиши мумкин.

Замонавий жамият ва бугунги таълим тизимида инновацион компетентли педагоглар зарур. Нега деганда, инновацион тафаккурли ва креатив педагоглар таълим жараёнини янги мазмун билан бойитиб, уни юқори сифат босқичига кўтарилишининг муҳим омили ҳам бўлиб хизмат қилади. Инновацион фаолиятнинг мақсади, таълим сифатини оширишдир. Мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини ишлаб чиқарадиган социал институт бўлган таълим соҳаси тараққиётдан доимо олдинда юривчи хусусиятга эга бўлиши, жамият, конкрет шахс ва потенциал иш берувчи манфаатларига жавоб бериши даркор. Юқорида зикр этилганидек, инновацион иқтисодиётга инновацион фикрлайдиган юридик кадрлар зарур. Бундай кадрларни эса инновацион компетентли педагоглар тарбиялайди. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёти ва стратегик салоҳияти айнан инновацион педагогларнинг касбий маҳорати, профессионаллиги ва юридик фанларни ўқитишда замонавий инновацион методларни қўллаш билан белгиланади.

Шу ўринда таълимнинг инновацион характерга эга ушбу шакллари тўғрисида сўз юритилади.

**I. Тренинг** – (инглиз тилидан training-train –ўқитмоқ, тарбияламоқ) интерфаол машғулотларни амалга оширишнинг асосий шакли бўлиб, у ўрганилиши лозим бўлган назарий ғоя ва фикрларни амалий иш, машқлар давомида ўзлаштириш, мулоқот алмашиш имконини берувчи ташкилий

тадбир ҳисобланади. Давлат-ҳуқуқ фанларнинг ўқитилиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида, педагогик технологияларни замонавий ахборот технологиялар имкониятлари асосида уч турдаги ўқув машғулотларига, яъни маъруза, семинар ва амалий машғулотларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ҳолда қўллаш тавсия этилади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари мавзусини ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган баъзи бир тренинглар (технологияларга)га тавсифнома бериб, баъзиларини ўтказиш тартиби тўғрисида методик тавсифнома келтириб ўтамыз:

1) “интервью” техникаси – талабаларга савол бериш, эшита олиш, тўғри жавоб бериш, саволни тўғри тузишни ўргатишга қаратилган;

2) кластер методи – ўқувчи-талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган;

3) “3x4” методи – ўқувчи-талабаларнинг эркин фикрлаши, кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида яқка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши, таъриф бера олишига қаратилган;

4) “блиц-ўйин” методи – ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган;

5) “иерархия” техникаси – оддийдан мураккабга, мураккабдан оддийга ўтиш усулларини қўллаш орқали уларни мантиқий, танқидий, ижодий фикрлашга ўргатишга қаратилган;

6) “талаба” тренинги – талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўсиқни йўл билиш, ҳамкорликда ишлаш йўллари ўргатишга қаратилган;

7) “мулоқот” техникаси – ўқитувчиларни аудитория диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил

этишни ўргатишга қаратилган;

8) “бошқарув” техникаси – ўқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги усуллари ҳамда ўқувчи-талабаларни иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништирувчи ва шунга ўргатишга қаратилган.

Қуйида уларнинг айримларига изоҳ келтириб ўтамиз: Хусусан, **Кластер методи.**

Бу усулнинг маъноси – фикрларнинг тармоқланиши. “Кластер” технологияси – педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчи-талабаларни бирон бир мавзунини чуқур ўрганишларига ёрдам беради. Ўқувчи-талабаларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрнинг эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул бирон мавзунини чуқур ўрганишдан аввал ўқувчи-талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилади. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, умумлаштириш ҳамда ўқувчи-талабаларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

Самарали “ақлий хужум” методидан фойдаланиш қуйидагиларни тақозо этади: қатнашчилар бемалол ўтирадиган қилиб жойлаштирилади; ғояларни ёзиш учун доска, маркер ёки варақлар тайёрлаб қўйилади; муаммо аниқланади; иш қоидалари белгиланади; фикрларга тўлиқ эркинлик берилади; миқдорга интилиш; ўқиш, қайта ўзгартириш ва бошқалар; ғоялар ҳақида сўраш ва айтилиши билан ёзиб олиш; қоғоз варақлари тўлганда, уларни деворларга осиб қўйиш; ўзидан қўшиб янги ғояларни рағбатлантириш; ишни давом эттириш ва ўзгалар ғоясига аралашмаслик<sup>39</sup>.

**“Ассесмент” методи.**

Мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли

<sup>39</sup> Ноздрева Р.Б. Международный маркетинг: Учебник. – М.: Экономист, 2015. – С. 900.


вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптом (белги)ларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади. Методни амалга ошириш тартиби: “Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин. Намуна: “Фуқаролик жамиятини ва унинг таркибий институтлари” мавзусидан ассесмент. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб шартли 0-1 балгача баҳоланиши мумкин.

<b>ТЕСТ</b> 0-1 бал	<b>МУАММОЛИ</b> <b>ВАЗИЯТ</b>  0 ёки 1 бал	<b>ТАЪРИФ БЕРИНГ</b>  0 ёки 1 бал
<b>СИМПТОМ</b> (белгиларини кўрсатинг)  0 ёки 1 бал	<b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b>  0 ёки 1 бал	

### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

**Кичик гуруҳларда ишлаш** – таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган маърузадаги ижодий иш. Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, машғулотда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни кадрлаш имконига эга бўлади. “Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



Мазкур қайд этилган технологияларни маъруза ва семинар машғулотларни ўтказишда самарали фойдаланиш лозим. Хусусан:

**Венн** диаграммаси (инглиз файласуфи Джон Венна номи билан аталган).

Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали фойдаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг



ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадilar;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадilar ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Жамият ва фуқаролик жамиятини ўртасидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларни **Венн** диаграммаси орқали кўрсатиб беринг.

Хулоса қилиб айтганда, “Фуқаролик жамияти” ўқув курсининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари” мавзуси бўйича маъруза ва семинар машғулотларини замонавий педагогик технологиялар ва таълим методларидан фойдаланиб ўтиш талабаларда машғулотга бўлган қизиқиш ва интилишни янада фаоллаштиради ҳамда ушбу дарсни яхши ўзлаштиришга имконият яратади.

**5-мавзу. Кўппартиявийлик - фуқаролик жамият барпо этишнинг муҳим шарти.**

**Режа:**

1. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда демократик институтларнинг тутган ўрни.
2. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Сенат, Қонунчилик палатаси, халқ депутатларикенгашларидаги фаолиятини такомиллаштириш.

**Мавзу юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар**  
**Педагогик аннотацияси**

**Ўқув предмети:** Фуқаролик жамияти.

**Мавзу:** Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари

**Кейснинг асосий мақсади:** Талабалар фуқаролик жамияти тушунчаси, белгилари, тузилиши ва унинг институтларини турли асосларга кўра таснифлаш кабиларни баён қилиб бериш, *кейснинг асосий мақсадидир.*

*Кейсни (муаммоли масалани) таҳлил этиши учун зарур ёрдамчи ахборотлар:*

Муаммоли масалани ҳал қилиш бўйича талабаларни кичик гуруҳларда бажарадиган ишлари бу – ечимнинг таклиф этилган вариантларини муҳокама қиладилар ва баҳолайдилар; вазият учун энг мақбул вариантни танлайди; муаммоли вазият ечимига олиб келадиган ҳаракатлар йўлини амалга оширишнинг аниқ дастурини ишлаб чиқадилар; такдимотга тайёрланадилар.

Муаммоли масалани ҳал қилиш бўйича индивидуал (аудиториядан ташқари) ишда талаба бажарадиган ишлари бу – кейс материаллари билан танишади; берилган амалий вазиятни таҳлил қилади; ажратилган муаммони ҳал этиш усуллари ва воситаларини белгилайди ва асослайди; таклиф этиладиган қарорни амалга ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади.

*Талабага услубий кўрсатмалар*

Кейс (муаммоли масала) услубий паспортининг мазкур компоненти кўйидагиларни ўз ичига олади:

муаммо ва кичик муаммолар ифодаси (агар кейс муаммони излаш ва ҳал этишга ўргатадиган кейслар тоифасига кирмайдиган бўлса);

муаммо ечими алгоритми (ушбу элементнинг бўлишини ўқитувчи – кейсолог белгилайди);

муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш варағи ёки муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишга доир йўриқнома;

кейс билан индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари;

ўқув-услубий материаллар: ҳисоб-китоблар қоидалари ва формулалари, услублар ва русумлар баёни ва бошқалар (кейсологнинг фикрига қараб).

**Ушбу муаммоли масалани муваффақиятли амалга ошириш учун**

**олдиндан талабалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:**

*Тингловчи билиши керак:*

Фуқаролик жамияти тушунчасини, таркибий қисмлари ва унинг асосларини.

*Тингловчи амалга ошириши керак:*

- мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантикий хулоса чиқаради; ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди; маълумотларни таққослайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

*Тингловчи эга бўлмоғи керак:*

- ҳамкорликдаги ишлар кўникмаларига; муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмаларига; коммуникатив кўникмаларга; тақдимот кўникмаларига.

## **Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари мавзуси бўйича кейслар (муаммоли масалалар)**

### **Амалий топшириқлар**

#### **1-топшириқ**

*Фуқаролик жамияти* – давлатдан мустақил ва ундан ҳоли муносабатлар ва воситалар тизими бўлиб, у шахс ҳамда жамоаларнинг ижтимоий, маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга шароит яратади. Фуқаролик жамияти аксарият ҳолларда инсонларнинг хусусий манфаат ва эҳтиёжлари соҳаси тарзида таърифланади. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий кўпчилик қисми мана шу хусусий ҳаёт соҳасида рўёбга чиқарилади.

#### **2- топшириқ**

Фуқаролик жамияти хусусий мулкчиликка кенг йўл берувчи ва унга асосланувчи бозор иқтисодиёти муносабатларига, эркин иқтисодий фаолиятга замин яратувчи шарт-шароитга таянади. Айнан хусусий

мулкчилик муҳити ва муносабатлари қарор топган жамиятда шахснинг мулккий мустақиллиги, иқтисодий фаолият юритишдаги эркинлиги таъминланади. Худди шу аснода шахс давлат ҳокимиятига нисбатан мустақил мавқени эгаллайди. Давлат хусусий ҳаёт соҳасига, шахс ва ташкилотларнинг қонуний иқтисодий фаолиятига аралашмаслиги лозим.

*Давлат хусусий соҳага кириб бориши оқибатларини муҳокама этинг, хусусий мулкчиликнинг аҳамиятини кўрсатиб беринг ҳамда мисоллар келтиринг.*

### 3- топшириқ

Фуқаролик жамияти концепциясини яратишга катта ҳисса қўшган немис файласуфи Гегел, бу жамиятни буржуача ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи сифатида тушунган. У икки асосий принципни ажратиб кўрсатган:

**биринчидан**, шахслар ўз хусусий манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар;

**иккинчидан**, инсонлар шундай ижтимоий муносабатлар тизимини вужудга келтирадиларки, бунда ҳар ким бошқа кимсага боғлиқ бўлади.

*Ҳозирда фуқаролик жамиятини шакллантиришда пайдо бўлган янги асосларни атрофлича муҳокама қилинг ҳамда ривожланган давлатлардан мисоллар келтиринг.*

### 4- топшириқ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқаролик жамиятининг қарор топишидини хусусий мулкнинг қатъий мавқега эга бўлиши билан боғлайди. Шу асосда ҳозирги пайтда жамиятда кенг қўламда фуқаролик жамиятининг биринчи асоси бўлган хусусийлаштириш (акциялаштириш) жараёнлари амалга оширилмоқда.

*Нима сабабдан ислохотчи-давлат Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини жадал шакллантириб боришдан манфаатдор эканлигини муҳокама қилинг ҳамда қонунчиликдан хусусийлаштириши билан боғлиқ мисоллар келтиринг.*

### 5- топшириқ

Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар жамиятнинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар – нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат тузилмалари ва ҳаракатлар ҳозирги замон сиёсий жараёнининг асосий иштирокчиларидир. Бугунги кунда жамиятнинг сиёсий соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти борган сайин ортиб бормоқда.

*Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг ўрни ва аҳамиятини атрофлича муҳокама қилинг ҳамда қонунчиликдан мисоллар келтириш орқали изоҳланг.*

### **6- топшириқ**

Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар ва жамоат тузилмалари Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш, давлат идораларига ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар киритиш, жамиятнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш орқали демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнига ҳисса қўшиб келмоқда.

*Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар ва жамоат тузилмаларини ўзига хос хусусиятларини муҳокама қилган ҳолда мисоллар ёрдамида уларнинг фуқаролик жамиятидаги ўрнини ёритиб беринг.*

### **7- топшириқ**

Замонавий демократик жамиятда сиёсий партиялар фаолиятининг энг муҳим мақсади – жамият ва давлат ўртасида икки томонлама алоқани таъминлаш ҳисобланади. Бундай ўзаро алоқа у ёки бу масала, сиёсий ҳаракатлар амалиёти ҳамда бир қатор муҳим жиҳатларнинг муштараклигига асосланган, жамият ва давлат манфаатларини ифодаловчи узоқ муддатли сиёсий дастурларни амалга ошириш юзасидан ягона нуқтаи назарни яратишдан иборат. Фуқаролик жамиятининг бошқа субъектларидан фарқли ўлароқ,

сиёсий партиялар давлат ҳокимияти органларини шакллантириш, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир кўрсатиш имкониятларига амалда эга бўлади.

*Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини нималарда намоён бўлади. Фикрингизни мисоллар ёрдамида асосланг.*

### **8- топшириқ**

Мамлакатимизда қабул қилинган қонун ҳужжатлари фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаоллигини ривожлантиришда, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишда ҳал қилувчи омил сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимини кенг ривожлантириш, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва соддалаштиришга қаратилган қулай шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар шаклланиши учун муҳим замин яратди.

*Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини муҳофама қилинг ва уларнинг амалий ҳаётда қўлланилишини ёритиб беринг.*

### **9- топшириқ**

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари яна шундан иборатки, давлат бошқарувидан фуқаролик бошқарувига ўтишда ҳокимият тузилмалари ўз функцияларининг бир қисмини ўз ташаббуси билан амалда халқ қўлига ўтказиб бормоқда. Айниқса, бу жараён маҳаллий давлат ҳокимияти функцияларини фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишда яққол сезилмоқда.

*Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрнини атрофлича ёритиб беринг. Унинг таркибий қисмлари аҳамиятини кўрсатиб, қонунчиликдан мисоллар келтиринг.*

### **10- топшириқ**

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсон ҳаётини сақлаш, унинг мақсадларини, ҳаётий орзу-ниятларини шу жамиятдаги ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир. Бу ташкилотлар, институтлар ва гуруҳлар алоҳида шахсга унинг ҳокимият манбаи эканлигини, унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси юксак кадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилотлар ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.

*Инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини атрофлича муҳокама қилинг.*

### **6-машғулот. “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғояси.**

#### **Режа:**

1. “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғоясининг мазмун ва моҳияти
2. Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида “Миллий тикланишдан миллий юксалишга” концептуал ғоясининг аҳамияти.

### **Кейсларни (муаммоли масалаларни) босқичма – босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича талабаларга услубий кўрсатмалар (талабаларга йўриқнома)**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Маслаҳатлар ва тавсияномалар</b>
<b>Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш</b>	Аввало кейс билан танишинг. Фуқаролик жамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.
<b>Берилган</b>	Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб

<b>вазият билан танишиш</b>	чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир хатбошидан иккинчи хатбошига ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб кўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг.
<b>Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш</b>	Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг. Асосий муаммо нимага қаратилганини аниқланг. Муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олинг. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолатини аниқланг, асосий қирраларига эътибор қаратинг, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилинг.
<b>Муаммоли вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш</b>	Ушбу вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатларни излаб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг

## ТАЪЛИМ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ МОДЕЛИ

<b>Машгулот вақти-2 соат</b>	
<b>Машгулот шакли</b>	<b>Ахборот бериш асосидаги кириш маърузаси</b>
<b>Маъруза режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Фуқаролик жамияти тушунчаси, белгилари.</li> <li>2. Фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари.</li> <li>3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари ҳуқуқий асослари.</li> </ol>
<b>Ўқув машгулотининг мақсади:</b> Фуқаролик жамияти бўйича маълумотлар	



бериш.	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>фуқаролик жамияти тушунчаси, тилларини тушунтириб бериш;</p> <p>фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари ҳақида аниқ маълумотлар бериш;</p> <p>Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида бошланғич ҳуқуқий шарҳларини келтириш.</p>	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <p>фуқаролик жамияти тушунчаси, тилларини тушуниб олиши;</p> <p>фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари ҳақида аниқ маълумотлар олиши;</p> <p>Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида бошланғич ҳуқуқий шарҳларини билиб олиши.</p>
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Кўргазмали маъруза, ақлий ҳужум, суҳбат, тақдимот, мультимедиа, тушунтириш
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор, график органайзерлар: кластер, идрок харитаси
<i>Таълим бериш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

**“Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари” машғулотининг технологик харитаси**

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>

<p><b>1-Мавзуга кириш</b> (15 дақиқа)</p>	<p>1.1. Мавзунинг номини айтади ва экранга мавзунинг тузилмавий мантикий режасини чиқаради ва уларга қисқача таъриф беради</p> <p>1.2. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>1.3. Асосий мавзу мазмуни бўйича маълумотлар баён қилишга ўтади.</p>	<p>Тинглайди.</p> <p>Тинглайди</p>
<p><b>2-Асосий босқич</b> (55 дақиқа)</p>	<p>2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида савол беради: “фуқаролик жамияти деганда нимани тушунасиз?”</p> <p>2.2. Жавобларни умумлаштириб, норма нима эканлигини ёритиб берувчи слайдлар ёки мультимедада намойиши орқали маълумотларни кенгроқ ёритиб беради.</p> <p>2.3. Фуқаролик жамияти тушунчаси, белгилари бўйича талабалар билан биргаликда кластер тузади.</p> <p>2.4. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида талабалар қандай маълумотларга эга эканликларини билиш мақсадида савол беради: “фуқаролик жамиятининг таркибий институтларининг айтинг!” берилган саволни жуфтликда, сўнгра мустақил ўйлашга ва жуфтликда муҳокама қилишни таклиф қилади.</p> <p>2.5. Берилган жавобларни умумлаштириб, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш</p>	<p>Ақлий хужум асосида савол - жавоб.</p> <p>Тинглайди, ёзади.</p> <p>Кластер тузади, фикр алмашади.</p> <p>Ақлий хужум асосида савол - жавоб.</p> <p>Идрок харитаси</p>

	<p>истиқболлари аҳамиятини мультимедиа воситасида кенгроқ тушунтириб беради.</p> <p>2.6. Талабаларга “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш истиқболларининг ҳуқуқий асослари баён этинг?” деган савол беради.</p> <p>2.7. Жавобларни тўлдириш мақсадида норматив-ҳуқуқий асослари тўғрисида кенгроқ маълумот беради.</p>	тузади.
<p><b>3-Яқуний босқич</b> (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади.</p> <p>3.2. Мавзунини тўлиқ ўрганиш бўйича қўшимча адабиёт ва материаллар ҳақида маълумот берилади.</p>	<p>Саволлар беради.</p> <p>Вазифани ёзиб олади.</p>

## V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Автократия</b>	Давлат бошлиғи чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган бошқарув. Ушбу тушунча ҳозирги давр луғатларида ҳокимиятга даъвогарлик қилувчи шахс, гуруҳнинг чекланмаган сиёсий ҳукмронликка интилиши сифатида ифодаланади.	An autocracy is a government in which the head of state has unlimited power. In modern dictionaries, this concept is expressed as a person claiming power, a group's desire for unlimited political dominance.
<b>Авторитаризм</b>	Давлатни бошқариш усулларида бири. Якка шахснинг давлатнинг ўз таъсири, обрўси, ташкилотчилиги, шижоати, жамиятни яхши билими асосида бошқариши. Авторитаризм, одатда, жамият ўз тараққиётининг мураккаб, қалтис ва масъулиятли даврларини бошидан кечираётган паллаларда сахнига чиқади. XXасрда авторитаризм асосан салбий маънода намоён бўлди. Ҳозирги давр авторитаризмига ҳарбий-полиция фашистик тартиботлар “казармали коммунизм” шунингдек сталинизм кирди.	One of the ways of governing the state. The individual is the one who governs the state based on his influence, prestige, organization, enthusiasm, and good knowledge. Authoritarianism usually emerges at a time when society is going through difficult, dangerous and responsible periods of its development. In the twentieth century, authoritarianism has been largely negative. Today's Darwinist authoritarianism includes military-police fascist regimes, "barracks communism," as well as Stalinism.
<b>Агрессия</b>	Бир давлат томонидан иккинчи давлатга нисбатан территорияни қўлга киритиш, унинг мустақиллигини йўқ	Acquisition of territory by one state in relation to another, the destruction or restriction of its

	қилиш ёки чеклаш, аҳолисини бўйсундириш мақсадида ҳар қандай куч ишлатиш, тўғридан-тўғри қуролни агрессия	independence, the use of any force to subjugate its population, direct aggression
<b>Бозор иқтисодиёти</b>	Жамият тараққиётини тезлаштирувчи иқтисодий алоқалар мажмуи. Бозор иқтисодиёти моҳияти шундан иборатки, у барча жамият аъзоларини ишлаб чиқариш ва истеъмол орқали доимий иштирокчиларига айлантиради. Шу боисдан бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришнинг кун сайин такомиллашувига, маҳсулот сифатининг яхшилашиб боришига, миқдорнинг эса кўпайишига сабабчи бўлади.	A set of economic relations that accelerates the development of society. The essence of a market economy is that it turns all members of society into regular participants through production and consumption. Therefore, a market economy allows production to improve day by day, product quality to increase, and quantity to increase.
<b>Виждон эркинлиги</b>	Бу фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” – БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Бу ҳужжатда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаёт кечиришини таъминлайдиган ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган.	This is the right of citizens to believe in any religion or not to believe in any religion. The Universal Declaration of Human Rights is an international legal instrument adopted by the United Nations in 1948. This document defines the rights and freedoms of the people, the rights and freedoms that ensure their livelihood
<b>Глобал муаммолар</b>	Ушбу муаммолар ўзининг дахшатли оқибатлари, жиноятга келтирадиган зарари билан бошқа ҳар қандай муаммолардан қисман фарқ	These problems are somewhat different from any other problem in that they have dire consequences and damage

	қилади. Бу муаммоларни жамият ҳаётида рўй берадиган бирдан – бир муаммога қиёслаб бўлмайди. Улар ўзининг кўлами ва миқёсларига кўра дунёнинг жуда катта қисмига ёйилган бўлиб, кўпчилик мамлакатлар ва халқлар ҳаётига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.	to crime. These problems cannot be compared to a single problem that occurs in the life of a society. They are spread over a large part of the world due to their scale and scale, and have a strong negative impact on the lives of many countries and peoples. 'shows
<b>Федератив (мураккаб)</b>	Давлатлар эса давлатчиликнинг автоном (мухтор) давлатлар эса давлатчиликнинг автоном (мухтор) штатлар, ҳудудий ер бирликлари каби қисимлардан тузилган.	States are made up of parts of the state, such as autonomous states, territorial units of state.
<b>Демократия</b>	Демократиянинг муҳим хусусияти шундаки унда халқ ҳокимияти яъни озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi қоидаси расмий равишда эълон қилинади ҳамда фуқароларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилади. Бу шартлар жамият ҳамда унинг аъзолари ҳаётининг асосий қонуни–ушбу давлатнинг конституциясида акс эттирилади.	An important feature of democracy is that it officially declares the rule of the people, that is, the subordination of the minority to the majority, and recognizes the freedom and equality of citizens. These conditions are reflected in the basic law of society and the life of its members - the constitution of the state.
<b>Интеграция</b>	Миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатдан янги шароитларга эга бўлиши ва мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида иқтисодий равишда бирлашиши, бир-бирига ўзаро	The process of economic integration and integration of national economies in order to have qualitatively new conditions and expand the country's development

	таъсир этиши жараёнининг кучайиши. Иқтисодий интегратсия ҳамкорлик, иқтисодий сиёсатда устивор йўналиш деб ишлаб чиқариш ривожланишни белгиланган мамлакатлар ўртасида, асосан ишлаб чиқариш алоҳида юз беради ва бу жараённи амалга ошириш мақсадида мамлакатлар қатор чора тадбирларни қўллайдилар интегратсия жараёни ривожланиши даражасига боғлиқ ҳамда беш поғонага ажратилади.	potential. Economic integration cooperation is a priority in economic policy between the countries of production development, mainly production occurs separately, and in order to implement this process, countries take a number of measures depending on the level of development of the integration process and five gardens allocated to the mother.
<b>Импичмент</b>	Давлат жиноятчиларини мансабдор шахсларни ҳаттоки давлат бошлиғи—Президентини конституциясида кўрсатилган моддаларни бузганлиги учун жинойий жавобгарликка тортиш қонун йўли билан мустаҳкамланган. Маъсулият амалга ошириш қийин қонунчилик палатаси, ушбу масалани кўриб чиқиш эса юқори палатага юклатилган.	Prosecution of state criminals and officials, even the head of state, for violating the provisions of the constitution is enshrined in law. The legislature is difficult to account for, and the upper house is left to decide.
<b>Инаугурация</b>	Давлат бошлиғи лавозимида киришиш олдидан ўтказиладиган тантанали маросим. Янги Президент ва вите Президент ҳокимиятини тантанали қабул қилиш маросими. Шунингдек ҳайкалларни кўргазмалари очилишида ҳам инаугурайияни ифодалайди.	Ceremony before the inauguration of the President. Ceremony of inauguration of the new President and Vice President. It also symbolizes inauguration at the opening of sculpture exhibitions.
<b>Коррупция</b>	Коррупция — (лотинча	A crime of abuse of office



	<p>“соруптио”- порага сотиш, айниш, таназзул) – мансабдор шахснинг бойиш мақсадида ўз мансаби билан боғлиқ ҳуқуқларни суистеъмол қилишдан иборат жиноят. Коррупсия энг қадимий жамиятлардан бири: Қаерда давлат бўлса, давлат аппаратининг турли тармоқларида, пастдан юқоригача, коррупсия бутун жаҳонга ёйилган жиноятлардан биридир.</p>	<p>rights by an official for the purpose of enrichment. Corruption is one of the oldest societies: Wherever there is a state, corruption is one of the most widespread crimes in various sectors of the state apparatus, from the bottom up.</p>
<b>Лоббизм</b>	<p>Лоббизм – Қонуният органида фаолият кўрсатувчи йирик монополиялар агентлиги ёки ташкилий гуруҳ бўлиб улар манфатларни ифода этган қонунларни, заказларини, ёрдамга бериладиган маблағни (субсидияни) олиш йўлида қонун чиқарувчиларни мажбурлаш (керак бўлса сотиб олиши) йўлини тутувчи тушунча.</p>	<p>Lobbying - a large monopoly agency or organizational group operating in the legislature, which does not force lawmakers to buy (if necessary) laws, orders, aid (subsidies) that represent their interests. the concept that holds the line.</p>
<b>Менталитет</b>	<p>Менталитет – (лотинча “менс” – ақл, идрок) – жамият, миллат, бирлик ёки алоҳида шахснинг алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муҳим ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати, жамият, миллат ёки шахснинг менталитети унинг ўзига хос анъаналари,</p>	<p>Mentality - (Latin "mens" - mind, perception) - the level of thinking of a society, nation, unit or individual, the spiritual potential of the individual, their ability to analyze the laws of life, mental ability formed in important social conditions, mental strength , the mentality of a society, nation, or</p>



	расм-русмлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини ҳам қамраб олади.	individual also includes its specific traditions, customs, traditions, religious beliefs, and superstitions.
--	--	--

## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фааровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиди талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

18. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.

19. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

20. Жалилов А бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. – Т.: Бактрия пресс, 2015.

21. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси– Т.: 2016. Зиёнет.уз. Муаллифлар жамоаси.

22. Ўтамурадов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.
23. Авесто. Тарихий – адабий ёдгорлик. – Т.: Шарқ, 2001.
24. Аристотель. Политика. – М.: АСТ, 2006.
25. Афлотун. Қонунлар. Урфон Отажон таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. - 458 бет.
26. Абдуазимов О. Фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари. –Т.: Академия, 2008.
27. Гуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. – Т.: Адолат, 2003.
28. Берк Э. Правление, политика и общество / пер. с англ. – Канон-Пресс-Центр, 2001.
29. Беруний Абу Райҳон. 100 ҳикмат: ибратли сўзлар. – Т.: Фан, 1993.
30. Гегель Г.В.Ф. Философия права / Пер. Б.Г. Столпнера, М.И. Левиной; Сост. Д.А. Керимов, В.С. Нерсисянц. – М.: Мысль, 1990.
31. Гоббс Т. Левиафан или материя, форма и власть государства церковного и гражданского. – М.: Соцэскиз «Образцовая», 1936.
32. Жалилов Ш. Фуқаролик жамиятининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
33. Ибн Сина. Избранные философские произведения / Отв. ред. Асимов М.С. – М.: Наука, 1980.
34. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.
35. Коэн Дж., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. Пер. с англ. – М.: 2003.
36. Нишанбаева Э.З. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик тамойиллари. – Т.: Шарқ, 2015.
37. Мавлонов Ж.Ё. Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам (социально-философский анализ). Монография. – Т.: Истиклол нури, 2014.

38. Маликова Г.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари – миллий демократик институт / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009.

#### **IV. Интернет сайтлар**

39. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

40. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

41. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази

42. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) – Таълим портали